

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги
вазирлиги**

Тошкент Давлат аграр университети

***ИБРОҲИМ ХЎЖАМУРОДОВ,
ЮСУФ ЯКУБОВ***

**ИСЛОМ:
ЖАМИЯТ ВА ШАХС**

монография



ТОШКЕНТ – 2007

Хўжамуродов Иброҳим Рўзиевич, Якубов Юсуф Мингишевич.
Ислом: жамият ва шахс. (Монография) ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти.-Т.:Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти, 2007.-112 б.

Маъсул муҳаррир:

Тарих фанлари доктори, профессор ***К.Н. Норматов***

Такризчилар:

Фалсафа фанлари доктори, профессор ***А.И. Абдусаметов***

Фалсафа фанлари доктори, профессор ***Р.М. Имомалиева***

Ушбу китоб ислом таълимотида жамият ва шахс муносабатларини ўрганишнинг назарий-методологик асосларига бағишланган бўлиб, дин фалсафасида инсон ва унинг жамиятдаги ўрни, шахс ва жамият муносабатларининг ақидавий ва ҳуқуқий асослари, Марказий осийё мутафаккирлари дунёқарашида шахс ва жамият муносабатларининг баъзи назарий масалалари тадқиқ қилинади.

Шунинг билан бирга монографияда диний экстремизмнинг шахс ва жамият муносабатлари уйғунлигини таъминлашдаги зарарли оқибати, диний бағрикенглик—диний экстремизмга қарши курашнинг мафкуравий воситаси эканлиги масаласи ҳам тарихий, илмий манбалар асосида ёритиб берилган.

Мазкур монография олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларига, диншунослик, сиёсатшунослик ва маънавият муоммолари билан қизиқувчи мутахассислар ва кенг китобхонларга мўлжалланган.

Мазкур монография Тошкент Давлат аграр университетининг 2007 йил 30 апрелдаги Илмий Кенгашида муҳокама этилиб (баённома №10) нашрга тавсия қилинган.

ISBN 978-9943-319-00-9

Иброҳим Хўжамуродов, Юсуф Якубов

© Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2007

КИРИШ

Мустақил Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий-демократик давлатни қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёнида шахс ва жамият муносабатлари масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, шахснинг жамият аъзоларига ва аксинча жамиятнинг ҳар бир шахсга бўлган муносабатлари мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумнинг ички объектив қонунлари билан бошқарилади. Айни вақтда, қонун доирасига кирмайдиган, бироқ шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларга ўз таъсирини ўтказадиган объектив ва субъектив омиллар ва сабаблар ҳам мавжудки, уларни ҳисобга олмасдан бу масалага ёндошиш қийин.

Шахс ва жамият муносабатларига нафақат таъсир кўрсатувчи, балки уларни тартибга солишга, такомиллаштиришга кўмаклашувчи объектив омиллардан бири – диний таълимот, хусусан унинг қадриятлари ҳисобланади. **«Мусулмон динига хос қоида ва арконлар, қадимий анъана ва қадриятлар, ушбу юртнинг асрлар давомида ислом цивилизацияси ва маданиятига қўшган ҳиссаси, бу ерда қандай юксак тафаккур соҳиблари, буюк уламолар яшаб ўтгани ва улар қолдирган илмий-маънавий мерос инobatга олиниши муқаррар»¹**- деб қайд қилган эди юртбошимиз. Ушбу мероснинг жамият ва шахс маънавий ҳаётидаги ўрни тўғрисида Президентимиз И.А.Каримов қуйидаги фикрни билдиради: «Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, ҳуқ-атвор қоидаларига айлантирган. Маданиятга катта таъсир ўтказган. Инсоннинг одамлар билан баҳамжихат яшашига кўмаклашган ва кўмаклашмоқда. Бундай ҳулосалар чиқаришга, ота-боболаримизнинг дини бўлмиш ислом дини мисолида айтиш учун ҳамма асосларга эгамиз»². Ислom дини асрлар давомида шахс ва жамият ривожига, оила ва турмуш тарзига ўзининг кучли таъсирини ўтказиб келган. Аммо, XX асрнинг охири чоракларидан бошлаб ундаги эзгу ғояларни, шу жумладан шахс ва жамият муносабатлари ҳақидаги ғояларни ҳам издан чиқариш мақсадида динни байроқ қилиб, диний фундаменталистик,

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасининг юксак эътирофи. Президент Ислom Каримовнинг «Туркистон - пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси. // Фуқаролик жамияти: - Т.: 2007. - № 1(9). – Б.4.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари: //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, Т.6.- Т.: “Ўзбекистон”, 1998. - Б.52.

ақидапарастлик мазмунидаги сиёсий мақсадларни амалга оширишни кўзлаётган сиёсий кучлар, партиялар, диний ҳаракатлар пайдо бўлди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлардан кўзланган устивор вазифа-бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш шароитида динни сиёсийлаштиришга уринаётган ақидапарастларнинг ҳаракати учун ҳеч қандай имконият ва шарт-шароит бўлмаслиги керак. Юртбошимиз Ислом Каримов Олий мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида шундай деган эдилар: «... **биз мамлакатни модернизация ва ислох этиш масалаларида турли инқилоблар ва ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишларига қаршимиз**»¹.

Дарҳақиқат, бозор муносабатларига асосланган ҳукуқий демократик жамият барпо этиш йўлини танлаган бизнинг мамлакатимизда шахс ва жамият муносабатлари мустақиллик йилларида қабул қилинган Конституция, қонунлар, фармонлар асосида шаклланаётган бир пайтда диндан ўз ғаразли сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланиш, диний қадриятларнинг ижобий мазмунини бузиб, турли динларга эътиқод қилувчи фуқароларимиз ўртасида норозиликлар келтириб чиқарадиган ҳар қандай кучларга ҳеч қандай ўрин бўлмаслиги керак.

Кўп миллатли ва кўп конфессияли бўлган Ўзбекистонда ислом таълимотида шахс ва жамият муносабатлари масаласи мавзусининг долзарблиги қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, шахс ва жамият муносабатлари, хусусан жамият тушунчаси мазмун ва моҳият масаласида диний ҳамда илмий-фалсафий жиҳатдан ёндошувлар мавжудлигига асосан ҳар икки қарашларнинг умумий ва фарқли тамойиллари таҳлилининг муҳимлиги;

иккинчидан, шахс ва жамият муносабатларининг, айниқса ислом манбаларидаги кенг қамровли талқини унинг жамият тарихий тараққиётидаги ўрни ва ролини ҳам фалсафий таҳлил қилишни тақозо этиши;

учинчидан, ислом динини сиёсийлаштиришга даҳлдор кучлар-сиёсий партиялар, ақидапарастлар, фундаменталистлар, диний ҳаракатларни келтириб чиқарувчи ижтимоий-иқтисодий ва

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир: //Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди, Т.13.-Т.: “Ўзбекистон”, , 2005.-Б.183.

маънавий-ахлоқий сабабларини тадқиқ этишнинг бугунги кун учун аҳамиятлилиги;

тўртинчидан, жаҳон ҳамжамиятида, шу жумладан, Ўзбекистон да шахс ва жамият ўртасида турли ғайриинсоний муносабатларни келтириб чиқаришга ва бу йўлда ислом динини байроқ қилиб олиб, ғаразли ниятларини амалга оширишга уринаётган сиёсий кучлар ва диний ҳаракатлар моҳиятини фош этишнинг зарурлиги;

бешинчидан, ҳозирги даврда жаҳон халқлари ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий тараққиёти олдида қўйилаётган ва ечимини талаб қилаётган глобал муаммолар ичида жаҳон динлари таълимотидаги инсон ва жамият муносабатларини таҳлил қилиш, қиёслаш натижасида халқлар, миллатлар ҳамда давлатлар ўртасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи тавсияларни ишлаб чиқишнинг муҳимлиги;

Фалсафий таълимотларда шахс ва жамият муносабатлари муаммосига қадимги дунё олимларидан бошлаб, ҳозирги давр тадқиқотчилари томонидан турлича ёндашув ва талқинлар ишлаб чиқилиб, салмоқли асарлар яратилган. Масалан, Афлотун «Қонунлар» - асарида давлат, жамият ва шахс муносабатлари масаласига эътибор қаратиб, адолатли жамиятнинг барқарор яшашида эркинлик қадриятларининг аҳамиятини юксак поғонага кўтаради»¹. Аристотель ўзининг «Сиёсат», «Этика», «Риторика» каби асарларида жамият ва шахс муносабатини янада такомиллаштириш ғояларини илгари сурди. Шахс адолатли ишларга қўл урар экан, адолатли, жасорат намунасини кўрсатар экан, жасоратли фазилатларнинг соҳибчилигини исботлайди². Шунингдек, Марказий Осиёда етишиб чиққан Абу Наср Форобий, «Фозил одамлар шаҳри» асарида шахс ва жамият муносабатлари хусусида инсонлар ўзаро кўмаклашишга интилиши туфайли жамият ҳаётида адолатни таъминлашга ёрдам беради деб ҳисоблайди³. Абу Райхон Беруний ҳам шахс ва жамият муносабатлари масаласига оид қарашлари асосида жамиятнинг вужудга келишида инсонларнинг ўзаро ёрдамга муҳтожлиги ва одамларнинг ўзаро ихтиёрий келишувини асосий омил деб билади⁴. Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» асарида жамият инсонларнинг ўзаро келишуви асосида қабул қилинувчи адолатли қонунлар ёрдамида бошқарилиши лозимлигини

¹ Афлотун. Қонунлар. Рус тилидан Ўрфон Отажон таржимаси. Т.: «Янги аср авлоди», 2002. -Б.95-96

² Аристотель. Политика. Соч. в.4-х томах. Т.4-М.: «Мысль», 1984, С.379.

³ Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: А.Қодирий номидаги «Халқ мероси» нашриёти, 1993. –186.б.

⁴ Беруний Абу Райхон. Минерология.-Т.: «Фан», 1966. – Б.14-27.

таъкидлайди⁵. Амир Темур «Темур тузуклари»да жамият ва шахс муносабатлари масаласига адолат нуқтаи назаридан ёндашади. «...Хаммага ҳам бир хил жиддий ва одил қарадим, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмадим»¹, - деб ёзади. Бобур («Бобурнома») асарида шахс ва жамият муносабатлари масаласида инсоннинг ирқи, динидан, миллатидан қатъий назар унинг барча ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътиборини қаратади². Шунингдек бошқа мутафаккир алломалар асарларида шахс ва жамият муносабатлари кенг ва атрофлича таҳлил қилинган.

Шахс ва жамият муносабатлари масаласида дин, шу жумладан ислом динининг эгаллаган мавқеи ва унинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий ва ғоявий аҳамиятини назарий ва методологик масалалари эса, Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» ва бошқа асарларида, турли анжуманларда сўзлаган нутқ ва маърузаларида ёрқин ёритиб берилган. Жумладан, дин, шу жумладан ислом дини ҳам жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, хусусан шахс ва жамият муносабатлари масаласида уларга таъсир қилганлиги ва ўзи ҳам жамият таъсирида бўлганлигини таъкидлаб, шундай ёзилади: **«Жамият ҳаётининг бир қисми бўлган дин ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан муқаррар равишда муносабатда бўлган. Уларга таъсир кўрсатган ва ўзи ҳам бошқа соҳаларнинг таъсирига дуч келган. Ҳозир мавжуд бўлиб турган диний тартибларнинг кўпчилиги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий бурилишлар, тангликлар даврида шаклланилиши бежиз эмас»**³. Бу борада ислом дини тутган ўрни ва унинг ҳозирги давр учун аҳамияти ҳақида шундай таъкидланади. **«Ислом динининг маданий кадриятлари ва анъаналари, жаҳон миқёсида ислом дини қолдирган жуда улкан маънавий мерос нафақат минтақамизнинг тарихий ривожланишига кўп жиҳатдан қўшилган ҳиссани, балки унинг ҳозир шаклланиб бораётган сифат жиҳатдан янги қиёфасини ҳам белгилаб бермоқда»**⁴. Шу билан бирга Президентимиз таъкидлайдики: **«Муқаддас ислом динимизни**

⁵ Ибн Сино. Тиб қонунлари: 3 жилдлик сайланма / Тузувчилар: У. Каримов, Ҳ. Ҳикматуллаев. – Т.: “А. Қодирӣ номидаги халқ мероси” нашриёти, Ж. I. – 1992. – Б.142.

¹ Амир Темур. Темур тузуклари. – Т.: “F.Фулум”, 1996. – Б.53-55.

² Бобур. Бобурнома.- Т.: “Юлдузча”, 1989.-Б.70-89.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари: //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, Т.6.-Т.: “Ўзбекистон”, 1998. - Б.54.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари: //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, Т.6.-Т.: “Ўзбекистон”, . 1998. – Б. 57.

пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, тухмат ва бўхтонлардан ҳимоя қилиш, авваламбор, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш ислом маданиятининг эзгу ғояларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда»¹.

Монографияда қуйидаги йўналишлар бўйича тадқиқ ишлари олиб борилди:

- дин фалсафасида инсон моҳияти ва унинг жамиятдаги ўрни масаласини фалсафий таҳлил этиш;
- ислом манбаларида инсоннинг ижтимоий моҳияти ҳақидаги ғояларнинг маънавий-ахлоқий моҳиятини ёритиш;
- шахс ва жамият муносабатлари тушунчасининг ижтимоий-фалсафий мазмун-моҳиятини ёритиш;
- исломда диний бағрикенглик ғояларининг ақидавий, ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш асосида шахс ва жамият муносабатларини барқарорлаштиришдаги ўрнини кўрсатиш;
- исломда халқлараро ҳамкорлик ва тотувлик ғояларининг шахс ва жамият муносабатлари масаласидаги аҳамиятини ёритиш;
- Марказий Осий мутафаккирлари дунёқарашида шахс ва жамият муносабатлари масаласининг баъзи назарий жиҳатларини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистонда динни сиёсийлаштиришнинг шахс ва жамият муносабатлари уйғунлигини таъминлашдаги зарарли оқибатларини ёритиш;
- Ўзбекистонда ислом динини байроқ қилиб шахс ва жамият ўртасида ғайриинсоний муносабатларни келтириб чиқаришга ҳаракат қилаётган турли экстремистик оқимлар фаолияти моҳиятини фош этиш;
- жаҳон динлари таълимотидаги шахс ва жамият муносабатлари ҳақидаги ғояларни халқлар ва давлатлар ўртасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи тавсияларни ишлаб чиқиш.

Монографиянинг **илмий аҳамияти** шундаки, у ижтимоий-тарихий тараққиётда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда шахс ва жамиятнинг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги ушбу жараёнларни янада кенг ва чуқур илмий таҳлил ва тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасининг юксак эътирофи. Президенти Ислам Каримовнинг «Туркистон - пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси. // Ж. Фукаролик Жамияти: - Т.: 2007. - № 1(9). – Б.6.

Монографиянинг **амалий жиҳатдан аҳамияти** шундаки, унда баён этилган назарий хулосалар ва амалий тавсиялардан республика, вилоят, туман, маҳалла жамоаларида шахс фаоллигини оширишда ҳамда фуқароларда шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни такомиллаштиришда, хусусан, бу жараёнга раҳна солувчи турли экстремистик диний ҳаракатлар, гуруҳларга қарши курашишда фойдаланиш мумкин. Монографияда илгари сурилган назарий ва амалий хулосалардан олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар фанларнинг «Шахс ва жамият» мавзуи сифатида ўқитишда, шунингдек, меҳнат жамоаларида кенг фойдаланиш мумкин.

Мазкур китоб ҳозирги даврда Ислом таълимотида жамият ва шахс муносабатлари масаласига қизиққан барча китобхонлар тоифасига мўлжалланган бўлиб, унда кўтарилган ва таҳлил этилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган ўқувчиларга муаллифлар олдиндан ўз миннатдорчилигини изҳор этади.

I БОБ. ШАХС ВА ЖАМИЯТ МУНОСАБАТЛАРИ МАСАЛАСИНИНГ ДУНЁВИЙ ВА ДИНИЙ ТАЛҚИНИ

Мазкур бобда ҳозирги замон фалсафий таълимот нуқтаи назаридан шахс ва жамият тушунчалари ҳамда муносабатларининг фалсафий таҳлили, айти замонда, бу масалаларнинг диний таълимот бўйича талқини илмий асосланади. Шунингдек, тарихий-фалсафий таълимот тараққиётида Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан шахс ва жамият тушунчаларига берилган таъриф ва назарияларни қиёсий таҳлил қилинади. Бу масалага жаҳон динларининг нафақат таълимоти, балки диний-фалсафий таълимотлар эволюциясида шаклланган фикрлар ва уларнинг ҳозирги давр учун аҳамияти кўрсатилади.

1.1. Шахс ва жамият тушунчаларининг фалсафий таҳлили

Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги глобаллашуви жараёнида шахс ва жамият муносабатлари муаммосига эътиборнинг кучайиб бораётганлиги табиий бир ҳолдир. Ижтимоий тараққиётнинг кейинги босқичларида, хусусан XIX асрда шахс ва жамият муносабатларини тадқиқ қилиш ижтимоий заруриятга айланди. Европалик олимлар (Г.Спенсер, Э.Дюркгейм, Гегель, М.Вебер ва бошқалар), қадимги дунё олимлари ва Марказий Осиё мутафаккирларининг бу ҳақдаги фикрларини ривожлантириб, шахс ва жамият муносабатлари мазмунига кенг ва илмий таъриф беришга ҳаракат қиладилар. Улар жамият ўз-ўзини ташкил этувчи ва бошқаришдаги ғоят мураккаб ижтимоий организм эканлигини эътироф этдилар ва одамлар ўртасида амал қиладиган ахлоқий, диний, сиёсий, иқтисодий, мафкуравий муносабатларнинг тарихан таркиб топган мажмуи эканлигини таъкидладилар.

Шахс ва жамият уйғун тушунча. Шахссиз жамият бўлмайди ва ривожланмайди. Бу иккала тушунчага ягона бир организм сифатида қаралиши ўринлидир. Инсонга шахс сифатида қарайдиган бўлсак, унинг бу ҳолатини даставвал жамиятда тутган ўрни ва бажарадиган вазифалари ифодалайди.

Шахснинг шаклланиши у яшаётган жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий муҳитнинг таъсирида кечади. Бу жа-раённинг биринчи босқичи оиладир. Оилада гўдакнинг дунёга келган кунидан бошлаб, ахлоқий ва онгли фаолиятига асос солинади. Зеро, янги туғилган чақалоқнинг шахс сифатида шаклланишининг биринчи «ғишти» оилада қўйилар экан, бу шахс камолотининг жуда кўп ва мураккаб объектив ва субъектив омиллари ичида муҳимларидан, ҳат-токи ҳал қилувчи жиҳатларидан бири ҳисобланади. Аввало дунёга янгидан келган гўдак соғлом бўлиши, бунинг учун унинг онаси ҳам соғлом бўлиши ва руҳиятининг тетик бўлишига кўп нарса боғлиқ. Ўзбек халқининг алломаси, буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Али ибн Сино шу муносабат билан ўзининг «Тиб қонунлари» номли асарида «чақалоқнинг она қорнида ривожланиши ва туғилгандан кейинги даврларда шахс сифатида шаклланиши она руҳиятига боғлиқ»¹, деган эди.

Инсон боласининг шахс сифатида камолотга етишишида, уни дунёга келтирувчи ота ва оналарининг руҳан ва жисмонан тетик бў-лиши, айниқса маънавияти бой бўлиши муҳимдир.

Бу даражага етишиш учун инсон жуда кўп мураккаб босқичлардан ўтиши, зарур билимларга, ҳаётий тажрибаларга эга бўлиши, ўзи яшаётган ва меҳнат қилаётган жамоа, муҳит ва муайян жамиятнинг талаб ва эҳтиёжларини ўзида акс эттиргандагина шахс си-фатида шаклланиб боради.

Шахс ва жамият муносабатлари бир хил тенг вазиятда ўтади дейиш ҳам, шунингдек, уларни бир-бирига қарши қўйиш ҳам хатодир. Шахсни жамият етиштирар экан, у жуда мураккаб ва зиддиятли жа-раён эканлигини ҳисобга олиш зарур.

Шахс тушунчасини «индивид» тушунчасидан фарқлаш лозим. Индивидуаллик ҳақида турли даражада гапириш мумкин. Масалан, биохимик, нейрофизиологик, психологик ва ҳоказо. Лекин бу индиви-дуаллик шахс тушунчасини тўлиқ акс эттирмайди. Шахс эса онг ва ўз-ўзини англаш пайдо бўлиши билан юзага келади.

¹ Абу Али ибн Сино. Тарбия ҳақида. Тиб қонунлари. 1-жилд. – Т.: Мерос, 1992. – Б.75.

Фалсафий-қомусий луғатда индивид тушунчасини, аниқроғи индивидуализмни (лотинча - бўлинмас) инсон шахсий ҳаётининг алоҳидалиги, шахс ҳуқуқларининг мутлоқлигини ва автономиясини ифодаловчи фалсафий ахлоқий тамойил,² деб таърифланган.

«Ватан туйғуси» китобида таъкидланишича, индивид деган тушунча лотинча индивидуум деган сўздан келиб чиққан, бўлинмайдиган деган маънони англатадиган бу атама мустақил яшайдиган тирик вужуд, ҳар бир шахс, ҳайвон ва ўсимликни билдиради.¹

«Индивид» ва «индивидуализм» бир-бирига яқин атамалар бўлса ҳам ҳар бирининг ўзига хос мазмун ва моҳияти бор. Агар индивид деганда мустақил яшайдиган тирик вужуд, шахсни тушунилса, индивидуализмнинг келиб чиқиши фалсафа қомусий луғатида тўғри ёзилишича, унинг моҳиятини асослашга қаратилган қарашлар шахсни жамоага қарама-қарши қўйиш, шахсий манфаатларни жамият манфаатларидан устун қўйишни ифодаловчи тамойил сифатида хусусий мулкнинг пайдо бўлиши билан бир пайтда шаклланган.²

Фалсафада қабул қилинган индивид тушунчаси узоқ тарихий даврга бориб тақалади. Унинг шаклланиш даврининг бошланиши ибтидоий жамоа босқичига тўғри келади. Унинг жисмоний мав-жудлиги, индивид сифатида мустақиллиги ўзи мансуб бўлган уруғ жамоаси доирасида бўлади.

Академик Эркин Юсупов «Фалсафа» ўқув қўлланмасида, «Уруғ жамоасининг емирилиши билан аста-секин ижтимоий меҳнат тақсмоти, хусусий мулкчилик бир хотинликка асосланган оиланинг қарор топиши инсон ривожланишида индивиддан юксак бўлган янги босқич келиб чиқишини таъминлайди»³, деб ёзади.

Дарҳақиқат, ижтимоий тараққиётнинг кейинги юқори босқичларида инсондаги индивидуаллик, бошқача қилиб айтганда, алоҳидалик йўқолиб кетмайди, аксинча унда бу хусусиятлар объектив равишда инсон хусусиятларини ифодаловчи бўлиб давом этаверади. Инсондаги индивидуаллик унинг ҳаёти, фаолиятининг барча соҳаларида намоён бўладиган ўзига хос сифатларидир. Индивидуаллик алоҳида олинган

² Фалсафа қомусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров)-Т.: Шарқ нашриёти-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2004.-Б.161.

¹ Иброҳимов А. ва бошқ. Ватан туйғуси – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б.55.

² Фалсафа қомусий луғат. Т.: 2004. – Б.161.

³ Фалсафа (ўқув қўлланма) Шарқ нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти. –Т.: 1999. – Б.284.

инсоннинг аниқ ҳатти ҳаракати, малакаси, лаёқати, одат ва кўникмаларини ифодалайди.⁴

Жамиятда моддий ишлаб чиқаришни амалга ошириш, сиёсий, маънавий-маданий ишларда иштирок этиш, фан ва санъат соҳаларида ноёб асарларни ижод ва кашфиёт қилиш, умуман олганда кўплаб бурчларнинг бажарилишида ана шу индивидуаллик намоён бўлади. яъни бунда ижодийлик ҳукм суради. Индивидуалликда инсоннинг ички ва ташқи бетакрор хусусиятлари шаклланганлиги учун бошқалардан фарқ қилиб туради.

Индивидуализм атамасини Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари ўзига хос мазмунда ишлатиб келганлар. Ғарб олимлари индивидуализмга латинча *individuum* – бўлинмас, яъни инсон шахсий ҳаётининг алоҳидалиги сифатида қараганлар, Шарқда эса, фард (فرد) арабчадаги якка, ёлғиз¹ маъносида ишлатилиб, унинг мазмуни кенг қамровли эканлигига эътибор қаратилган.

Ўрта аср охирларидан бошлаб индивид (фард) жамоадаги ўз ўрнини топган шахсга нисбатан ишлатилган, индивидуалликнинг шахсдан фарқи индивиднинг бетакрорлиги, алоҳидалиги ва ўзига хослигидир.

Олимларнинг тадқиқотларида индивид, яъни фарднинг шарқ мутафаккирлари ижодидаги таҳлилига эътибор қаратилган. Масалан, Б.Ш.Каримовнинг «Амъақ Бухорийнинг ижтимоий қарашлари» (социологик таҳлил) номли номзодлик диссертациясида фард сўзининг бир неча, яъни: ягона, якка, мужаррад, ҳамроҳсиз, ўзгаларга ўхшамайдиган беназир, бир киши, бир нафар, ажралган, якка ўзи маъноларга эгаллиги қайд қилинган.²

Индивидуаллик (фард) даги кенг қамровли мазмуннинг ифодаланиши муайян жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-ахлоқий заруриятлар олдинга сурадиган талаб ва эҳтиёжлар орқали намоён бўлади. Масалан, IX-XV асрларда Марказий Осиёда яшаган мутафаккирлар фалсафа, фан, дин ва санъатда шундай янги фикрларни айтишга муваффақ бўлдиларки, улар нафақат ўз даврлари учун, балки кейинги даврлар учун ҳам улкан аҳамиятга эга бўлди.

Ижтимоий тараққиёт жараёнининг тарихига назар ташласак, шу нарса аён бўлдики, антик даврнинг охирларида

⁴ Фалсафа (ўқув қўлланма) Шарқ нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти. –Т.: 1999 –Б.284-285.

¹ Арабско-русский словарь. Составитель А.К.Баранов. - М.: 1957. – С.754.

² Каримов Б.Ш. Амъақ Бухорийнинг ижтимоий қарашлари (социологик таҳлил) социология фанлари номзоди дисс.-Т.: 2004. – Б.14.

индивидуалликни шахс деб атаганлар, инчинун у фақат табиий организм эмас, балки инсоний, ижтимоий мавжудот сифатида қабул қилинган. Шундан эътиборан шахс атамаси ва унга тааллуқли нарсалар шахсийлик маъносида ишлатилиши одат тусига кира бошлаган.

Ҳозирги замон фалсафа ва ижтимоий-гуманитар фанларда шахс тушунчасига бир неча талқин берилган. Яъни, шахс деб муайян ижтимоий-иқтисодий тузум шароитларига боғлиқ бўлган, ўз тақдирининг эгаси бўла олган, индивидуал ҳолатда интеллектуал, эмоционал ва иродавий сифатларга эга бўлган одамга айтилади.

Тарихан турли диний-фалсафий тизимлар шахсга ўзларича ёндошганлар. Агар антик давр фалсафасида шахсга нисбатан асосан муносабатлар деб қаралган бўлса, христианлик таълимотида шахс махсус моҳият, «Индивидуал субстанция», ақлий хусусият, номоддий руҳнинг синоними деб тушунилган.

Янги давр фалсафасида француз файласуфи Р.Декартдан бошлаб шахс ҳақида дуалистик ғоя шаклланишига йўл очилди. Бунда биринчи ўринга ўз-ўзини англаш «Мен» тушунчаси билан бирлаштириб юборилди.

Немис файласуфи И.Кант фикрича, шахс ўз-ўзини англаши орқали шаклланади, бу ҳолат унга ҳайвонлар олаmidан фарқлаб, ўзининг «Мен» ини ахлоқий қоидаларга бўйсундириш имкониятини беради.¹

Инглиз файласуфи Дж.Локк эса шахсни «ақлий», «фикрловчи» мавжудот,² деб тушунган.

Юқорида зикр қилинган файласуф олимларнинг шахс ҳақидаги таърифларига қўшилган ҳолда унга қўшимча ўз фикримизни баён қилишни ўринли деб ҳисоблаймиз. **Яъни, шахснинг шаклланиши ўз-ўзини англаш ва ақлий фикрлашдан ташқари аввало муайян тузумда фаол қатнашиши билан ижтимоий ҳаётнинг қарор топишига ўз ҳиссасини қўшиш, бунинг учун ўз интеллектуал, эмоционал ва иродавий сифатларини тўлиқ намоён қилиш ва ниҳоят шахс билан жамият ўртасидаги ижтимоий муносабатларининг ўзаро таъсири натижасида вужудга келади.**

Тарихий тараққиёт натижасида фақат шахснинг шаклланиши мавжуд ижтимоий тузумнинг ўзгариши билан

¹ Кант И. Соч 4.Ч.2.-М.: 1965. - С.132.

² Дж. Локк, избр. философское произведение. Т.1-М.: 1960. - С.338.

чегараланмайди, балки шахс билан жамият муносабатлари ҳам ўзгариб, ривожланиб боради.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг шахснинг ҳар томонлама, яхлит ривожланишига йўл очилди. Бу ҳолат давлати-мизнинг қатор фармон ва қарорлари билан мустаҳкамланмоқда. Хусусан «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг ҳаётга тадбиқ қилиниши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Фуқаролик ва ҳуқуқий давлат бунёд этилаётган ҳозирги шароитда жамиятнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, бозор муносабатларига асосланган ижтимоий муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш, маданий-маърифий ишларни амалга ошириш асосида маънавий бойликни, ахлоқий покликни ва жисмоний баркамолликни ўзида уйғунлаштириб бирлаштирган янги инсон шахсининг шаклланиши таъминланади.

Бу борада ислом маънавиятини тинмай бойитиш, уни жамиятимиз моддий-маърифий ишларида фаол иштирокини таъминлаш муҳимдир. **«Барчамиз яхши биламизки, -деган эди Республикамиз Президенти И.Каримов, - фуқаролик жамияти асосларининг барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат».**¹

Дарҳақиқат, шахс камолотининг муҳим омилларидан бўлган маънавий маданиятини ривожлантириш ўз мазмун моҳияти билан инсоннинг шахс сифатида шаклланишига, шахс ва жамият муносабатларини яхшилашга хизмат қилади ҳамда янги фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди.

Шахс ва жамият муносабатларида шахснинг ўрни алоҳида бўлганлигидан, унинг психологик жиҳатлари психолог олимлар томонидан тадқиқ қилинган. шахснинг хусусиятларига одамнинг характери, интеллект, эмоционал сифатлари, темпераменти, қобилиятлари ва психик ҳолатлари (кечинмалар), ҳатти ҳаракатлари ва шу қабилар киради.

Умум психологияда шахс тушунчаси ўзига хос талқин қилиниб, индивиддаги турли психик жараёнларни

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари: //Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли, Т.11. - Т.: Ўзбекистон, , 2003. – Б.33. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққинзинчи сессиясидаги маъруза, 2002 й. 29 август.

бирлаштирувчи ва унинг хулқини белгиловчи кетма-кетлик ва қатъиятлик деб қаралади.

Хорижий олимлар ўз тадқиқотларида бундай назарияга қайси томондан ёндошишига қараб бир неча йўналишларга бўлинадилар: психобиологик (У.Шелдан, АҚШ); биосоциологик (Ф.Олпарт, К.Роджерс, АҚШ); психосоциал ва неофрейдистлар (А.Адлер, К.Ҳарки, АҚШ).

Бу соҳада кейинги пайтда олиб борилган экспериментал тадқиқотларнинг натижалари бўйича шахс ҳақидаги айрим назариялар, жумладан фрейдизм, бихевиоризм, персонализм танқид қилина бошланди.

Аммо шахснинг шаклланишидаги биологик ва ижтимоий омиллар бирликда асосий омил деб ҳисобланмоқда. Шахс шаклланишининг муҳим жиҳати индивиднинг ўзига хос хусусияти эмас, балки у иштирок этадиган ва ижтимоий функцияни бажарадиган ижтимоий тизимдир.

Шундай қилиб, психология нуқтаи назаридан шахс инсоннинг ички хислатлари ва хусусиятларининг мажмуи бўлиб, барча ташқи таъсирлар мазкур хусусиятлар орқали сингиб ўтади. Шахснинг фаоллик манбаи эса инсоннинг хилма-хил шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларидан иборат. Энг муҳими, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун ижодий фаолликни ошириш, у билан боғлиқ бўлган ижтимоий ва ахлоқий масъулиятини ошириб боришдан иборатдир.

Шахснинг шаклланиши ва мазмун-моҳиятини ижтимоий гуманитар фанлар: фалсафа, педагогика, психология каби фанлар илмий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилганлари ҳолда шахснинг диний таълимотлар асосида таърифлаш ҳам тарихий жараёнларда ўз ўрнига эга бўлган. Бу хусусда диний уламолар, руҳшунос ва теологик олимларнинг фикрлари мавжуддир. Улар фикрича, шахс тан, руҳ (жон) дан иборат деб талқин қилинади. Немис файласуфи Иогани Готлиб Фихте (1762-1814) айтишича, шахс мен ва мен эмасдан иборат. Гегель фикрича, шахс табиий ва руҳий жиҳатлардан иборат. Немис файласуфи Артур Шопенгауер (1798-1860) қарашича, шахс ихтиёрий, иродавий ва тасаввурий тамойиллардан иборат.¹

Юқоридаги шахсга берилган таърифлардан маълум бўлишича, инсоннинг ички индивидуал сифатлари ёки ташқи ижтимоий муносабатлари мавжуд эмас, балки илоҳий қудрат берган қобилияти орқали шахс шаклланади ва ўзини намоён

¹ Философский словарь-М.: Изд-во инст.Л-ры.1961. - С.332-333

қилади, дейилади. Демак, тананинг, одамнинг ижоди, фаоллиги, қобилияти фақат рухга боғлаб қўйилади.

Николай Гартман (1882-1950), Зигмонд Фрейд (1856-1939 й) лар қарашича, шахс онглилик ва онгсизлик тамойилларидан иборат.²

Ушбу олимларнинг фикридаги шахсга нисбатан онглилик деб баҳоланганда индивидга хос бўлган барча ички ва ташқи хусусиятларининг намоён бўлиши кўзда тутилган бўлса, онгсизликка нисбатан шахс атамасини қўллаш унчалик тўғри бўлмаса керак. Шунинг учун бўлса керак уларнинг шахс ҳақидаги айрим қарашлари кейинги пайтларда танқид қилинмоқда.

Шахс муаммоси долзарб муаммо бўлганлиги учун унинг мазмун ва моҳиятини янада чуқурроқ тадқиқ этишга қизиқиш олимлар ўртасида, айниқса XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида бир мунча жонланди. Натижада инсон шахси билан боғлиқ фалсафий оқимлар вужудга кела бошлади. Ана шундай йўналишлардан бири персонализмдир. Персонализм – латинча *personium* – шахс сўзидан олинган бўлиб, шахсни бирламчи ижодий реаллик ва олий маънавий қадрият деб талқин қилина бошланди. Персонализм тарафдорлари оламнинг мавжудлигини олий яратувчи куч-худо ижодий фаолиятининг намоён бўлиши деб тушунтирадилар. Персонализм XIX асрнинг охирларида Россия ва АҚШда шаклланди, кейинчалик XX асрнинг 30-йилларида Франция ва бошқа мамлакатларда ёйила бошлади. Россияда персонализм ғояларини Н.А.Бердяев, Америка персоналиزمи асосчилари Б.Баун, Ж.Гайе ва уларнинг издошлари У.Хайинг, Э.Брайтмен, Ж.Жунсон эдилар.¹

Европа персоналистик олимларининг ғоялари диний таълимот (асосан христианликнинг католик йўналиши) билан қоришилганлиги яққол намоён бўлади. Улар фикрича, шахс мавжудотнинг энг олий чўққиси, олам эса ўша олий қадрият-шахснинг ижодий фаолияти туфайли ўзгариб туради, деган назарияга асосланади. Шу боисдан, бу олимларнинг персонализм таълимотининг асосини шахснинг ирода эркинлиги ташкил қилади. Персонализм нуқтаи-назаридан ижтимоий тараққиёт муаммоларининг ҳал этилиши ҳамма вақт шахсга боғлиқ бўлади. Н.Бердяевнинг фикрича, бу ерда муаммо инсон шахсига жамият

² Философский словарь-М.: Изд-во инст.Л-ры.1961. - С.332-333

¹ Фалсафа қомусий луғат. /Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров-Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2004. – Б.324.

ва давлат томонидан белгиланган эркинлик ҳақида эмас, балки чексиз ҳуқуққа эга бўлган давлат ва жамиятнинг таъсиридан ҳоли бўлган шахс эркинлигини қарор топтириш ҳақида фикр юритилмоқда.²

Шахсда ана шундай эркинлик бўлганида ўз иродасини хоҳлаган томонга йўналтириш, ахлоқий қадриятларни танлаш эркинлигига эга бўлади.

Француз католик персонализмининг йирик вакилларида Э.Мунье христианликнинг шахс ҳақидаги таълимотини юқори баҳолаб, бу инсоният ҳаётидаги энг катта ўзгаришга сабаб бўлди, дейди. Чунки христианлик таъсирида бўлган жамият христианлик жамоаси каби шаклланган бўлиши мумкин.

Инсон муаммоси билан шуғулланувчи Ўзбекистон файласуф олимлари ҳозирги замон персонализми ҳақида фикр юритмоқдалар. Масалан, А.Чориевнинг «Инсон фалсафаси» китобида ёзилишича, персонализм муаммоси ҳозирги кунда ассимиляция бўлиб экзистенциалистик ва христиан антропологияси ғояларини муштараклаштириб, ўзига хос ғояларни илгари сурмоқда. Бу ғоя асосида турли миллат вакиллариининг ўзаро дўстликка асосланган муҳаббат қарор топтиришга интилоқда. Муаллиф бу ҳақда шундай ёзади: «Персонализмда муҳаббат «мен» нинг «сен» олдидаги масъулияти шаклида талқин қилинмоқда. Шахс ахлоқий камолотга эришишининг энг олий чўққиси унинг худо шахси билан доимий мулоқотидадир».¹

Шахснинг жамиятга ва аксинча жамиятнинг шахсга муносабати масаласи ҳам муҳимдир. Жамият одамлар уюшмасининг махсус шакли, тараққиётнинг маълум босқичида шаклланадиган ижтимоий муносабатлар мажмуидир. Жамиятнинг шаклланиши ва қарор топиши узок тарихий даврни бошдан кечирган бўлиб, мураккаб жараённинг ижтимоий ҳодисасидир.

Жамият вужудга келишида меҳнат қилиш энг асосий омил бўлди. Жамият шунчаки одамлар йиғини эмас, балки ижтимоий муносабатлар орқали ташкил топади. Ана шу жараёнда шахс ва жамият муносабатлари ҳам шакллана боради. Бунда ижтимоий меҳнат турларидан ташқари, одамлар ўртасида амал қилинган ахлоқий, диний, сиёсий, иқтисодий, ҳудудий, мафкуравий муносабатларга киришилади. Шахс ва жамият муносабатларида

² Бердяев Н. Судба Человека в современном мире – Париж, 1934. – С.25.

¹ Чориев А. Инсон фалсафаси. 2 китоб. - Т.: 2002. – Б.5

ҳам муайян жамият қабул қилган стандартлар доирасида ривожланиб боради.

Жамиятнинг мазмун ва моҳияти, шахс ва жамият муносабатлари ҳар бир тарихий даврда яратилган фалсафий таълимотлар асосида талқин қилиниб келинган бўлса, жамият ҳозирги ривожланиш босқичида улар ўрнига илғорроқ таълимотларни яратиш вазифасини қўяди.

Демократик жамиятнинг шаклланиши ва тараққиётни амалга ошириш жараёни кетаётган ҳозирги шароитда одамлар ўртасида амал қиладиган ахлоқий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, диний ва мафкуравий муносабатларни яхшилаш ва мустаҳкамлаш учун халқимиз маънавиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шахс ва жамият муносабатларининг ахлоқий, ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлаш инсон шахсини шакллантиришга, фуқаролик жамиятининг асосларини яратишга боғлиқдир.

Шахс ва жамият муносабатлари асосида ўзаро ҳамкорлик, турли халқ ва миллатлар ўртасида ҳурмат ва дўстлик иplarини мустаҳкамлаш, тил ва ҳозирги замон фани ютуқларисиз (Компьютер технологияси, интернет орқали алоқалар ўрнатиш ва бошқалар) тасаввур қилиш қийин. Зеро, ҳозирги замон фани турли технологик воситалар орқали илм-фан соҳасида, дунё халқларининг турмуш тарзи ва ҳаёти ҳақида тараққиётнинг ижтимоий ва иқтисодий, маънавий ва сиёсий жараёнлари, халқаро аҳволлар хусусида тез ва осон ахборот олиш имкониятига дунё халқлари қатори ўзбек халқи ҳам муваффақ бўлмоқда. Шахс ва жамият муносабатларининг юқорида қайд қилинган жиҳатлари, фақат ўзаро муносабатлари билан чегараланмасдан, жамият тараққиётини таъминлашга ва жамиятни бошқаришда субъектнинг (шахснинг) ролини оширишга ҳам ўз ҳиссасини қўшади.

Шахс ва жамият муносабатлари тушунчасининг фалсафий таҳлилидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

а) «Шахс» тушунчаси унинг муайян жамиятда тутган ўрни ва бажарадиган вазифалари билан белгиланади; б) шахсни жамият шакллантиради, унда биологик ва ижтимоий омиллар биргаликда асосий манба деб ҳисобланади; в) шахс ва жамият муносабатларида инсон, унинг ўзлигини муайян даражада шахс мустақиллиги белгилайди ва шу хусусиятлари билан жамиятда иштирок этиб, унинг ривожига муносиб ҳиссасини қўшиб боради; г) шахснинг жамиятга муносабати масаласида жамият

маданиятида шахснинг етуклик даражасига эътибор қаратилади. Шарқ халқларида шахснинг ақл-заковати, зехнли, кўркмас, ботир, камтар ва одиллик каби ахлоқий, жисмоний сифатлари қадрланган; д) шахс ва жамият муносабатлари муайян жамиятда қабул қилинган қонун-қоидалар, ҳуқуқ ва вазифаларни амалдаги талаблар асосида бажариш орқали шаклланади; е) демократик ва ҳуқуқий давлатни шакллантириш жараёни кетаётган ҳозирги шароитда комил инсон шахсини шакллантириш шахс ва жамият муносабатларини ҳуқуқий давлатни шакллантириш шахс ва жамият муносабатларини ҳуқуқий тамойиллари асосида мустаҳкамлаш, маърифий-маданий ҳаётни юқори босқичга кўтариш фуқаролик жамиятини барпо этишга асос бўлиб хизмат қилади.

Республикаимиз Президенти Ислон Каримов таъкидлашича, тараққиётнинг ўзбек модели Ўзбекистон учун ўзи танлаб олган йўл бўлиб, республиканинг манфаатларига мос келадиган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилгандир. Юртбошимиз бу ҳақда шундай дейди: **«Айни мана шундай йўл Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш, миллий анъаналари ва маданиятининг қайта тикланишини, инсоннинг шахс сифатида маънавий ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин».**¹

1.2. Дин фалсафасида инсон ва унинг жамиятдаги ўрни талқини

Ҳозирги замон фани ва илмий қарашларда учта жаҳон дини: буддавийлик (милоддан аввалги 6-5 асрлар), христианлик (милоддий биринчи аср) ва ислом (милодий VII аср) тарихан шаклланганлиги ва ҳар бирининг ўзига хос диний таълимоти, ривожланиш тарихи (эволюцияси) ва фалсафий қарашлари мавжудлиги эътироф этилади.

Жаҳон динлари таълимоти ва фалсафий қарашларида инсоннинг мавжудлиги ва унинг борлиққа муносабати, оламнинг яратилиши, инсоният тақдири, яшашидан мақсади, табиат ва жамиятнинг мавжудлигининг асослари каби кўпгина масалалар

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли. //Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, Т.1.-Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – Б.290.

қатори шахснинг жамиятга ва аксинча жамиятнинг шахсга муносабати масалалари ҳам ўз ифодасини топган.

Барча миллий ва монотиестик динлар таълимотининг асосида ягона қудратли илғор кучга ишониш ва унга итоат қилиш ётади.

Буддавийлик фалсафасида инсон (шахс) муаммоси, яъни унинг мавжудлиги, яшашидан мақсади, қарашлари, дунё, мол-мулкка, амалга муносабатидан иборат кўп жиҳатлари қамраб олинган. Бу фалсафий қарашларда инсон ва жамият мавжудлигининг асоси бўлган борлик (моддийунлик) барча кўриниш ва шаклдаги ҳар қандай ҳаёт, барча мавжудотларга азоб берувчи ёмонликдир. Бу фалсафий мушоҳадада ёмонлик ва азоб-уқубатларнинг сабаби инсониятнинг, барча тирик мавжудотларнинг дунёга келиши ва қайта тирилиши дунёси (сансара) га боғлиқ деб тушунтирилади. Чунки, инсон ўз моҳияти билан ҳис-туйғу, эҳтирос, талаб ва эҳтиёжларини қондиришга интилиш билан азоб-уқубатларни кўпайтиради. Бундан қутулиш учун ғафлатдан уйғониш, дунё моҳиятини буддавийлик фалсафаси бўйича англаш, яъни ҳаётга чанқоқликдан, кўнгилхушликлардан, лаззатлардан, бойликка интилишлардан воз кечиш, тўғри йўлни тутиши (тўғри қарашлар, тўғри ҳатти-ҳаракатлар, тўғри ҳаёт тарзи кабилар) лозим ва ниҳоят қайта туғилишга чек қўйиб, «Нирвана» га «Ҳаётдан ташқари» ликка олиб келиши мумкин.

Бу фалсафий қарашлар бўйича инсон ўз шахсий қобилияти, интилиши, ижтимоий фаолиятларидан воз кечиши, барча ҳаракатларида, шу жумладан, жамиятга бўлган муносабатларида ҳам «Нирвана» га етишиш учун диний кўрсатмаларга амал қилиши керак бўлади. Тирик ва бир бутун организмлар бўлган шахс ва жамият бундай талабни бажариши амри маҳол. Бундай нажотга эришиш имконияти фақат зоҳид ва монахларда кўпроқ бўлиши мумкин.

Шахс ва жамиятнинг ўзаро алоқадорлиги ва тараққиётини таъминловчи ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий, ахлоқий ва эстетик муносабатларни таъминлайди. Муайян жамиятдаги кишиларнинг бу муракаб жараёнларда фаол қатнашиши, уларнинг ички ва ташқи ҳаракатларини юзага келтирувчи моҳияти буддавийлик фалсафасининг хинояна йўналишини ўзига хос изоҳлайди. Борлик ва бутун тирик мавжудотлар, шу

жумладан, инсоннинг мавжудлигини ҳам бирлик моҳиятига эга бўлган «Дхарма»¹ га боғлиқ деб тушунтиради.

Ҳинд фалсафасида, айниқса буддавийликнинг хинояна йўналишида табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини, шахс ва жамият муносабатларини тадқиқ қилишда дхарманинг моҳиятига етиш масалалари кўпчилик файласуфларнинг диққатини ўзига жалб қилган. Ҳиндистоннинг йирик буддавийлик файласуфи Васубандху (V аср) нинг «Абхидхарма хоша» номли рисоласида дхарма тушунчаси ва моҳиятини очишга кенг ўрин берилган. У ўз қарашларида чексиз дхармалар сонини турли белгиларига караб 75 турга бўлади. Аввало уларнинг ҳаммаси икки: «Ҳаётга мойил» ва «Ҳаётга мойил бўлмаган» типларга бўлинади. Ҳаётга мойил бўлган дхармалар туғилиш, мавжудлик, ўзгарувчанлик, йўқолиш каби тўрт жараён билан боғлиқ бўлиб, бу жараён тез-тез алмашилиб туради. Ҳаётга мойил бўлмаган дхармалар эса юқоридаги жараёнлар билан боғлиқ бўлмайди.

Буддавийликдаги бу диний фалсафий қарашлар шахс ва жамият масалаларини ва бутун борлиқни дхарма орқали бошқарилишини асослашга уринади.

Буддавийлик фалсафасининг Махаяна йўналишида хинояна фалсафий қарашларидан фарқли томони шундаки, унда шахс ва жамият масалалари, тараққиёт омиллари бошқача талқин қилинади. Махаяна фалсафасида Абсолют¹ билан Нирвана² айнанлаштирилади. Нирвана Хинояна фалсафаси талқин қилганидек, дхарманинг тинчланишини ердаги ҳаётнинг тугаши деб қарамайди. Махаяна фалсафаси бўйича, нирванага етишиш учун моддий ва маънавий хом ҳаёлликни енгиш, азоб-уқубатларнинг манбаи бўлган «Нарса ва ҳодисалар» дан мустақилликка эга бўлиш кифоя. Нирвана инсондаги ўзига хос психик ҳолат деб қаралади.

Жаҳон динларидан яна бири бўлган христианлик фалсафасида шахс ва жамият масалалари, мавжудлик сабаблари, ҳаракатлантирувчи кучлар ва унда инсониятнинг (шахснинг) фақат ўрни ва роли ҳақида эмас, балки унинг моҳияти, ташқи оламга шу жумладан, жамиятга, илоҳий кучларга муносабати ҳақида фикр юритилади.

¹ «Дхарма» бирлик моҳиятга эга бўлган, яъни нарса ўзида сингари билиб бўлмайдиган моҳият деб ҳисоблайди.

¹ Абсолют – ҳақиқий реал, аммо аклий билиб бўлмайдиган, атрибутга эга бўлмаган назария, ғоя.

² Нирвана – дхармани тингланиши, олий ҳақиқатга эришиш йўли.

Христианлик тарихида шахс ва жамият муносабатлари масаласи унинг дин сифатида шаклланиш давридаёқ юзага кела бошлаганлигини кўрамиз. Қулдорлик жамиятининг инқироzi натижаси сифатида сиёсий ва ижтимоий зулмнинг кучайиши қулларнинг оммавий норозилигини келтириб чиқарди. Римда бу норозиликларни бостириш христианликнинг мавқеини кўтариб, унинг кенг тарқалишини таъминлади. Чунки, христианлик қадимги динлардан фарқли ўлароқ жамият ва кишилар ўртасидаги этник ва социал чегараланишларни инкор этиб, руҳнинг ўлмаслиги ва ўз эътиқодий амалиётига асосан у дунёда роҳат ва фароғатда бўлиши мумкинлигини тарғибот қилди.

Шахс ва жамият масалалари, уларнинг ўзаро муносабатларининг фалсафий таҳлили христианлик йўналишларидаги уч кўринишда тасаввур қилинадиган худо моҳиятига асосланади. Масалан, православ йўналиши таълимотида, ўғил Исо ота худодан, муқаддас руҳ ҳам ота худодан яратилган дейилса, католицизмда ота худо ва ўғил худо ҳам худодан туғилган дейилади. Бундай диний-ақидавий таълимотларга, яъни Исонинг икки моҳияти, «гуноҳни ювиш», жаннат ва дўзах, охират, Исонинг қайта тирилиши, инсоннинг яшашдан мақсади, шахс ва жамият муносабатлари каби кўпгина масалалар диний-фалсафий қарашларда таҳлил қилинади.

Христиан дини фалсафасида имон, эътиқод ва ақлнинг уйғунлигига эътибор қаратилиб, ҳақиқатга эришишнинг уч шаклини кўрсатдилар: фан, фалсафа ва илоҳиёт (теология). 1. Фан энг қуйи босқич бўлиб, нарса ва ҳодисаларнинг сабаб ва оқибатларини аниқлашдан нарига ўтмайди; 2. Фалсафа бу ақлий билимнинг муайян юқори босқичи бўлиб, унинг вазифаси оламни яратган биринчи сабабчиси худони билишдан иборат; 3. Илоҳиётга асосланган билимлар неотомистларча қимматлидир, чунки у ҳақиқатни очишга ёрдам беради.

Инсон (шахс) нинг моҳияти, ҳаракати, интилиши борлиққа, жамиятга муносабатлари ана шу уч босқич доирасида таҳлил қилинади. Христиан фалсафасининг асосий қисмларидан бири бўлган онтология бўйича борлиққа таъриф бериб бўлмайди. Борлиқ илоҳиётчилар учун «Биринчи мутлоқ тушунча» деб қаралади. Шунинг учун христиан фалсафасида борлиқ ҳам, табиат ҳодисаларининг хусусияти ҳақидаги таълимот ҳам худо борлиғи ҳақидаги таълимот, деб қаралади.

XIX ва XX асрларда христиан фалсафасида кўпгина фалсафий масалалар қатори шахс ва жамият муносабатлари

муаммоси неоавгустинлик қарашларида ўз ифодасини топди. Улар инсон ташқи оламни билиш учун унинг ички тажрибаси етарлилиги, худо билан инсон ўртасидаги бевосита алоқа ҳақидаги таълимотнинг мавжудлиги, алоҳида шахснинг муаммоларига эътиборнинг қаратилиши каби ғояларни илгари сурдилар.

Христиан фалсафасининг протестантлик йўналишида либерал теология, яъни теизмга (худо оламни яратувчиси ва бошқарувчисидир) деизмни (оламни яратишда худо бошланғич сабабчи) қарши қўйиш ғоясини бир неча диний-файласуф олимлар илгари сурдилар. Жумладан, И.Землер (1725-1791) динни ақл билан мослаштиришга ҳаракат қилиб, худо оламни яратишда биринчи туртки вазифасини бажариб, борликдаги бошқа жараёнларга аралашмаганлиги ҳақидаги фикрни асосламоқчи бўлади.

Бундай ғоянинг тарафдорлари диний манбалардаги фикрларга асосланган бўлишлари мумкин. Унда шундай дейилади: «Худо сизларга ҳар турли қобилият берган. Ҳар бирингиз шу қобилиятингизни ишга солиб, бир-бирингизга хизмат қилинглар».¹ Бу ерда инсонга берилган қобилият орқали шахс эркинлиги ҳам юзага чиқади. «Бир-бирингизга хизмат қилинглар» деган иборада инсоният ва жамият, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатлар ҳам шулар жумласига киради.

Диний манбаларда инсоннинг ҳар бир ҳаракати ва бажарадиган ишлари худонинг марҳамати қилиб кўрсатилади. Яъни: «Ким сўзласа, худонинг сўзлари қилиб айтсин. Ким хизмат қилса, худо берган куч билан хизмат қилсин. Шундай қилиб, Исо масиҳ орқали худо ҳар бир иш ва сўзда улуғлансин».²

Хулоса қилиб айтганда, христианлик йўналишларидаги (католицизм, православия, протестантизм) диний фалсафий қарашларда шахс ва жамият муносабатлари ўзига хос талқин ва таҳлил қилинади. Айни пайтда бу масала барча христианликнинг диний фалсафий қарашларида инсоннинг яратилиши, яшашидан мақсади, кишиларнинг бир-бирига бўлган алоқалари, этник ва ахлоқий хусусиятлари орқали таҳлил қилинади. Бу фалсафада инсонга худо томонидан берилган қобилият ва шахснинг тутган ўрнига аҳамият берилсада, оқибат натижада шахс эркинлиги чеклаб қўйилади.

¹ Инжил. Тавротдан Мусо пайғамбарнинг биринчи китоби. Стокгольм. Библияни таржима қилиш институти. 1992. – Б.368.

² Инжил. – Б.368.

Шахс ва жамият муносабати масаласига энг катта эътибор қаратган дин – ислом динидир. Инсоннинг моҳияти, жамиятда тутган ўрни, жамият ва умуман инсоният олами билан муносабати, жамият ва Аллоҳ олдидаги бурчи, маънавий қиёфаси каби масалалар қатор Қуръон оятларида, ҳадисларда, фикҳ (мусулмон ҳуқуқшунослиги) ва шариат аҳкомларида турли жиҳатлардан талқин қилинган. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, Қуръон оятларида инсон муаммосига бир неча жиҳатлардан ёндошилади. Чунинчи, унинг жисмоний ҳолатини назарда тутган ҳолда унга физиологик моҳият нуқтаи назаридан қаровчи оятлар билан бирга, унинг руҳий ва маънавий ҳолатларини назарда тутувчи ижтимоий моҳият сифатида талқин қилувчи қатор оятлар мавжуд. Инсонни физиологик моҳият сифатида талқин қилинган оятларда инсон бошқа маҳлуқоту мавжудотлардан ҳеч қандай афзаллиги йўқ. Чунки у ҳам бошқа маҳлуқотлар сингари Аллоҳ томонидан «тупроқ» дан, «лой» дан, «балчик» дан, умуман моддий унсурлардан яратилган ва яна моддий унсурга айланади. «У зот инсонни (яъни Одам алайҳиссаломни) сопол каби қуриган қора лойдан яратди»¹.

Аммо бундай оятларга айрим ислом муаллифлари таъкидлаганидек инсонга нисбатан ҳақорат, инсонни камситишга қаратилган оятлар, деб қарамаслик керак. Энг аввало ушбу оятларнинг ахлоқий ва тарбиявий томонларига эътибор қаратмоқ зарур. Бу оятларнинг юксак маънавий-ахлоқий ва тарбиявий аҳамияти ҳақида тадқиқотчи Усмонов М.О. шундай ёзади: «Қуръон оятларида инсон бошқа маҳлуқотлар каби моддий унсурдан яратилганлиги ва бу жиҳатдан унинг бошқа маҳлуқотлардан афзал эмаслиги таъкидланади. Чунки у ҳам бошқа маҳлуқотлар сингари Аллоҳ томонидан яратилган («Маҳлуқ» деган сўз «яратилган» деган маънони англатади), одам ҳам бошқа ҳайвонлар каби бир ҳайвондир («ҳайвон» - жон эгаси деган маънони англатади). Лекин инсонни мана шундай соф биологик-физиологик моҳият сифатида талқин қилган Қуръон оятлари ҳам тарбиявий аҳамиятга эга. Яъни, бу оятларни шундай тушунмоқ керакки, инсон оддий бир моддий унсурдан яратилган экан, у ҳеч маҳал инсонларга нисбатан жабр-ситам қилмаслиги, кибр-ҳавога берилмаслиги керак, иложи борица хоксор, меҳр-

¹ Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Масъул муҳаррир: Ҳамидулла Караматов. Тошкент Ислам Университети нашриёти 2001. 55 сура, 14 оят. Т.: «Чўлпон». Бундан сўнг олдинги рақам сурани, қавс ичидаги рақам оятни англатади.

шавқатли бўлиши керак»². Худди шу маънода ҳар қандай инсоннинг жамиятда тутган ўрнидан қатъий назар, физиологик, жисмоний жиҳатдан аввалда ҳам, охирда ҳам бир хил келиб чиққанлиги ва бир хил тақдирга эга эканлиги таъкидланади. Юқорида эслатиб ўтганимиз тадқиқотчи М.Усмоновнинг таъкидлашича, шундай экан, инсон бу дунёда бойликка, мансабга, нуфузга, бахт-саодатга эришиши ҳам, шу билан бирга, муҳтожликка, ночорликка йўлиқиши ҳам мумкин. Аммо бу нарса бир гуруҳнинг иккинчи бир гуруҳ одамлар устидан зулм ва адолатсизликка юз ўгиришига, учинчи гуруҳнинг эса, тушкунликка тушиб, ҳаётдан четлашишига олиб келмаслиги керак. Бунда подшо-ю гадонинг, бою-камбағалнинг, амалдору-фуқаронинг бир-биридан афзаллиги йўқ, уларнинг интиходаги тақдирлари бир хилдир. Айтиш жоизки, Қуръондаги бундай оятлар шарқ мумтоз адабиётининг йирик намоёндалари учун инсонларни адолатга, инсофга, меҳр-шафқатга ундовчи шеърлар битишларида улкан ғоявий манба бўлиб хизмат қилди. Чунончи, Умар Ҳайём ёзади:

Тупрокни топтайди нодон оёғи,
Билмаски, бу жомон юзин тупроғи.
Сарой, кунгирасин безаган ҳар ғишт,
Султон калласи ё вазир бармоғи.¹

Энди инсонни ижтимоий моҳият сифатида талқин этувчи Қуръони Карим оятларига келсак, унинг асосий тамойили «лақад каррамно бани одама» («биз одам болаларини албатта ҳурмат-эҳтиромли қилдик») деган оятда ўз ифодасини топган.

Шу нуқтаи-назардан инсон ҳамма маҳлуқотнинг энг афзали, худонинг ердаги ҳалифаси ҳисобланади. Чунки, Аллоҳ инсонга буюк неъмат бўлган ақлни берган. Инсон мана шу неъмат туфайли ҳайвондан фарқ қилади. Шу нуқтаи-назардан инсонга бошқа маҳлуқотлар сажда қилмоғи керак. Бунинг исботи сифатида Қуръони Каримнинг бир неча оятларида фаришталарнинг ҳам Одам Атога сажда қилганлиги ва фақат шайтонгина кибр-ҳавога берилиб, инсонга сажда қилишдан бош тортганлиги ва бунинг учун лаънатланиб, жаннатдан қувилганлиги ҳақидаги оятларни келтириш мумкин.

² S.Yoldoshev, T.Usmonov, M.Qodirov Ajdodlarimiz merosi – mafkuramiz gavhari. A.Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti.- T.:2001. – B. 36-37.

¹ Усмонов М.О. Умар Ҳайём рубойларида инсонни ижтимоий моҳият сифатида талқин қилувчи ғояларнинг тарбиявий аҳамияти. // Умар Ҳайём Нишопурий – шарқнинг буюк мутафаккири. Халқаро анжуман материаллари.-Т.: 2004. – Б.90.

Ушбу фикрларимизнинг исботи сифатида Қуръони Каримдан бир неча оятларни келтириб ўтмоқчимиз. «Дарҳақиқат биз Одам болаларини азиз-мукаррам қилдик... ва уларни ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал-устун қилиб қўйдик»,² «Эй инсонлар, дарҳақиқат биз сизларни бир эркак (Одам) ва бир аёл (Ҳаво) дан яратдик ҳамда бир-бирингиз билан танишинглар (дўст-биродар бўлишинглар) учун сизларни (турли-туман) халқлар ва қабила-элатлар қилиб қўйдик».³

Ушбу оятда Ислом динининг инсоният оламига, шахс ва жамият муносабатига кўз қараши баён этилгандир. Биринчидан, барча инсонлар бир ота-онанинг фарзандларидир. Иккинчидан, инсонларнинг турли табақаларга, эл-уруғларга бўлинишлари бир-бирлари билан мол-дунё талашиб уруш-жанжал билан умр ўтказишлари учун эмас, балки бир-бирлари билан танишиб, ҳамкорлик қилишлари ва биргаликда ўзлари ҳалифа бўлган заминни обод қилишлари учундир. Шу муносабат билан ушбу фикрларимизнинг исботи учун маълум асос бўлиб хизмат қиладиган бир маълумотни келтирмоқчимиз.

Мисрдаги «Айн-Шамс» университетининг профессорлари Сумайя Муҳаммад Афибий ва Салом ал-Мансийлар томонидан Қоҳирада нашр қилинган. «Қуръони Каримнинг араб ва рус тилларидаги қисқача тафсири» да юқоридаги оят таржимаси ва қисқача тафсири ҳам Алоуддин Мансурнинг ўзбек тилидаги таржимаси ва унга берган изоҳига яқиндир. Фикримизнинг асосли бўлишини назарда тутиб ушбу тафсир-таржиманинг рус тилидаги асл матнини келтиришни лозим кўрдик: «О людѣ! Мѣ сотворили вас равнѣми от одного мужчинѣ и от одной женѣинѣ Адама и Хаввѣ-и, размножив вас, сделали многими народами и разнѣми племенами, чтобѣ вѣ знали друг-друга и сотрудничали друг с другом»¹.

Қуръонда шахс ва жамият муносабати масаласини, инсонларнинг ўзаро муносабатлари масалаларини худди ана шу тамойил нуқтаи-назаридан қарамоқ лозим.

Исломий қадриятлар тизимида диний-фалсафий тафаккурнинг ўзига хос йўналиши бўлган тасаввуф таълимоти ҳам шахс ва жамият муносабати масаласида муҳим ўрин эгаллаган. Марказий Осиёдан етишиб чиққан Абдуҳолик

² Қуръони Карим. Ал-Исро сураси, 70 оят. 2001. - Б.201.

³ Қуръони Карим. Хужурот сураси, 13 оят.-Т.: 2001. – Б.392.

¹ Толкование Священного Корана на арабском и русском языках. Каир. С.1045

Гиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд каби мутасаввифлар ва тариқат асосчиларининг диний-фалсафий қарашларида ижтимоий-ахлоқий, инсоннинг маънавий камолоти масалалари тасаввуф фалсафасининг асосий жиҳатларидан бири сифатида айниқса, шахс ва жамият муносабатлари масаласида яққол кўзга ташланади. Солиқнинг жамиятдаги мол-мулкка, бойликка қараб интилиши эмас, балки Аллоҳнинг душмани бўлган шайтон қутқусини енгиб, раҳмоний фазилатларга эга бўлиши лозим.

Бу диний фалсафий қарашларда инсоннинг моддий дунёга, инсоний муносабатларга нисбатан муносабати фақат бир томонга, яъни фақат худонинг борлигини англашга йўналтирилган бўлсада, кишиларнинг жамиятдаги тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратилиб, мол-мулкка хирс қўйиб, эгоистик хусусиятларидан фориғ бўлишга даъват этилади.

Яна тасаввуф фалсафасида инсоннинг ҳаётдаги тутган ўрни, ижтимоий ҳаётга муносабати, жамиятдаги мулкӣ тенгсизликлар, умуман инсон қалбидаги салбий ҳолатларнинг барчасини суфийликда ахлоқий жиҳатдан тузатиш керак деб тушунилади, чунки уларнинг ҳаммасининг сабабчиси нафсдир. Демак, нафсни тийиш, тартибга солиш орқали шахс ва жамиятга оид масалалар ўз ечимини топади.

Тасаввуф таълимотида шахс ва жамият муносабатларини англаш ва умуман дунёни билиш усули ва ундан кўзланган мақсад илоҳий моҳиятни, илоҳий ҳақиқатни билишдир.

Инсон Аллоҳнинг ердаги халифаси бўлганлигидан, ундан Аллоҳ сифатлари ва «яширин хазина» бўлган илму-ҳикматларнинг бир қисми инсон қалбига жойлашганлиги туфайли, сўфий илоҳий моҳиятни билишга интилиши лозим.

Умуман тасаввуф фалсафасида шахснинг ижтимоий ва маънавий моҳияти масаласида марказий ўринни «комил инсон» ҳақидаги концепция ташкил қилади. «Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи» китобида комил инсонга шундай таъриф берилган: «Комил инсон – тасаввуф фалсафасининг асосий тушунчаларидан бири. Ҳар жиҳатдан етук киши. Ахлоқий жиҳатдан олий покликка эришган, борлиқ ва Аллоҳни англашда тўлиқ билимга эга бўлган ва натижада туб моҳиятини тушунадиган инсон. Тасаввуф таълимотига кўра, Аллоҳ комил инсонда ўзининг барча хислат ва аломатларини бамисоли кўзгуда кўргандек кўриб туради. У борлиқнинг бир-бирига зид икки жиҳат: маънавий ва моддий жиҳатларини бирга қўшади. Унинг

бутун олам учун бўлган фавқулодда аҳамияти ана шундан келиб чиқади, у – Коинотнинг ботиний ҳукмдори, Олам яратилишининг сабабчиси ва мақсадидир»¹. Комил инсон ҳақидаги таълимот сўфий файласуф Ибн ал-Арабий томонидан яратилган, кейинчалик унинг издошлари Ўрта Осиёлик Абдуҳолик Гиждувоний, Аҳмад Яссавий, Азизиддин Насафий Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқалар томонидан комил инсон – одамзот орзу қилган жамийки эзгу хислатларнинг ифодачиси, у гўё мутлоқ иллоҳ билан инсоният ўртасида восита бўлувчи хилқат.

Жумладан, комил инсон ким, унинг асосий фазилати нималардан иборат? Деган саволга Азизиддин Насафий шундай жавоб беради: «Билгилки, комил инсон деб шариат ва тариқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайлик: билгилки, комил шундай инсондирки, унда қуйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф».¹

Демак, ҳозирги кунда жамиятимиз тараққиётининг белгиловчи омили бўлган баркамол инсонни тарбиялаш борасидаги ниятимиз учун ғоявий мерос мавжуд. У ҳам бўлса аجدодларимизнинг сермазмун маънавий мероси, урф-одатларимизга хос маърифатга, ахлоқий етукликка эришиш каби хислатлар бўлиб, улар йиллар давомида шаклланган, сайқал топган. Бизнингча, тасаввуфнинг комил инсон ҳақидаги таълимотининг ҳозирги давримиз учун юксак ижтимоий-маънавий аҳамияти ҳам ана шунда.

Тасаввуфда шахснинг ижтимоий-маънавий моҳияти, реал ҳаётдаги фаолияти, жамият ва инсонлар билан муносабати масаласини ўзига хос талқин қилувчи тамойиллардан бири – буюк мутасаввиф Баҳоуддин Нақшбанд томонидан ўртага ташланган «Дил ба ёру, даст ба кор» шиоридир. Бу ҳақда мамлакатимиз тасаввуфшунослигида катор фикрлар билдирилган. Бизнингча, ушбу шиорнинг ижтимоий –маънавий ва ахлоқий-тарбиявий аҳамиятини тўлиқ ва мукаммал ёритишга ёрдам берувчи хулосалардан бири – тадқиқотчи Исмоилов С.Т. хулосаларидир. Шунинг учун биз гарчи узунроқ бўлса ҳам, тадқиқотчи хулосаларининг қуйидаги тўлиқ матнини келтиришни мақсадга мувофиқ деб билдик:

¹ Наврўзова Т.Н., Зоиров Э.Х., Юнусова Т.С. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. Фалсафа ва ҳуқук институти.-Т.: 2006. – Б.9-10.

¹ Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. биринчи китоб.-Т.: “Ёзувчи”, 1996. – Б.147.

- Инсон Аллоҳ яратган мавжудотларнинг энг шарафлиси ва аълосидир. Унинг Зоти тажаллиси. Демак, унинг борлиғи илоҳий борлиқ билан узвий бирликда бўлади, деган фикрни уқтиради;

- Аллоҳ инсонга ақл, беш сезги, шуур, ирода берган, саъй-ҳаракат, бахт-саодатга элтувчи юрак бериб, уни эзгуликка даъват этади, яъни бунда дил Аллоҳ макони эканлиги таъкидланади;

- Инсон ўз ҳаётида энг оғир мусибатлар чоғида ҳам ўзини йўқотмай, инсонлик шаънини юксак тутиб яшаши, ҳур ва гўзал инсон бўлиши зарурлигини англатади;

- Инсоннинг ҳаётдан, ўзини буюк зот - инсон эканлигидан, Аллоҳ берган неъматлардан розилигини чуқур ва лўнда ифода этади;

- Бу шиор бизни Аллоҳ ҳақу, ақл-инсоф, эзгулик йўлига даъват қилиниши, инсон ҳаётидан мурод ақл-инсофни рўёбга чиқариш, саодатга эришиш эканлигини англатади;

- Киши қалбида Аллоҳ бўлиши, яратган ожиз бандасини ҳар қандай салбий ўй-хаёл, фикр, хатти-ҳаракатлар ва фаолиятдан қайтариб туришини таъкидлайди;

- Аллоҳ ҳаётдаги ҳақиқатсевар, адолатли, эзгулик йўлида юрган ҳар бир бандасини ўз карами билан мукофотлашини ифодалайди;

- «Дил ба ёру даст ба кор» да асосий ғоя-инсон қалби муттасил Аллоҳ ёди билан, инсон қўли, амалиёти эса, ижтимоий фойдали меҳнат, касб-хунар билан банд бўлмоғи таъкидланади.¹

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Накшбандий таълимоти тасаввуф йўлидаги комил инсонни тарбиялаш йўллари ичида энг мукамаллиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам уни барча сўфийлик тариқатларининг хулосаси деб тан олганлар.² Бу таълимот миллий маънавиятимиз асосларидан биридир.³

1-боб якунида шахс ва жамият масалалари хусусан жаҳон динларида тарихан шаклланган дин фалсафаси таҳлилидан қуйидаги фикрларни шакллантириш мумкин:

- биринчидан, барча жаҳон динларининг диний фалсафий қарашларида шахс ва жамият муносабатлари масаласи, у билан боғлиқ моддий ва маънавий жиҳатлари асосий баҳс мавзуларидан

¹ Исмоилов С.Т. Накшбандий тариқатининг тасаввуф тараққиётидаги ўрни. // Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. -Т.: 2006. – Б.15.

² Наврўзова Т.Н. Накшбандий тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. // Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация автореферати. -Т.: 2002. – Б.36.

³ Имомназаров М., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. -Т.: Тошкент ислом университети. 2001. – 432 б.

ҳисобланган ва ҳар бир дин фалсафаси йўналишлари ўзларича ёндошганлар ва муайян фикрларни шакллантирганлар;

- иккинчидан, барча монотеистик динларда шахс ва жамият муносабати масаласи у ёки бу даражада уларнинг ижодкори худо иродаси ва хоҳишининг намоён бўлиши билан боғлиқ ҳолда қаралсада, маълум даражада инсон эркин хатти-ҳаракати, фаолияти ва улар учун масъуллиги масаласига ҳам эътибор қаратилган;

- учинчидан, шахснинг шаклланиши, мавжудлиги, ҳаётининг мазмуни буддавийликда барча лаззатлардан воз кечиб «Нирвана» га етишиш деб қаралади. Ҳинд фалсафасида, буддавийликнинг хинояна йўналишида шахс ва жамият муносабатларининг таҳлилида «Дхарма» га етишиш асос қилиб олинади. Ана шу дхармаларнинг алмашуви натижасида барча нарс ва ҳодисалар чексиз ўзгаришда ва ривожланишда давом этади;

- тўртинчидан, христианлик фалсафий қарашлари шаклланиб, уларнинг ҳар бири шахс ва жамият масалаларини ўзича таҳлил ва тарғиб қилган. Масалан, томизм таълимотида «нарс ва ҳодисалар» ўз сабабчисига эга деб қаралса, неотомизмда (XIX аср) имон, эътиқод ва ақлнинг уйғунлигига эътибор қаратилган. Теярдизм диний фалсафасида неотомизмга қарши эволюция тушунчаси асосланди. Протестантлик (XIX аср) фалсафасида эволюцион таълимот инкор этилиб, «эволюцион креационизм» (оламни босқичма-босқич яратилиши) ни жорий қилди;

- бешинчидан, шахс ва жамият муносабатлари, у билан боғлиқ моддий ва маънавий бойликларнинг фалсафий таҳлили исломнинг фалсафий йўналишларида кенг ёритилган. Исл ом фалсафаси бу масалаларнинг таҳлилида Қуръони Карим ва пайғамбар (с.а.в) нинг суннатларига асосланади. Калом фалсафаси ақл кучига асосланса, муътазилийлар инсонда ирода эркинлигини таъминлашга эътиборни қаратади. Тасаввуфда инсон, «Мен» дан озод бўлиб, ички ҳиссиётлар орқали Аллоҳга яқинлашиш, бунинг учун тўрт босқични (шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат) адо этиши зарур деб қаралади. Тасаввуф фалсафасида Яссавий ва Нақшбанд тариқатлари шахс ва жамият масалаларида бир қанча илғор фикрни асослаганлар. Жумладан, Нақшбанднинг «Дил ба ёру даст ба кор» бош шиори шахс ва жамият муносабатларини шакллантириш ва унга ижобий ёндашувларни қўллаш бўйича кенг имкониятларни очиб беради.

II БОБ. ИСЛОМДА ШАХС ВА ЖАМИЯТ МУНОСАБАТЛАРИ МАСАЛАСИНИНГ АҚИДАВИЙ, ҲУҚУҚИЙ ВА НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ушбу бобда тарихан шаклланган шахс ва жамият муносабатлари масаласининг ислом манбалари: Қуръон ва ҳадислар ҳамда фикҳда (мусулмон ҳуқуқшунослиги) ўз ифодасини топган талқини ва шу асосда жамиятни бошқарилиши, тартиб солиниши диний-фалсафий ва амалий жиҳатлари илмий асослари талқин қилиниб, унинг мафкуравий ва ғоявий аҳамиятга эга бўлган диний бағрикенглик ва халқаро ҳамжиҳатлик ғояларининг ақидавий ва ҳуқуқий асослари қиёсий таҳлил қилинади. Шунингдек, Марказий Осиё мутафаккирлари ижоди ва асарларида умумфалсафий ва диний таълимот ҳақидаги ғояларига нисбатан қарашлари ва унинг ижтимоий-тарихий жараёнда, хусусан ҳозирги давр учун аҳамияти илмий асосланиб, муҳим хулосалар чиқарилади.

2.1. Шахс ва жамият муносабатларининг ақидавий ва ҳуқуқий асослари

Шахс ва жамият муносабатларининг диний талқинининг ҳам ақидавий ва амалий асослари, унинг манбалари ҳисобланмиш Қуръони Карим, ҳадиси шарифлар ҳамда фикҳ (мусулмон ҳуқуқшунослиги) нинг асоси – шариатда ўз ифодасини топган.

Ислом таълимотида инсонларнинг шахсий ва ижтимоий ҳаётларининг барча жиҳатлари: моддий ва маънавий, хўжалик ва сиёсий, оилавий ва ижтимоий, ҳуқуқий, илмий ва байналмилалликдан иборат фаолиятлари учун кўрсатмалар мавжуд. Қуръон сураларида жумладан, «ҳадид» сурасида бу ҳақда шундай оят бор: «Биз ўз пайғамбаримизни ҳужжат (мўжиза) лар билан юбордик ва улар билан бирга Китоб ҳамда одамлар адолатни барпо қилишлари учун меъзон (тарози) туширдик. Яна, биз темирни туширдик, унда қувват ва одамлар учун манфаатлар бордир. Аллоҳ ўзига ва пайғамбарларига (Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш билан) ғойибона ёрдам берадиган кишиларни билиш учун ҳам (темирни яратди). Албатта, Аллоҳ кучли ва қудратлидир» (57:25).¹

Мусулмончилик йўлига кирган барча халқлар учун ягона Аллоҳга эътиқод қилишлари, сиғинишлари, шу йўлдан юришлари тўғри бўлади. Чунки, Юсуф сурасида айтилганидек, «(Ибодат ва дин тўғрисидаги) ҳукм фақат Аллоҳ ихтиёридадир. У ўзидан бошқага сиғинмасликка буюрган. Тўғри дин – мана шу! Лекин одамларнинг аксарияти бунга билмайдилар». (12:40).

Инсон (шахс) фаолиятининг Аллоҳ йўлига бундай боғлиқ бўлишидан, унинг жамиятда тутган ўрни, индивидуаллиги камситилади деган хулоса келиб чиқмайди. Аксинча, ислом инсон билан жамоа (жамият) ўртасидаги тенгликни, мустақиллигини ҳимоя қилган ҳолда ҳар бир инсон Аллоҳ олдида жавобгарлиги уқтирилади. Ислом манбаларида инсоннинг жамият олдидаги индивидуаллиги йўқолиши мумкин деган фикрни инкор этувчи оятлар мавжуд. Масалан, Қуръони Каримнинг 53-Нажм сураси 39 оятида шундай дейилади: «Инсонга фақат ўзи қилган ҳаракатигина (мансуб) бўлур», ёки бошқа оятларда «(Эй, инсонлар) сизларга не мусибатлар етса, бас, ўз қўлларингиз қилган нарса (гуноҳ) сабаблидир». (42:30).

«Аллоҳ бирор қавм ўзларидаги нарсани (яхши ҳолатни ношукурлик билан ёмон ҳолатга) ўзгартирмагунларича улардаги нарсани (ҳолатни ёмон ҳолатга) ўзгартирмас» (13:11). «Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани таклиф этмайди. Унинг касб этгани (яхшилиги) – ўзига ва орттиргани (ёмон амали) ҳам ўзигадир». (2:286) «Бизларнинг амалларимиз ўзимиз учун, сизларнинг амалларингиз ўзларингиз учундир». (28:55).

¹ Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. Масъул муҳаррир: Ҳамидулла Кароматов. Тошкент Ислом университети нашриёти 2001. 57-сура, 25 оят.

Демак, Аллоҳ олдидаги масъулияти ва диний эътиқод талабларини бажариши шахснинг ақл-заковати, қобилиятини ишга солишига тўсқинлик қилмайди. Шахс эркинлигига кенг имконият яратилади, ҳар бир қилган яхши ва ёмон ишларига (фаолиятига) шахсан ўзи жавобгарлиги уқтирилади. Шахс ва жамият муносабатларида ҳам улар ўртасидаги тенглик мувозанати сақланади. Шунингдек, ислом таълимоти мазмун-моҳияти жиҳатидан, шахс ва жамиятга нисбатан байналмилаллик характериға эға. Унинг учун халқлар терисининг ранги, тили, ирқи, миллатининг аҳамияти йўқ, барчаси Аллоҳнинг бандаси сифатида қаралади.

Шахс ва жамият муносабатларининг ислом манбаларидаги ифодаси ва амалий фаолиятига жорий қилиниши ҳақида республикамиз олимлари ўз фикрларини қатор мақолалар, рисоалар ва китобларда баён этганлар. Жумладан, Акмал Саидовнинг «Ислом ҳуқуқшунослик илми» номли мақоласида ислом дунёсида шахс ва жамиятнинг фаолиятида фикҳ, буюк муҳаддислар, Қуръон ва унинг Тафсири муҳим аҳамият касб этганлиги ҳақида фикр юритилади. Ислом таълимотида жамият тушунчасининг талқини изохланиб, Муҳаммад Пайғамбар, «Илоҳий қонун ва қоидаларни тарқатиб, уларни амалга ошириш билан бутун мусулмон жамоасини уммат (умма) деб атаганлар. Уммат ақида ёки этник алоқалар билан бир-бирига боғланган кишилардан иборат бўлган бир улкан жамоа бўлиб, унинг барча аъзолари битта тангри (Аллоҳ) га ва унинг элчиси (пайғамбари) ҳазрат Муҳаммадга иймон келтирганлар»¹. Жамоа тепасида фақат Аллоҳ турган бўлиб, унинг ҳокимияти Муҳаммад пайғамбар орқали бошқарилган.

Ислом динини кенг тарғиб қилиш орқали Муҳаммад пайғамбардан бошлаб бир неча юз йиллар давомида турли халқлар, миллатлар томонидан бу таълимот қабул қилина бошлангандан сўнг инсоний муносабатлар яъни халқлар ўртасида мулкий, иқтисодий, сиёсий, ғоявий, муносабатлар ислом ахлоқи таъсирида шакллана борган. Биз, шахс ва жамиятнинг ўзаро муносабатларини шакллантиришга таъсир этувчи бошқа объектив ва субъектив омилларининг ўрни ва ролини камситишдан узоқмиз. Чунончи, Абдуҳафиз Жалолов «Мустақиллик масъулияти (сиёсий фалсафий қирралар)» номли китобда жамият, давлат бошқаруви, шахслар (кишилар) нинг ижтимоий тараққиётга муносабати масалалари ғоя ва мафкура

¹ Саидов А. Ислом ҳуқуқшунослик илми – Т.: // “Мулоқот”, 1998. - № 1. – Б.50.

тушунчалари таъсирида бўлиши талқин қилинади. Муаллифнинг фикрича, ғоя инсонларни ўраб турган воқеликка нисбатан улар онгидаги иникосидир: «Жамият ҳаётининг туб ҳамда муҳим негизларини табиат, жамият, инсон, иқтисод, мулк, маънавият, меҳнат, давлат, сиёсат, ижтимоий муносабатлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний ва бадиий тарзда ифода этган ғоялар тизими мафкуранинг асосий мазмунини ташкил этади».²

Дарҳақиқат, ислом дини пайдо бўлган дастлабки йилларда ва ундан кейин ҳам ижтимоий ҳолатда, давлатни бошқаришда, халқлар ўртасидаги барча муносабатларда оила, турмуш тарзини ахлоқий шакллантиришда, ислом асосий мафкура ролини ўйнаган. Ислом дини ҳукмрон мафкура бўлган мамлакатларда ҳозир ҳам у шундай вазифани ўтамоқда.

Президентимиз И.А.Каримов шахс ва жамият муносабатларининг ривожланиши ва яхши йўлга қўйилиши иқтисодиёт, маънавият ва маърифат билан бир қаторда диннинг ижтимоий ҳаётимиздаги муҳим ўрнига эътибор қаратиб шундай деган эди: «**Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини хушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради**».¹

Шахс ва жамият муносабатлари кўпқиррали фаолиятларни ўз ичига олувчи мураккаб ижтимоий жараён бўлиб, унинг шаклланиши ва ривожланиши фақат диний таълимотлар билан чегараланиб қолмасдан, аксинча, дунёвий (фалсафий) ва диний билимлар уйғунлигида амалга ошади. «Саодатга элтувчи билим» китобида тўғри таъкидланганидек, фан очган, кашф этган янгиликлар, зоҳирий билимлар – илмий ҳақиқатга, Аллоҳ юборган ваҳй орқали билдирилган ботиний билимлар – диний ҳақиқатга олиб боради.² Дунёвий (фалсафий) ва диний билимлар бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдирувчилардир. «Бу икки зоҳирий ва ботиний билимларни эгаллаган ва уларни бир-бирига боғлай олгандагина, инсон чин ҳақиқатни англаб етади, бахтга, саодатга элтувчи йўлни билиб олади».³

² Жалолов А. Мустақиллик масъулияти (сиёсий фалсафий қирралар). -Т.: "Ўзбекистон", 1996. – Б.10.

¹ И.А.Каримов. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. XII чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида 1992 й. 2 ва 3 июлда сўзлаган нутқ.- Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, Т.1.-Т.: "Ўзбекистон", . 1996. – Б.26

² Абдурахмонов Абдулхай. Саодатга элтувчи билим.-Т.: "Мовароуннаҳр". 2004. – Б.7

³ О.Самариддинхон ўғли, М.Хусан ўғли Маърифатга бағишланган умр - Т.: Янги аср авлоди. 2002. – Б.9

Ислом ва шариатнинг Қуръондан кейинги иккинчи мушарраф манбаи бўлган ҳадисларда ҳам шахс ва жамият муносабати масаласида инсонларни эзгуликка, меҳр-шафқатга, ҳамжиҳатликка, бир-бирлари билан дўстона муносабатда бўлишга даъват этувчи улкан маънавий аҳамиятга эга бўлган ғоялар мавжуддир. Чунончи, Абу Исо ат-Термизийнинг ҳадисларида инсонларнинг бир-бирига бўлган муносабатларида меҳр-оқибатли бўлиш, яъни шахс ва жамиятнинг ўзаро илиқ, ҳурматга сазовор муносабатларда бўлишига чорлайдиган ажойиб фикрлар баён этилган: «Бир-бирингизнинг орангизни бузманг, бир-бирингизни орқангиздан айб кидирманг, бир-бирингизни ёмон кўрманг, бир-бирингизга ҳасад қилманг».⁴ Имом Исмоил ал-Бухорийнинг «Ал-Адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари») номли асарида ҳам кишиларнинг бир-бирига бўлган муносабатларини тўғри йўлга йўналтирувчи ҳадислар кўп учрайди. Масалан, 220-ҳадисда «Бу дунёда яхшилик қилган кишилар охиратда яхшиликка эришадилар ва шариатда ёмонлик деб саналган ишларни қилувчилар эса охиратда ёмонликка дучор бўладилар»,⁵ дейилади.

Фозил қори Ёсин қори ўғлининг «Жума ўғитлари» номли рисоласида, «Ислом эзгулик дини» бўлимида жамиятни ташкил этувчи инсон (шахс) ларни қандай камолотга етишиши ва ҳайвонот олаmidан нима билан фарқ қилиши ҳақида Боҳоуддин Нақшбанд суҳбатидан қизиқ бир мисол келтирилган. Яъни, Боҳоуддин Нақшбанддан шогирдлари сўрабдилар: «Эй, устоз, одамзотнинг ҳайвондан фарқи нимада? Кўринишидами, тил-забони, соқоли, кийим-бошларидами, шакл-шамойилидами, жонидами?». Унга шундай жавоб қилган эканлар: «Одамзотнинг ҳайвондан фарқи унинг жонида эмас. Эшакда ҳам, чувалчангда ҳам жон бор. Унинг соқолида ҳам эмас, чунки эчкида ҳам соқол бўлади, унинг сўзлашишида ҳам эмас, тўтиқуш ҳам ўргатилса, сўзлашади. Одамзотнинг ҳайвондан фарқи: фаҳм-фаросатида». Бинобарин, инсондаги фаҳм-фаросат етук бўлиши талаб этилади.¹

Инсон (шахс) нинг шаклланишидаги фаҳм-фаросат хусусияти жуда кўп ахлоқий фазилатларни ўз ичига олади. Улар мазмунини одамийлик, ҳалоллик, покизалик, инсофлилик,

⁴ А.Мансуров, У.Жўраев, М.Лафасов, Ҳадис илми сабоқлари. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат наشريёти, 1999. – Б.22

⁵ Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-Муфрад (Адаб дурдоналари) – Т.: “Ўзбекистон”, . 1990. – Б.76.

¹ Фозил қори Ёсин қори ўғли. Жума ўғитлари – Т.: Мовароуннаҳр, 1999. – Б.4

хушмуомилалик, виждонийлик кабилар ташкил этиб, агар инсонда фаҳм-фаросат етишмаса, қадриятларни ўрнида ишлата олмайди.

Исломда шахс ва жамият муносабатларини диний манбалар асосида талқин қилиш борасида чет эллик олимлар ҳам тадқиқот олиб бормоқдалар. Жумладан, бу муаммони ислом манбалари асосида талқин қилган олимлардан бири Хуршид Аҳмад бўлиб, у ўз асарининг «Шахс ва жамият муносабатларининг уйғунлиги» бўлимида диний манбаларга асосланиб, шундай деб ёзади: «Ислом индивидуаллик билан жамоалик ўртасида тенгликни яратади».² Шунингдек, «Ислом таълимоти инсон, жамият ва давлат олдида ўз индивидуаллик ҳолатини йўқотади деган фикрни рад этади».³ Бу фикрларни Қуръони Каримнинг оятлари билан исботлашга ҳаракат қилади: «Инсонга фақат ўзи қилган ҳаракатигина (мансуб) бўлур» (53:39). «(Эй инсонлар), сизларга не мусибат етса, бас ўз қўлларингиз қилган нарса (гуноҳ) сабаблидир». (42:30).

Ҳозирги вақтда ислом таълимотидан ижтимоий тараққиётнинг турли жабҳаларида фойдаланиш, фақат бир мамлакат ичидагина эмас, балки миллатлараро муносабатда фойдаланишга ҳаракат қилувчилар, турли кучлар, гуруҳлар айниқса, диндан ўз сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланувчи кучлар юзага келди. Бу ҳаракатлар ўз навбатида ҳар бир мамлакат ичида истиқомат қилувчи мусулмонлар билан бир қаторда бошқа динларга эътиқод қилувчи халқлар ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Ушбу долзарб масалаларга бағишланган Россия, Қозоғистон ва Араб давлатлари олимларининг ишлари ҳам эътиборга молик.¹

Шу муносабат билан биз исломда шахс ва жамият муносабатлари масаласида улкан мафкуравий ва ғоявий аҳамиятга эга бўлган диний бағрикенглик ва халқлараро ҳамжиҳатлик ғояларининг ақидавий ва ҳуқуқий асослари ҳақида тўхталиб ўтишни лозим кўрдик. Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, илк ўрта асрлардаёқ диёримиздан етишиб чиққан Имом

² Hurshid Ahmad. Islam Basic Principles and characteristics. Международнўй Исламский Университет издание: 1 марта 1995. – С.9

³ Ўша жойда.

¹ Донцов В.Е. Ислам основные принципы и сущность-М.: Дипломатический ежегодник, «Научная книга». 1997. – С.62-89; «Духовное здоровье личности-залог благополучия общества»; <http://www.orthodox/Kz/article/Php?Razd=18.Id=269>, материалы заседание постоянно действующего Совещания при акинер. Повладара-2004 г. 21-января; Салих Тамиев. Имам аль-Бухари. <http://www.islamhanse.org/ru/modules.php?name=News> file=articles si sid=118;

Бухорий, Имом ат-Термизий, Замахшарий, Бурхониддин Марғиноний каби дин илмининг алломалари диний қадриятлардаги шахс ва жамият муносабатлари масаласига реал ҳаёт шароити тақозоси нуқтаи назаридан ёндошишнинг юксак намуналарини намойиш қилганлар. Улар диннинг, шу жумладан ислом динининг ижтимоий-маънавий моҳият сифатида жамият учун улкан аҳамиятини таъкидлаган ҳолда, унинг жамият учун асосий хизмати, аввало инсонларни юксак ахлоқийлик руҳида тарбиялаш, диний муросасизлик, адоват ва низо-жанжалларга қарши динлараро, турли динларга эътиқод қилувчи халқлараро ҳамжиҳатлик ва мамлакатлараро ҳамкорликка даъват қилиш ва оқибатда жамиятда барқарорлик, инсонлар ўртасида тинчлик-тотувликни таъминлаш деб билганлар. Улар халқлар ва мамлакатлар ўртасида ўзаро ишончсизлик, душманлик ҳис-туйғуларининг кучайишига сабаб бўлувчи диний ишончсизлик ва душманликни қоралаб диний бағрикенглик ва даҳлсизлик ғояларини илгари сурганлар.

Шахс ва жамият муносабатларини тартибга солиш, жамият тараққиётида давлат арбобларига ёрдам беришда илоҳиётчи олим руҳонийларнинг хусусан, фикҳшуносларнинг роли катта бўлган. Фикҳ илоҳиётнинг бир соҳаси сифатида ислом тарихида мусулмон ҳуқуқшунослигининг қонун-қоидаларини ишлаб чиқишида муносиб ҳиссасини қўшган. Натижада шариат мазмуни жамиятдаги моддий ва маънавий ҳаётнинг барча тамойилларини ўз назорати остига олган. Ислом ҳуқуқшунослигида Ўрта Осиёлик машҳур фақиҳлардан Бурхониддин Марғиноний, Абу Лайс Самарқандий ва бошқаларнинг ўрни катта бўлган.

Муҳими шундаки, улар ушбу масаланинг Қуръон оятлари ва ҳадислардаги ақидавий жиҳатларига асосланган ҳолда унинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқдилар. Бунда хусусан ватандошимиз Бурхониддин Марғиноний (1118-1197) ва унинг «Ҳидоя» асарининг аҳамияти бениҳоядир. Чунончи, мусулмон қонунчилиги (фикҳ) да мусулмон мамалкатларида яшовчи бошқа динларга эътиқод қилувчиларга нисбатан ҳам айрим фуқаролик ҳуқуқлари берилиши жоиз бўлган. Уларнинг мол-мулки, жони, диний эътиқоди ва бошқа айрим ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларининг даҳлсизлиги қафолатланган бўлиб, улар «зиммий» лар, яъни мол-мулки, жони ва бошқа ҳуқуқлари даҳлсизлиги мусулмон давлати зиммасига юклатилган ғайридин фуқароларидир.¹ Бундай қонуннинг жорий қилиниши ва ўрта

¹ Ислам. Энциклопедический словарь. "Наука" 1991. – С. 27-28.

асрлардаёқ ислом ҳукмрон дин бўлган мамлакатларда қўлланилиши бир томондан, бир мамлакатда турли динларга эътиқод қилувчи фуқаролар ўртасида тотувлик, ўзаро ишонч, ҳурмат-эҳтиром туйғуларининг мустаҳкамланишига хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришга ва оқибатда жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорлик муҳитининг таъминланишига хизмат қилган. Хусусан, Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида ғайридин фуқаролардан олинадиган солиқ миқдори ҳақида чиқарган ҳукмлари алоҳида аҳамиятга эга. Унинг ҳукмича, ғайридинлардан олинадиган солиқ миқдори улар мамлакатларида олинадиган солиқ миқдorigа боғлиқ.² «Агар уларнинг биз мусулмонлардан қай миқдорда тўлов олаётганидан ғофил бўлсак, ундан молининг ўндан бир миқдорида ушр (тўлов) оламиз. Чунки Ҳазрати Умар (р.а.) айтганларки: «Агарда улар бизлардан қанча миқдорда тўлов олаётганини билмасанглар, улардан ўндан бирини олаверинглар»³. Бундан хулоса қилиш мумкинки, ҳар бир одамдан ушр (тўлов) олинаётганда асосий эътибор унинг мусулмон ёки ғайридин бўлишидан қатъий назар, адолат мезонига риоя қилиниши керак. Бундай ҳукм диний бағрикенгликнинг юксак намунаси бўлиш билан бирга, шахс ва жамият муносабатлари масаласига юксак инсонпарварлик руҳида ёндашиш ва бу билан жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга даъват қилиш ҳамдир. Бурҳониддин Марғинонийнинг қуйидаги ҳукми ҳам диққатга сазовордир: «Улар (яъни ғайридинлар) мусулмонларнинг барча молларини олиб қўяётган бўлсалар ҳамки, бизлар уларнинг барча молини олиб қўймаймиз. Чунки, барча молини олиб қўйиш хиёнатдир ва бундай қилиш биз мусулмонларнинг шаънимизга лойиқ эмасдир. Агар улар бизлардан ҳеч нарса олмаётган бўлсалар, бизлар ҳам ҳеч нарса олмаймиз. Шунда улар ҳам бизнинг тижоратчилардан ҳеч нарса олмайдилар».¹

Қуръон, ислом ва шариатда закот масаласида чиқарилган ҳукмларнинг шахс ва жамият муносабатларига нисбатан муҳим жиҳати шундаки, уларда асосий эътибор инсонни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган. Исломнинг бешта фарзларидан бири бўлмиш закот асосан жамиятдаги маълум бир табақа, гуруҳ инсонларни моддий ҳимоя қилишга қаратилган. Закот — бу

² Бурҳониддин Марғиноний. Ҳидоя. I-жилд. Закот китоби. Т.: “Адолат”, 2002. — Б.378.

³ Ўша асар. — Б.378.

¹ Бурҳониддин Марғиноний. Ҳидоя. I-жилд. Закот китоби. Т.: “Адолат”. 2002. — Б.378.

маълум бир маблағга эга бўлган ҳар бир мусулмоннинг ўша маблағдан қирқдан бир қисмини ҳар йили бева-бечораларга, етим-есирларга, фақир ва мискинларга эҳсон қилишдир. Бу нарса масжид, мадраса ва шунга ўхшаш диний муассасаларга эмас, балки аҳолининг маълум бир ижтимоий табақасига эҳсон қилишдир. Айтиш мумкинки, диний эътиқоднинг зарурий бир шарти сифатида масалани бу тариқа қўйиш бошқа бирорта жаҳон динларида мавжуд эмас. Исломда мусулмончиликнинг фарзларидан бўлган закотга шу даражада катта ўрин берилганки, Қуръоннинг кўп оятларида закот беришга даъват қилиш намозга даъват қилиш билан бирга келган («Намозга қоим бўлинглар ва закот беринглар»). Қуръони Каримнинг «Бақара» сурасида шундай дейилади: «Албатта иймон келтирган, яхши амаллар қилган ва намозини тўқис адо қилиб, закотни берган зотлар учун Парвардигори ҳузурларида ажр бор. Улар учун ҳеч қандай хавф-хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар» (2, 277). «Аъроф» сурасида ҳам закот Аллоҳ раҳматига сазовор бўлишнинг энг муҳим шартларидан бири эканлиги таъкидланади: «Азобимни ўзим хоҳлаган кимсага етказурман. Раҳматим-меҳрибонлигим эса, ҳамма нарсадан кенгдир. Мен уни (раҳматимни) тақво қиладиган, закотни берадиган зотларга ва бизнинг оятларимизга иймон келтирувчи бўлган кишиларга ёзурман» (7, 57).

Айтиш жоизки, исломнинг фарзларидан бўлган закот ҳақидаги Қуръон оятлари шариатда, хусусан Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида ҳам ўз ҳуқуқий ифодасини топган. Бу ҳақда Марғиноний ўзининг куйидаги қатъий ҳукмини чиқаради: «Ўзи ҳур-озод, ақли-хуши жойида, балоғатга етган мусулмон қачонки закот бериш миқдоридаги мулкка комил эга бўлса ва шу мулк унинг қўлида (тасарруфида) бир йил турса, закот бериш унга вожиб бўлади. Бутун ислом уламолари ҳам закотнинг вожиблигига иттифоқ қилгандирлар. Бу ўртада «вожиб» деганда «фарз» маъносини назарда тутилган, чунки унинг фарзлиги борасидаги далилларда ҳеч қандай шубҳа йўқдир»¹. Шуниси муҳимки, Марғиноний закот беришни ибодат деб, яъни эътиқоднинг зарурий шарти даражасига кўтаради: «Бизнингча, (яъни ҳанафий мазҳабига кўра), закот ибодат ҳисобланади, ибодат эса, фақат ихтиёрий тарзда амалга келтирилади. Чунки шундагина инсонларга бу дунёда ихтиёр берилиб, ибодатни

¹ Бурҳониддин Марғиноний. Ҳидоя I-жилд, Закот китоби. Т.: “Адолат”, 2002. – Б.340.

базариш ё базармаслигини имтиҳон қилиш мақсади амалга келади».²

Мусулмон ҳуқуқшунослигида закот беришнинг маънавий томонига, аниқроғи инсонпарварлик томонига шу даражада аҳамият бериладики, уни фақир ва мискинларга Аллоҳ томонидан ваъда қилинган ризқ бериш билан баробар деб ҳисобланади: «Бизнинг (ҳанафийларнинг) далилимиз шуки, фақирларга закот беришга бўлган амрдан мақсад ваъда қилинган ризқни яъни Аллоҳ айтган «Ўрмалаган нарса борки барчасининг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир» оятига биноан ҳақдорига етказмоқдир»³.

Кимлар закот бериши зарур деган масала билан бир қаторда ислом ҳуқуқшунослигида закот кимларга берилиши керак, деган масала ҳам ўта муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳақда «Ҳидоя» да шундай дейилади: «Мусотиф (раҳимаҳуллоҳ) айтади: Бу борадаги асос Аллоҳ таолонинг, «Албатта садақалар (яъни закотлар) Аллоҳ томонидан фарз бўлган ҳолда, фақат фақирларга, мискинларга, садақа йиғувчиларга, кўнгиллари, (исломга) ошно қилинувчи кишиларга, бўйинларни (қулларни) озод қилишга, қарздор кишиларга ва Аллоҳ йўлида, (яъни жиҳодга ёки ҳажга кетаётганларга) ҳамда йўловчи мусофирларга берилади. Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир» (Тавба, 60) деган ояти калимасидир».¹

«Ҳидоя» да ҳукм қилинишича, закот фақат ибодатгина эмас, балки закот беришга қодир ҳар бир мусулмоннинг Аллоҳ олдидаги қарзидир: «Бизнинг (ҳанафийларнинг) асосимиз шуки, закот Аллоҳнинг ҳақи бўлиб, юқоридаги мазкур тоифадаги одамлар фақирликлари сабабли закот олишга мустаҳиқ бўлдилар, шунинг учун закотнинг бу тоифадаги одамларнинг қай бирига сарф этишларининг фарқи йўқ»². Демак, закот беришдан мақсад жамиятнинг моддий ёрдамга ҳақиқий муҳтож бирон табақаси, гуруҳи ёки бирон-бир шахсни ижтимоий ҳимоя қилишдир. Шу билан бирга бу шунчаки бир меҳр-муравват, саҳоват ҳис-туйғуси билангина боғлиқ бўлмасдан, ҳар бир закот беришга қодир мусулмоннинг ҳуқуқ олдидаги бурчи. «Ҳидоя» да закот масаласида ўрта аср шароити учун ўта муҳим ғоявий ва маънавий аҳамиятга эга бўлган бир ҳолатга алоҳида эътибор

² Ўша асар – Б.341.

³ Ўша асар – Б.361.

¹ Бурхониддин Марғиновий. Ҳидоя, I-жилд. Закот китоби. Т.: “Адолат”, 2002. – Б.413.

² Ўша а с а р – Б.407.

қаратмоқчимиз. Гарчи закот олишга фақат ислом динига эътиқод қилувчилар ҳақли деб ҳукм чиқарилган бўлса ҳам, лекин бошқа динга эътиқод қилувчилар ичида ҳам моддий ҳимояга муҳтож табақаларга хайр-саховатнинг бошқа ҳамма турлари берилиши мумкин. Чунончи, «Ҳидоя» да бу ҳақда шундай ҳукм чиқарилган. «Расулуллоҳ (с.а.в.) Муозга (р.а.) Мусулмонларнинг бойларидан закотни олгин ва уни уларнинг (мусулмонларнинг) фақирларига бергин», деган эдилар. Зиммийга закотдан бошқа садақалардан (яъни фитр³ садақаси, назр ва каффоратлардан⁴) берилади. Бизнинг далилимиз Расулуллоҳнинг (с.а.в.) «барча динларнинг аҳилларига садақа бераверинглар» деган ҳадисларидир».⁵ Ҳақиқатдан ҳам ушбу ҳукм улкан маънавий ва ғоявий аҳамиятга эгадир. Чунки, бу ерда биринчидан, инсонпарварлик, инсоний меҳр-шафқат, мурувват нуқтаи назаридан фикр юритилаётган бўлса, иккинчи томондан, бошқа динга эътиқод қилувчиларнинг мусулмон мамлакатада нафақат моли ва жони ҳимояга олиниши ҳақида, шу билан бирга уларнинг моддий ҳимояга ҳам олиниши ҳақида ҳам ҳукм чиқарилаяпти. Бу азалдан халқимизга хос бўлган диний бағрикенгликнинг маълум даражада ҳуқуқий томондан ҳам асосланишидир.

Албатта, шариат аҳкомларида, шу жумладан Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида закот масаласида чиқарилган ҳукмларда билдирилган фикр-мулоҳазаларда ўша давр ижтимоий, тарихий, ғоявий ва мафкуравий шароитлари билан боғлиқ бўлган чекланганлик, ҳозирги давр учун ўз аҳамиятини йўқотган айрим томонлар ҳам мавжуд. Лекин бундан қатъий назар уларда инсоний мурувват, бағрикенглик, меҳр-шафқат, хайр-саховат туйғулари билан йўғрилган ҳукмлар ва ғоялар асосий ўринни эгаллайди. Улар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Чунончи, республикамиз ҳукумати, Президентимиз томонидан турли хайрия ташкилотларининг тузилиши ва уларнинг ҳам моддий ҳам маънавий қўллаб қувватланиши бундан далолат беради. Бу эса, ҳозирги давр маънавиятимиз чуқур тарихий илдизларга эга эканлигининг исботидир.

Яна шуни ҳам айтиш жоизки, шариатнинг, шу жумладан Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида фақиру-мискин, бева-бечора, етим-есирларни закот, фитр, ушр, садақа ва бошқа хайр-эҳсонлар

³ Фитр – рамазон ойининг охирида бериладиган жон садақаси.

⁴ Каффорат – англамасдан бирор гуноҳ қилиб қўйганлиги учун бериладиган садақа.

⁵ Бурхониддин Марғиноний. Ҳидоя, I-жилд, Закот китоби, Т.: “Адолат”, 2002. – Б.406.

билан қўллаб-қувватлаш ҳар бир мусулмон учун шаръан жоизлиги ҳақида чиқарган ҳукмлари тарихимизнинг маълум даврларида нафақат маънавий, балки маълум ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга ҳам эга бўлган. Чунончи, Марғинонийнинг «Ҳидоя» асаридан катта таъсир олган, шариат аҳкомларига изчил амал қилган Амир Темур мискин ва фақирларни моддий қўллаб-қувватлаш ва бу билан уларни ижтимоий ҳимоя қилишни ўз ички ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг муҳим масалаларидан бири ҳисоблаган. Амир Темурнинг ўз давлатчилик фаолиятида мусулмон қонунчилигининг, шу жумладан, Марғинонийнинг «Ҳидоя» асаридаги адолат тамойилига асосланган ҳукмларига суянган ҳолда иш юритганлиги ҳақида Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрини келтириб ўтмоқчимиз: **«Шубҳа йўқки, «Куч адолатдадир» деган ғояни ўз ҳаётининг мазмуни деб билган Амир Темур бобомиздек улуг аждодларимизнинг камол топишида ҳам «Ҳидоя» сингари қомусий асарларнинг таъсири ва аҳамияти беқиёс бўлган».**¹

Юқоридаги фикрларнинг исботи сифатида «Темур тузуклари» дан қуйидаги сатрларни келтириб ўтмоқчимиз: «Энди менинг номдор бахтиёр фарзандларим ва мамлакатларни забт этувчи иқтидорли набираларимга йўл-йўриғим шулки, мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. Шу ўн икки нарса ёрдамида мамлакатларни забт этиб, салтанатни бошқардим ва салтанат тахтига зебу-зийнат бердим. Улар ҳам ушбу тузукка амал қилсинлар».¹ Темур ўзи амал қилган ушбу ўн икки тузукни батафсил баён қилар экан, шундай деб ёзади: «Еттинчиси - ... Дарвеш, фақир ва мискинларни ўзимга яқин тутдим, уларнинг кўнгилларини рад этмадим».²

Фараз қилиш мумкинки, Темур мамлакат фуқаролари ва умуман ҳамма инсонларга нисбатан унинг бой-камбағал, хосу авомлигидан, қайси миллат ва динга мансуб бўлишидан қатъий назар беғараз муносабатда бўлишни таъкидлайди. Зеро, унингча ҳар бир инсон Аллоҳ томонидан яратилган ва Аллоҳ томонидан яратилган ҳар бир жонзотга эса шафқат қилиш зарур. У шундай ёзади: «Халойиққа раҳм қилдим, барчага нафъ еткурдим. Бунда бировга ноҳақ озор етказмадим ва мендан ёрдам сўраб келганларни кўкрагидан итармадим». Қуръондаги Парвардигорнинг: «Ат-таъзим ли амриллоҳ ва-ш-шафқату ьало

¹ Каримов И.А. Бурхониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. 2000 й 16 ноябр // Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз, Т.9.-Т.: «Ўзбекистон», . 2001. - Б.117.

¹ Амир Темур. Темур тузуклари. – Т.: “F.Фулом”. 1996. – Б.53.

² Ўша китоб. Б.55.

халқи-ллоҳ (яъни Аллоҳнинг амрига бўйсуниб ва яратган халқига шафқат қилиш даркор – Я.Ю.) оятини ўзимга фарз билиб, уқиб олдим ва умр бўйи барча юмушларимда унга амал қилдим».³ «... Ўз қудратимни сақлаш учун мен бир қўлимда адолат шамини иккинчи қўлимда беғаразлик шамини тутиб, ҳар икки шам билан бутун умр бўйи ўз йўлимни ёритиб юрдим. Барча қилмишларимда ана шундай адолат қоидаларига риоя қилдим».⁴ «мен сифатларнинг энг аввали деб беғаразликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил жиддий ва одил қарадим, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмадим».⁵ Темурнинг ички ижтимоий сиёсатда жамиятдаги ҳар бир шахс, гуруҳ, табақалар манфаатларига бундай адолат мезони билан ёндашиши, адолатнинг асосий тамойилларидан бири – Аллоҳ яратган ҳар бир бандага шафқатли бўлиш зарурлиги ҳақидаги Қуръон оятларига амал қилиб ёндашиши шахс ва жамият, жамиятдаги табақалар муносабатларида мустаҳкам ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлади. Иккинчи томондан эса, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига амалий ҳисса қўшди. Бу ҳақда ишончли тарихий маълумотлар мавжуд. Чунончи, Испания-Кастилиянинг Темур саройидаги машҳур элчиси Рун Гонсалес Клавихио Самарқанддаги ўзи гувоҳи бўлган ижтимоий-иқтисодий, маданий ва ғоявий муҳит ҳақида шундай ёзади: «Аҳоли ўртасида ҳар хил қабилалар: турклар, араблар, маврлар, арман христианлари, грек католиклари, насторианлар, якобитлар, ўтга қараб чўқинувчилар бор эди. Халқ шу қадар кўп эдики, на шаҳарга, на майдонларга на кўча-куйга, на қишлоқларга сиғар эдилар.

Шаҳар ҳар хил мол-матоларга бойдир. Бу моллар бошқа мамлакатлардан олиб келинади... Майдонлар кечаю-кундуз одамлар билан тўла бўлиб, уларда доимо қизғин савдолар бўлиб туради».¹

Темурнинг шахс ва жамият, жамиятдаги табақалар ўртасидаги муносабатларга нисбатан беғаразлик, адолат, бағрикенглик тамойилларига асосланган бундай ички ижтимоий сиёсати унинг ташқи сиёсатида ҳам намоён бўлган. Бу ҳақда жуда кўп тарихий маълумотлар мавжуд. Шу муносабат билан Амир Темур фаолиятининг халқаро сиёсий ва маънавий аҳамияти

³ Амир Темур Кўраган. Зафар йўли.-Т.: “Нур”, 1992. – Б.9. // Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ашраф Аҳмад.

⁴ Амир Темур Кўраган. Зафар йўли.-Т.: “Нур”, 1992. – Б.12 // Нашрга тайёрловчи, таржимон, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ашраф Аҳмад..

⁵ Ўша китоб. Б.12.

¹ Рун Гонсалес де Клавихио. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканде в 1403-1406. СПб 1981.// Илова И.М. Мўминовнинг танланган асарлар I-жилдидан олинди. Т.: “Фан”, 1969. - Б.440-441.

ҳақидаги Президент И.А.Каримовнинг қуйидаги таъкидини келтириб ўтмоқчимиз: «Амир Темурнинг тарихий хизмати яна шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа мамлакатлари тарихда биринчи марта ягона жўғрофий – сиёсий маконда эканликларини ҳис этди.

Бу фақат улкан афзалликдагина эмас, савдогарлар, халқлар ҳеч қандай тўсиқларсиз ҳаракат қиладиган янги йўлларнинг очилишида ҳам намоён бўлди. Ўзаро ишонч, ҳамкорлик, умумий муросага келиш мумкинлигига аминлик ўша мураккаб ва жўшқин давр қувончлари ва азобларида вужудга келган асосий қадриятлардир».²

Маълумки, шахс ва жамият муносабатларини барқарорлаштиришда изчил ишлаб чиқилган солиқ тизими ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шариатда, хусусан Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида солиқ тизимига кирувчи тўлов шаклларида бўлган экин ерлари ҳосилидан олинадиган ушр, тижорат ва бошқа мулк шаклларида олинадиган хирож ҳақидаги ҳукмлари, фикр-мулоҳозалари ҳам диққатга сазовордир. Унингча, ушр бериш мусулмонлар томонидан қилинадиган хайрли иш бўлиб, у ҳам Аллоҳга қилинадиган ибодат мақомидир. «Ушр тўлаш Аллоҳнинг розилигини истаб қилинадиган ибодатлардандир».¹ Марғинонийнинг бу борада чиқарган ҳукмларининг ижтимоий ва маънавий аҳамияти шундаки, улар турли мулк шаклларида олинадиган солиқларнинг аниқ шаръий миқдорини белгилаб, бу борада юз бериши мумкин бўлган турли адолатсизлик, бебошлик ва зўравонликларга қарши турган. Албатта, солиқнинг шаръий белгиланган миқдорига амал қилишни талаб қилиш нафақат ўрта асрлар учун, балки ҳозирги давримиз учун ҳам маълум ижтимоий ва маънавий аҳамиятга эга. Сир эмаски, ҳозирги даврда ҳам бу борада айрим шахслар томонидан қаллобликка юз ўгириш ёки ўз хизмат вазифасини суистеъмол қилиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Иккинчидан, ушбу ҳукмларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёт учун аҳамияти шундаки, уларда маълум даражада мулкдорнинг манфаатини ҳимоя қилиш, уларни рағбатлантириш майллари ҳам ўз аксини топган.

² Каримов И.А. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин. //Бунёдкорлик йўлидан, Т.4.-Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – Б.342. ЮНЕСКО қароргоҳидаги Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши кўргазмасининг очилиш маросимида сўзлаган нутқ, 1996 йил 24 апрел, Париж.

¹ Бурхониддин Марғиноний. Ҳидоя, I-жилд. Закот китоби.Т.: “Адолат”, 2002. – Б.400.

Марғинонийнинг закот ва солиқ ҳақидаги ҳукмларининг маънавий қиммати яна шундаки, улар энг аввало ҳар бир инсонни мурувватли, меҳр-шафқатли, хайр-эҳсонли бўлишга даъват этиб, улар ахлоқий камолотининг юксалишига хизмат қилган бўлса, иккинчидан, улар инсонпарварлик, ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик, диний бағрикенглик туйғулари билан йўғрилганлиги туфайли шахс ва жамият муносабатларини уйғунлаштиришда, жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга хизмат қилган. Шу нуқтаи-назардан Марғиноний ҳукм ва ғоялари бугунги кунда ҳам маънавий ҳаётимизни такомиллаштириш борасида фойдаланишимиз зарур бўлган тарихий қадриятларимиздан биридир. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлайдики, **«Бурҳониддин Марғиноний асарларининг моҳияти бўлмиш адолат туйғуси, ўз даврининг ҳуқуқий мерослари асосида яшаш, ўзганинг мол-мулкига кўз олайтирмаслик, ҳаромдан ҳазар қилиш, инсоф ва диёнат, меҳр-оқибат каби халқимизга хос бўлган эзгу тушунчалар бугунги кунда ҳам маънавий ҳаётимиз асосларини ташкил этади, десак ҳеч қандай хато бўлмайди»**.¹

Исломда шахс ва жамият муносабатларини уйғунлаштириш масаласида умуман шахсни моддий жиҳатдан ҳимоя қилиш мулк дахлсизлигига оид оятларда ҳам баён қилинган. Қуръонда бировнинг мулкига айниқса, етим-есирлар, бева-бечораларнинг мулкига ҳиёнат қилиш мусулмон учун энг оғир гуноҳдир. Масалан, Қуръонда «етимларнинг молларини зулм билан ейдиган кимсалар ҳеч шубҳасиз қоринларига олов еган бўлурлар» дейилади. Шу муносабат билан исломда аёлни ижтимоий ҳимоя қилиш масаласига тўхталиб ўтмоқ зарур. Бу масалада ҳам айрим ислом муҳолифлари масалага юзаки ва бир ёқлама ёндашиб, исломда аёл киши ҳақоратланади, унинг ҳақ-ҳуқуқи топталади, деб даъво қилганлар. Бунинг исботи сифатида эркакнинг бир вақтнинг ўзида тўрт хотинга уйланиши мумкинлиги, аёлнинг ворислик ҳуқуқи ҳақидаги оятларни келтирганлар. Аслида эса, тадқиқотчи М.О.Усмоновнинг таъкидлашича, «масалага жиддийроқ ёндашилса, шу нарса равшан бўладики, жуда кўп Қуръон оятлари ва ҳадисларга таяниб ишлаб чиқилган шариат аҳкомларида аёлнинг ижтимоий ҳимоя қилинишига катта аҳамият берилади».² Ушбу фикрнинг исботи учун шариатда,

¹ Каримов И.А. Бурҳониддин Маарғиноний таваллудининг 910 йиллигига бағишланган тантанали маросимида сўзлаган нутқи 2000 й 16 ноябр: //Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз, Т.9.-Т.: “Ўзбекистон”, 2001. – Б.117-118.

² S.Yo'ldoshev, M.Qodirov, M.Usmonov. ajdodlarimiz merosi – mafkuramiz gavhari: - Т.: 2001. – Б.39.

хусусан Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида оила ва никоҳ ҳақида чиқарилган ҳукмларнинг моҳияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтамыз.

Шахс ва жамият муносабатларининг энг муҳим жиҳатларидан бири – бу оилавий муносабатларни шакллантириш ва тартибга солишдир. Шунинг учун диний-ҳукукий мазҳабларда оила ва никоҳ масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Шариат мазмунига оила ва никоҳ масаласи алоҳида бўлим қилиб киритилишининг боиси шундаки, оиланинг мустаҳкамлигини таъминлаш жамиятнинг тинчлиги ва ривожини таъминлашдир.

Шариатдаги оила ва никоҳ бўлимларининг фалсафий мазмунича, оила жамиятнинг бир кичик бўғини, ажралмас қисмидир. Шунинг учун шариатда оила билан боғлиқ масалалар: оила қуриш тартиби, никоҳлаш қоидалари, балоғатга етганлигини аниқлаш, эркак ва аёл розилиги, мол-мулкка эгалиги, эр-хотин, ота-она ва болалар одоби, таомларда ҳалол ва ҳаромни ажрата олиш каби кўпгина масалалар ўз ифодасини топган. Асрлар давомида мусулмонлар шахс ва жамият муносабатларини ўрнатишда шариатнинг оила ва никоҳ ҳақидаги талабларига риоя қилиб келганлар. Ҳозирги мустақиллик даврида ҳам диний эътиқоди бўлган кишилар ҳаётида уларнинг таъсири бор, албатта.

Зеро, оила ва никоҳ масаласи ҳар бир жамиятнинг ижтимоий муносабатлар тизимида фақат иқтисодий, маиший ва ҳукукий масалаларнигина қамраб олмасдан, шу билан бирга жамият ва шахс учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган маънавий-ахлоқий масала ҳамдир. Бу нарса исломий қадриятларнинг илк манбалари - Қуръон ва ҳадисларда ёрқин ўз ифодасини топган. Чунончи, Қуръоннинг «Нисо» ва «Талок» суралари масаласига бағишлангани, шунингдек бошқа сураларда ҳам бир неча оятларнинг оилавий-маиший масалаларга бағишланганлиги бундан далолат беради. Жумладан, «Нисо» сурасида оила қуриш қатъий никоҳ асосида бўлишини таъкидлаб шундай дейилади: «Эй мўминлар, сизлар учун хотинларни мажбурий ҳолда мерос қилиб олиш дуруст эмасдир» (4: 19).

Мусулмон ҳукуқшунослигининг энг нуфузли манбаи «Ҳидоя» да ҳам оила ва никоҳ масалаларига жуда катта эътибор берилган бўлиб, унинг икки китоби – «Никоҳ китоби» ва «Талок китоби» бевосита ушбу масалаларни ёритишга бағишланган.

Маълумки, оила жамиятнинг биринчи ва бирламчи заррасидир. Жамият ана шу кичик зарралардан ташкил топади.

Лекин у шунчаки зарра эмас, тирик вужудлар иттифоқидир. Оила фақат эр ва хотиннинг ўзидан иборат эмас. Оила эр-хотин, уларнинг фарзандлари, энг яқин туғишганлардан иборат кишилар гуруҳидир. Оила одамларнинг табиий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирлигидир.

«Ҳидоя» асарида оила ва никоҳ масалаларидаги ана шу муносабатларнинг ҳамма томонлари адолат нуктаи-назардан ёндашилиб ёртилади. Адолатнинг асосий мезонлари сифатида инсоф ва диёнат, ҳаромдан ҳазар, поклик каби эзгу тушунчалар кўзда тутилади.

«Ҳидоя» да таъкидланишича, никоҳдан мақсад эр-хотиннинг фақат бир-бирларига нисбатан маиший ва моддий ҳуқуқларини расмий таъкидлашдангина иборат бўлиб қолмасдан, энг аввало, никоҳланганларнинг ахлоқий ва маънавий покланиши учун замин тайёрлашдир.

«...Никоҳдан кўзда тутилган мақсад ифбатли ва покиза бўлиб юришдир»;¹ «Оилали ҳар бир аёл ва эркакнинг покизалиги ва ифбатлилигининг биринчи ва бирламчи белгиси эса зинодан сақланишдир. Зеро, «зино барча динларда ҳам ҳаромдир».²

Шариатда оила ва никоҳ масалсида чиқарилган ҳукмларнинг маънавий ва ҳуқуқий аҳамияти яна шундаки, уларда Қуръон оятларини асос қилиб олинган ҳолда никоҳ аҳдини тузувчи ҳар икки томоннинг, хусусан аёлнинг эр танлаш ҳуқуқининг дахлсизлиги никоҳнинг шартларидан бири деб ҳисобланади. Чунончи, «Ҳидоя» да шундай ёзилади: «...окила, ҳур аёлнинг никоҳи хоҳ у қиз бўлсин, хоҳ жувон бўлсин, валийсиз ҳам ўзининг розилиги билан боғланаверади... Никоҳ жоизлигининг сабаби шундан иборатки, бу масалада келишича, аёл ўзининг холис ҳаққида фойдаланган, чунки у окила оқ-қорани ажрата оладиган бўлгани учун ўз хоҳишича фойдаланишга ҳақли. Шунинг учун аёл мол-мулкни тасарруф этишга ҳам, ўзи учун эр танлашга ҳам ҳаққи бор... Шунинг учун уни мажбурлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ».³

Шариатда хусусан «Ҳидоя» да оила ва никоҳ масаласида катта маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳукмлардан бири аёлнинг никоҳ тўғрисида ўзининг қандай ҳақ-ҳуқуқларга эга эканлиги ҳақидаги билимга эга бўлишининг зарурлигидир: «Никоҳнинг асл моҳияти ҳақида илм бўлишлиги шарт қилинади.

¹ Бурхониддин Марғиновий. Ҳидоя, I-жилд, Никоҳ китоби: Т.: Адолат, 2002. – Б.725.

² Ўша китоб. Б.720.

³ Ўша китоб. Б.667-668.

Чунки қиз бола фақат илм бўлгандагина тасарруф эта олади. Бу дунё илм олиш дунёси, бунда жоҳиллик узр бўлолмайди».⁴

Марғинонийнинг бу ҳукми ҳозирги давримиз учун ҳам маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга бўлиш билан бирга ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Зеро, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ҳуқуқий билимга, ҳуқуқий маданиятга эга бўлиш фуқаролик жамияти ва демократик давлат барпо этишнинг объектив заруриятига айланиб бормокда. Оилавий муносабатлар жамиятда ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий муносабатлардан бири бўлганлиги туфайли ҳам бу масалада айниқса аёлнинг ҳуқуқий билимга эга бўлиши ниҳоятда муҳимдир.

Шариат аҳкомларида, хусусан «Ҳидоя» да оила ва никоҳ масаласида чиқарилган ҳукмларнинг катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган томонларидан яна бири – эркак ва аёлнинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ақлий жиҳатлардан мумкин қадар бир-бирларига тенг бўлишларига эътибор қаратишдир: «Никоҳда тенглик эътиборга олинади. Пайғамбар алайҳиссалом айтганларки: «Огоҳ бўлингларки, аёлларни фақат ўзларига тенг бўлган кишигагина берсинлар».¹

Марғинонийнинг «Ҳидоя» асарида оила ва никоҳ масаласида чиқарган шаръий ҳукмларининг моҳиятини таҳлил қилиб хулоса қилиш мумкинки, масала энг аввало юксак ҳуқ-атвор, маънавий поклик, инсоний қадриятлар нуқтаи-назаридан ҳал қилинади. Эркак ва аёл ўртасидаги муносабат муайян қонун-қоидаларга таянган ҳолда оилани мустаҳкамлаш, унинг ахлоқий поклиги ва ҳалоллигини таъмин қилишга қаратилгандир.

Исломий қадриятлар - Қуръон, ҳадислар ва шариатнинг асоси фикқ (мусулмон ҳуқуқшунослиги) да шахс ва жамият муносабатлари масалаларининг ушбу бандда қилинган таҳлилларидан хулоса қилиш мумкинки, жамиятдаги турли табақа ва гуруҳлар, эркак ва аёл ҳамда муайян шахслар ўртасидаги муносабатларда мумкин қадар адолат мезони билан, инсонпарварлик, бағрикенглик ҳис-туйғулари билан инсонлар ўртасида ҳурмат-эҳтиром, ҳамжиҳатликка даъват қилувчи ғоялар ва анъаналарга бой бўлган. Бу ғоя ва анъаналарни халқ онги ва шуурига сингдиришда Имом Исмоил Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, фақиҳ Бурҳониддин Марғинонийларнинг хизмати катта бўлган.

⁴ Ўша китоб. Б.675.

¹ Бурҳониддин Марғиноний. Ҳидоя, I-жилд, Никоҳ китоби: Т.: “Адолат”, 2002. – Б.680.

Ислом манбалари бўлган Қуръон, ҳадислар ва шариат аҳкомлари кўхна тарихимизда ўзининг инсонпарварлик, адолатпарварлик, маърифатпарварлик ва юксак ахлоқийликка даъват этувчи ғоялари билан маънавий ҳаётимизни юксалтиришда ва жамиятда барқарорликни таъминлашга хизмат қилиб келган ва ҳозирда ҳам шундай. Унинг шахс ва жамият алоқадорлигига оид талабларига асосан ҳар бир мўмин-мусулмон инсофли, диёнатли бўлиши, бировнинг ҳақиқа ҳиёнат қилмаслиги, ватанни ҳимоя қилиши зарурлиги каби фазилатлар мужассамлашган шахс бўлмоғи керак.

Исломий қадриятларнинг шахс ва жамият муносабати масаласида ақидавий ва ҳуқуқий асосларининг баъзи назарий масалаларини эса, диёримиздан етишиб чиққан Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва бошқа аллома ва мутафаккирлар ўз асарларида фалсафий мазмун билан бойитдилар.

2.2. Марказий Осиё мутафаккирлари дунёқарашида шахс ва жамият муносабатларининг баъзи назарий масалалари

Кишилиқ жамиятининг илк даврларидан бошлаб шахс ва жамият муносабатлари масаласи ва у билан узвий боғлиқ ижтимоий тараққиёт, жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш масалалари ҳамма вақт илғор фикр эгаларининг диққат марказида бўлиб келган. Бу муаммога диний қарашлар, хусусан ислом қадриятлари нуктаи-назаридан қарашлардан ташқари илмий ва фалсафий ёндошувлар ҳам бир вақтда шакллана борган. Ушбу илмий фалсафий қарашларда ижтимоий борлиқнинг моҳияти ҳақидаги фан далилларига, мантиқий фикрлаш асосларига, табиий-илмий билимлар тажрибасига суянилган ҳолда шахс ва жамият билан боғлиқ муаммоларни ҳаёт воқелигига татбиқ қилиб ёндошишга ҳаракат қилинган. Бунда ватанимиздан етишиб чиққан олим ва мутафаккир-ларнинг хизмати алоҳида аҳамиятга эга.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлайдики, «**Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур ва бошқа кўплаб буюк**

аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожланти-ришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар. Уларнинг номлари, жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссалари ҳозирги кунда бутун дунёга маълум»¹.

Ҳеч шубҳасиз диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган мутафаккирлар қаторига буюк ватандошимиз Абу Наср Форобий (973-1050) ни ҳам киритиш мумкин. Форобийнинг буюк хизматларидан бири – ҳамма замонларда барча аҳоли табақалари орзу қилган идеал жамият ҳақидаги ғоялари ва бу ҳақда ёзган асарларидир.

Форобий бу борада бир неча асарлар муаллифидир. Унинг «Фозил шаҳар аҳли қарашлари ҳақида китоб», «Сиёсат ал-мадания» («Шаҳарлар устидан сиёсат юргизиш»), «Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида» ва бошқа асарлари бўлган. «Форобий дунёқарашининг якунловчи қисми, - сўнгги мақсади – инсон жамоаси, инсоннинг ижтимоий моҳияти, унинг кутган орзу-умидлари, инсоний муносабатлар каби масалалардир. Форобий пантеизм билан рационализмни ижтимоий ҳаётга изчил татбиқ этиш туфайли жамият ва инсоннинг ижтимоий ҳаёти тўғрисида махсус таълимот яратди. Бу таълимот ўз замонасидаги фозил, идеал жамоа, ахлоқ, маърифат, ақл ва идрок, ҳамжихатлик ва тенглик, равнақ ва меҳнат, яхшилик ва ўзаро ҳурмат-иззат, ишонч, ҳамма учун бахт-саодат тантана қилган жамият, тузум ҳақидаги орзу-умид, истак ва интилишларни назарий ифода этар эди».¹

Форобийнинг шахс ва жамият муносабати масаласидаги ғояларининг бош тамойили – инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш йўлида бир-бирларига нисбатан ўзаро ёрдамга муҳтожлиги, мана шу ҳолат инсон жамоалари келиб чиқишининг ҳам, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг ҳам бош омилидир. Форобий шундай ёзади: «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришиш учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди ва уларга эга бўлиш учун кишилар жамоасига эҳтиёж туғилади... Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган воситаларни бир-бирларига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина

¹ **Каримов И.А.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, Т.6-Т.: “Ўзбекистон”, . 1998. – Б.127.

¹ Хайруллаев М.М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1971. – Б.246.

одам ўз табиати жиҳатидан интиланган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришиш учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон жамоалари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди».² Демак, инсон жамоаларининг, аниқроғи жамият вужудга келишининг сабаби инсонларнинг ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга бўлган табиий заруриятлари туфайли ва уларни қондириш фақат ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик йўли билангина амалга ошар экан. Шахс ва жамият, жамиятнинг турли табақалари ва гуруҳлари, муайян инсонлар ўртасидаги муносабатлар ҳам шу тамойилга асосланиши керак. Жамият барқарорлигини таъминлашнинг ҳам, жамият аъзоларининг бахт-саодатга, маънавий камолотга эришувининг асоси ҳам шуларга боғлиқ. Форобий ғояларининг ижтимоий-маънавий аҳамияти ҳам ана шундадир. Форобий «Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида» китобида фозил шаҳар моҳияти ва унда фуқароларнинг бир-бирига нисбатан муносабатларининг мазмун-моҳияти ҳақида шундай дейди: «Фозил шаҳар ўзига таянган, табиати соғлом бўлган инсонлар гуруҳидан иборатки, уларнинг ҳар бири бахт-саодатга етказиши мумкин бўлган тушунчаларни қабул қилиб, бу йўлни бир-бирларига ҳамкорлик қилиш ила муштарак равишда босиб ўтадилар. Бундай шаҳар аҳолиси умумий қондошлик, яшаш макони, ирқи ва урф-одатларининг муштараклиги асосидагина бир ерга тўпланган эмас. Зеро, Фозил шаҳарда бу айtilган омиллардан ҳеч бири йўқ ёки уларнинг бўлиши шаҳарнинг афзаллиги ёхуд бирор имтиёзи борлигини белгиламайди. Фозил шаҳарда инсонларнинг ўзаро алоқаси учун восита ва уларни бирлаштирувчи нарсa «умумий ашёлар» тўғрисидаги «умумий қараш» бўлиб, мазкур қарашнинг ўзи «умумий фаолият» га айланган, яъни ягона ашёга нисбатан илм ва амал шаҳар аҳолисининг умумий хусусияти бўлиб қолгандир».¹

Демак, фозил шаҳар фуқароларини бир ерга тўплаган ва фазилатларини ҳамда бир-бирларига муносабатларини белгилайдиган омил уларнинг ирқи, миллати ва қайси динга эътиқод қилишлари эмас. Зеро, мутафаккир таъкидлашича, булар шаҳарнинг афзаллигини ёки бирор имтиёзини белгиламайди.

² Илова М.М. Хайруллаевнинг «Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари» китобидан олинди: Т.: 1971. – Б.251.

¹ Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. -Т.: Ёзувчи, 2001. – Б.27-28.// Муқаддима, таржима ва изоҳлар муаллифи. М.Қодиров.

Асосий белгиловчи омил шаҳар фуқароларининг «умумий ашёлар» (бахт-саодат ва камолотга эришиш – Х.,Я) тўғрисида «умумий қараш» (ўзаро ёрдам ҳис-туйғуси – Х.,Я) га эга бўлиш ва бу мақсадни амалга ошириш йўлида «умумий фаолият» (ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш – Х.,Я) кўрсатишдир. Ушбу ғоялар ўрта асрларда шахс ва жамият, турли табақа ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириб, жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга, жамият аъзолари ўртасида ўзаро ёрдам, ҳурмат-эҳтиром туйғуларини мустаҳкамлаш учун катта ижтимоий-маънавий аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Иккинчи томондан турли ирққа, миллатга, диний эътиқодга мансуб халқлар ўртасида ўзаро ишонч, ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан муҳим мафкуравий ва ғоявий аҳамиятга ҳам эгадир. Айтиш мумкинки, ушбу ғоялар ҳозирги кунда ҳам ақидапарастлик ва диний экстремизмга қарши курашда ҳам маълум назарий ва амалий аҳамият касб этиши мумкин. Форобий фикрича, шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро ёрдам ва ҳамжиҳатлик асосига қурилган уйғунлашган муносабатларни соғлом бадан аъзоларининг соғлиги ва биргаликда ҳаракат қилишига боғлиқ бўлганидек жамият барқарорлигининг асоси ҳам унинг аъзоларининг уйғунлашган муносабатларига боғлиқдир. Ҳукмдорнинг фуқаролар билан муносабатини тананинг соғлигини таъминлашга ҳаракат қилаётган табибга қиёс қилади. Яъни табиб тана соғлигини таъминлаш учун унинг ҳамма аъзоларининг соғлиги ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур. «Фозил шаҳар соғлом баданга ўхшайди. Ушбу шаҳарнинг соғломлик даражаси биринчи навбатда табибга ўхшаш раиснинг назоратига боғлиқ бўлса, иккинчидан ундаги аъзолар, яъни ишчилар бўлган шаҳар аҳлининг ўз вазифаларини тўғри бажаришларига мавофиқ равишда таъминланади. Бошқача ибора билан айтганда, раиснинг ўз зиммасидаги вазифасини бажаришга бўлган иқтидори ва қобилияти бир томондан, аъзоларнинг ўз зиммасидаги ишларни тўғри ва тўла бажара олишга бўлган иштиёқи, иккинчи томондан шаҳарнинг соғлом тизимини таъминлайди».¹ Демак, жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашда давлат бошлиғининг жамият аъзоларига ғамхўрлиги, ўз зиммасидаги вазифаларни бажара олиш иқтидори, иштиёқи ва қобилиятига қанчалик боғлиқ бўлса, фуқароларнинг ҳам бу борадаги бурчи, вазифалари ва масъулиятига ҳам шунчалик боғлиқдир. Бунга ҳозирги даврда

¹ Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида: - Т.: Ёзувчи, 2001. – Б.29.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва демократик давлат қуриш борасидаги фуқароларимизнинг бурч ва масъулияти нуқтаи-назаридан ёндошадиган бўлсак, масалани «мустақиллик менга нима берди» деган тарзда эмас, «мен мустақиллик учун нима қилдим» деган тарзда тушунмоқ керак.

Мутафаккир фикрича, жамият барқарорлиги ва равнақини, ҳар бир фуқаронинг бахт-саодат ва камолотини таъминлашнинг асосий воситаси эса ўзаро ёрдам ва ҳамкорликдadir: «Баданнинг барча аъзолари табиий тизимда ўзларининг яшаб қолишлари учун бир-бирларига ёрдам берганларидек, Фозил шаҳарда ҳам бутунликни сақлаш ва такомиллаштишига бўлган эҳтиёж аъзолар ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларида устувор бўлади».¹

Ўзаро ёрдам ва ҳамжиҳатлик устувор бўлган Фозил шаҳарда шахс ва жамият, турли табақалар ўртасидаги муносабатларнинг яна бир муҳим тамойили адолатли иш тақсимотидир. «Табақалар ўртасидаги муносабат мустабидлик ва зўрлик, кучлининг заифдан устунлиги асосига қурилган фуқаролик жамиятларига қарши ўлароқ, Фозил шаҳар аъзолари ўртасида табиий мулоқот ва кўнгилли тарздаги ҳамкорлик мавжуд бўлиб, «шаҳар мақсади» ни (ижтимоий барқарорликни – Х.,Я) амалга ошириш учун бир-биридан фарқ қилувчи аъзолар ўртасида иш тақсимоти жорий этилгандир. У ҳам пировардида шаҳар аҳолисини бир-бирига боғловчи жиҳат ва улар ҳамкорлигининг туташ маркази сифатида намоён бўлади»². Демак, шахс ва жамият муносабатларида зулм, адолатсизликка зид ўлароқ табиий ва ихтиёрий ҳамкорлик, адолатли меҳнат тақсимоти Фозил шаҳарда ижтимоий барқарорликнинг гаровидир.

Мутафаккир таъкидлашича, «Фозил шаҳар таркибидаги аъзолар жойланиш тақсимотининг асоси инсон бадани аъзоларидан фарқли ўлароқ, келиб чиқиш жиҳатидан табиий маънога эга эмас. Балки у икки асосга мувофиқ, биринчидан, шаҳар раисига фазл ва камолот жиҳатидан яқинлиги билан, иккинчи томондан эса, шаҳар таркибидаги аъзоларга кўрсатиладиган хизмат турининг сифати ва афзаллилигига боғлиқ равишда таъминланади».³ Демак, Форобий шахс ва жамият, турли табақалар ўртасидаги муносабатлар уйғунлашувининг субъектив омилларига ҳам катта эътибор

¹ Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида: -Т.: «Ёзувчи», 2001. – Б.30.

² Ўша китоб. Б.30.

³ Ўша китоб. Б.30.

қаратиб, улар асосан жамият аъзоларининг фазл ва камолотига ҳамда уларга кўрсатиладиган хизмат турларининг сифати ва афзаллигига боғлиқлигини таъкидлайди.

Мутафаккирнинг шахс ва жамият муносабатларини уйғунлаштиришда айниқса, ҳозирги замон тили билан айтганда давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ўрни ва вазифалари ҳақидаги фикрлари ҳам катта назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Бу ҳақда шундай ёзади: «Инсон баданида турли вазифаларни бажарувчи аъзолар мавжуд бўлганидек, шаҳарда ҳам муайян тизимдан ташкил топган муассасалар ва ташкилотлар бордирки, уларнинг ҳар бири сайланган биринчи раис раҳбарлигида ўзининг зиммасига тушган махсус вазифани ўташга киришади. Бу мустақил «ярим тизимлар» (буни нодавлат муассаса ва ташкилотлар деб тушуниш мумкин – Х.,Я) шаҳарнинг катта тизими бағрида ўз раислари орқали бир-бирлари билан боғлангандирлар. Шаҳар ичидаги ҳаракат айланма бўлганлигидан бу кичик доиралар атрофидаги қисмлар баъзи нуқталарда бир-бирлари билан бирлашадилар ва айни вақтда раиснинг фаол ишлаб турган марказий нуқтаси сақланиб қолади. Ярим тизимлар раислари ва иш юритувчиларининг вазифасини белгилаш раис орқали амалга оширилади ва у юқори ташкилотлар назорати билан биргаликда кичик идоралар иш тарзини ҳам ўз зиммасига олади».¹ Мутафаккирнинг ушбу фикрларини маълум даражада шахс ва жамият муносабатларининг ижтимоий-иқтисодий назарияси сифатида тушуниш мумкин ва у баъзи жиҳатлари билан ҳозирги давримиз учун ҳам маълум илмий аҳамият касб этиши шубҳасиздир. Форобий шахс ва жамият муносабатлари масаласида юқорида кўрсатиб ўтганимиз тамойиллар устувор бўлган жамият (шаҳар – давлат – Х.,Я) ни фозил кишилар шаҳри деб атайди ва унинг моҳиятини шундай ифодалайди: «Ҳақиқий бахтга эришиш учун зарур бўлган ишларда ўзаро ёрдамни мақсад қилиб олган кишилар ёрдамни мақсад қилиб олган кишилар бирлашмаси мавжуд бўлган шаҳар – фазилатли, идеал шаҳардир; бахтга эришиш учун кишилар бир-бирларига ёрдам берувчи жамоа – фазилатли, идеал жамоадир.

Бахтга эришиш учун барча шаҳарларда ўзаро ёрдам берувчи халқ - фазилатли, етук халқдир. Шу тартибда барча

¹ Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида: -Т.: “Ёзувчи”, 2001. - Б.30.

халқлар бахтга эришиш учун бир-бирларига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилатли, етук бўлади».²

Мутафаккирнинг ушбу ғояларининг улкан ижтимоий ва маънавий-ахлоқий аҳамияти шундаки, шахс ва жамият муносабатларида ўзаро ёрдам ва ҳамжиҳатлик тамойиллар устувор бўлган жамиятнинг асосий мақсад ва вазифаси – бутун жамият аъзоларини қандай ижтимоий мавқега эга бўлишидан қатъий назар бахтли ҳаёт кечиришини таъминлашга ҳаракат қилишдир. Форобийнинг ушбу ғоялари ва назарияларига асосланган ва уларни ривожлантирган Марказий Осиёдан етишиб чиққан қомусий олим ва мутафаккир Ибн Сино (980-1037) дир. Ибн Сино жамият кишиларнинг ўзаро келишуви асосида қабул қилинувчи адолатли қонунлар ёрдамида бошқарилиши лозимлигини таъкидлайди; бу қонунларга барча жамият аъзолари итоат этиши зарур; қонунни бузиш ва адолатсизлик жазоланиши лозим. Инсоннинг жамиятда ўзини тутиши, оила аъзоларининг ўзаро алоқалари, жамиятда турли табақаларнинг муносабатлари Ибн Сино асарларида махсус ёритилди. Унинг шахс ва жамият муносабатлари ҳақидаги қарашлари идеал жамоа ҳақидаги фикрлари билан боғлиқдир.

Мутафаккирнинг фикрича, ижтимоий ҳаётда кишилар ўртасида қарор топган ўзаро тенгсизлик ҳолати табиийдир. Жамиятда барчанинг тўсатдан ҳукмдорга айланиши ёки ҳамманинг қашшоқлардан иборат бўлиб қолиши нореалдир. Жамиятдаги моддий тенгсизликни ҳеч қандай куч-қудрат, хоҳиш-истак ўзгартира олмайди, чунки ҳар бир кимса ўзининг меҳнатдаги фаолиятига, саъй-ҳаракатларига, иқтидор ва салоҳиятига қараб орзу-умидига, мақсадига эришади. Бунда адолатли, инсонпарвар давлат ўз фуқароларига мақсадга эришишда тенг имкониятлар яратиб бера олади. Бахт-саодатга эришиши эса, уларнинг ўзларига боғлиқдир. Аммо ижтимоий ва моддий жиҳатдан бир-бирларига тенг бўлмаган одамлар ўртасидаги муносабатлар адолат, ғамхўрлик, дўстона муносабат тамойиллари асосига қўйилиши керак. У «Хизматкорларни ўзингга яқин тут, уларни силтаб ташлама, уларнинг эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қил, уларга нисбатан қаҳр-ғазабли бўлма, улар билан гўё дўстлар билан бўладиган муносабатда бўлгин,

² Илова матни М.М.Хайруллаевнинг «Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари» китобидан олинди: -Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999. – Б.254.

уларни бахтсизлик онларида ёлғиз қолдирма, чунки улар ҳам инсонлардир»¹, - дейди.

Мутафаккирнинг инсонпарварлик туйғулари билан йўғрилган ушбу фикрлари ватанимизда мулкдорлар синфи шаклланаётган ҳозирги давримиз учун ҳам катта маънавий-ахлоқий аҳамиятга эга.

Алломанинг таъкидлашича, ижтимоий адолат – бу жамият фуқароларини зўрма-зўраки тенг ҳолатда сақлашдан иборат эмас. Кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини менсимаслик, ҳақиқий меҳнаткашни беғам боқимандадан фарқламаслик, барчани қашшоқликда тенглаштиришга ҳаракат қилиш ижтимоий равнақнинг заволидир.

Ҳар икки мутафаккир – Форобий ва Ибн Синоларнинг Фозил шаҳар, унда шахс ва жамият, турли табақалар ўртасида муносабатлар ҳақидаги ғоялари катта маънавий-ахлоқий аҳамиятга эга бўлиши билан бирга, этник ва диний бағрикенглик ғояларни ўзида акс эттирганлиги жиҳатидан маълум мафкуравий ва ғоявий аҳамиятга ҳам эгадир. Шу муносабат билан Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги таъкидини келтириб ўтмоқчимиз: **«Мовароуннахрнинг мусулмон маданияти этник сабр-тоқат ва бағрикенглик руҳини ўзида акс эттирди. Унинг Форобий ва Ибн Сино асарларида ўз иникосини топган идеали – Фозил кишилар шаҳри нафақат диний асосда, балки маданий ва ахлоқий негизда ҳам уюшган одамларнинг ҳамжамиятидан иборат бўлганлиги тасодифий ҳол эмас»**.¹

Шахс ва жамият муносабатлари масаласида қадимги юнон ҳамда Форобий каби Марказий Осиёлик файласуфларнинг қарашларини давом эттирган ва янги ғоялар билан бойитган мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний (973-1048) дир. Гарчи Беруний Форобий каби жамият ва ижтимоий воқеларга оид бир тизимга солинган мукаммал таълимот яратмаган бўлса ҳам, буюк олим сифатида ҳамма замонлар учун ўта муҳим масала бўлган – жамият, инсоннинг ижтимоий ҳаёти, инсон бахти каби масалаларда ўз фикр-мулоҳазаларини айтиб ўтган. Бу табиий эди. Зеро, Берунийнинг барча илмий қарашлари, ижтимоий фаолиятга йўналтирувчи ҳамда белгиловчи омил бўлиб, унинг инсонпарварлиги, ижтимоий тараққиётни таъмин этишга қаратилган интилишлари, эзгу орзу-умидлари шу

¹ Ибн Сино ва Тадбири манозил. Техрон 1319 х // Маънавий-ахлоқий қадриятлар мутафаккирлар талкинида. Андижон 2003. – Б.46.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хафсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари: //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, Т.6.-Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – Б.138.

аснодадир. Берунийнинг ҳам шахс ва жамият муносабатлари масаласига оид қарашлари асосида жамиятнинг вужудга келишида инсонларнинг ўзаро ёрдамга муҳтожлиги гоёси ётади. Лекин Беруний табиатшунос олим сифатида одамларнинг жамиятга уюшишига яна бир сабаб, яъни уларнинг бир ўзларининг ташқи куч ва офатларга қарши курашда ожизлигини кўрсатади. Беруний инсоннинг жисмоний имкониятлари, ҳаёт учун аёвсиз курашга қандай мослашганлигини таҳлил қилар экан, инсон ўз-ўзича индивид (шахс) сифатида кучсизлигини, ҳайвонлар каби кучли, аёвсиз курашга мосланмаганлигини таъкидлайди. Унингча инсон «... ҳайвонларнинг энг кичигига ҳам қарши тура олмайди, чунки у куч жиҳатидан улардан заиф ва ҳимоя ҳамда ҳужум учун улар эга бўлган воситаларга эга эмас».²

Беруний фикрича инсоннинг ҳайвондан кучли жиҳати — унга ақл неъматини инъом қилинганидандир: «Агар ҳайвонларга сезгилар ов қилиш ҳамда ўзларини ҳимоя қилиш учун берилган бўлса ҳам инсон зоти унга ақл кучи инъом қилинганлиги билан ҳамма ҳайвонлардан устундир».¹

Беруний фикрича, инсон жамоалари уларнинг шунчаки «жамоа бўлиб яшашига интилишлари» туфайли эмас, балки инсонларнинг «ўзаро ёрдам» га, «ўзаро фойда» га, «хавфсизлик» ни таъминлашга бўлган эҳтиёжларидир: «Эҳтиёжлар шунчалик хилма-хилки, инсон бир ўзи уларни қондира олмайди, бунинг учун бир ёрдамчи кифоя ҳам қилмайди. Эҳтиёжлар турлича ва жуда кўп ва фақат бир қанча одамларнинг жамоасигина уларни қондириши мумкин. Шу туфайли одамлар шаҳарлар бунёд қилишга муҳтождирлар».²

«Геодезия» асарида ушбу фикрни тўлдириб шундай ёзади: «Ва... (инсон) эҳтиёжларининг кўплиги ва ўзини тийиш имкониятларининг озлиги ва душманларининг кўплиги туфайли ўзаро бир-бирларини қувватлаш, ҳам ўзини, ҳам бошқаларни таъминлайдиган ишларни бажариш учун ўз зотдошлари билан жамиятга уюшишга мажбур бўлган».³ Демак, одамлар бир-бирларига дўст ва биродар бўлиш учун, ўзлари ва ўзгалар учун зарур бўлган нарсаларни яратишда, ҳар қандай офатлардан сақланиш мақсадида жамиятга бирлашган эканлар, уларнинг муносабатлари ҳам шу тамойилларга таяниши керак.

² Беруни. Собрание сведений для познания драгоценностей. (Минералогия), Изд-во АНССР, 1963. — С.9.

¹ Беруни. Минералогия, 1963. - С.9.

² Беруни. Собрание сведений для познания драгоценностей. (Минерология), Изд-во. АНССР, 1963. — С.9.

³ Беруни. Определение границ мест для уточнение расстояния между населенными пунктами. (Геодезия), Т. III. Т.1966. — С.83.

Беруний фикрича, одамлар ўз ҳолатлари, эҳтиёжларини англаган ва тасаввур қилган сари катта кўламда бошқа одамлар билан ҳамжамиятда яшаш зарурлигини тушуна бошлайдилар. Шундай қилиб ихтиёрий ҳолда ҳамжамиятга уюша бошлайдилар. Қандайдир ихтиёрий шартнома вужудга келади. Беруний инсон жамоаларининг вужудга келишини одамларнинг ихтиёрий келишувининг натижаси ҳисоблаган ҳолда, буни одамларнинг «ихтиёрий бўйсунитиши» ҳам деб ҳисоблайди.⁴ Чунки, унингча, акс ҳолда ҳар бир одам ҳокимликка интиланган бўларди. Бу эса, жамиятдаги тартибнинг, барқарорликнинг бузилишига олиб келарди. Шунинг учун давлатни бошқариш одамларнинг «ихтиёрий бўйсунитишини тақозо қилади». Албатта, Беруний ихтиёрий бўйсунитиш деганда бир гуруҳ одамларнинг иккинчи бир гуруҳ одамлар устидан зўравонлиги, адолатсизлиги ва зулм қилишга ҳақли эканликларини таъкидламайди. «Ихтиёрий бўйсунитиш» дан мақсад жамиятдаги турли табақалар, гуруҳлар, умуман жамият фуқароларининг ҳамкорликда, ҳамжихатликда, келишувда фаолият кўрсатишларини ва бу билан одамлар ўртасидаги низо-жанжаллар, бебошликлар тугатилиб, жамиятда ижтимоий барқарорлик вужудга келишини таъкидлайди.

Берунийнинг шахс ва жамият муносабатлари масаласидаги қарашларининг катта ижтимоий-маънавий аҳамияти яна шундаки, унингча, одамларнинг шунчаки жамоага уюштишлари ва биргаликда ҳаёт кечиришлари уларнинг эҳтиёжларининг қондирилиши учун кифоя эмас. Улар ўз эҳтиёжларини қондиришлари учун биргаликда меҳнат қилишлари керак. Шуниси муҳимки, Беруний фикрича ақлнинг ўзи бу инсонларга берилган пассив неъматдир. Ёлғиз ақлнинг ўзи инсоннинг жамиятдаги олий даражали мақомини тўла-тўқис амалга ошира олмайди. Инсон ўз ақли ёрдамида ва унинг кўрсатмаларига мувофиқ меҳнат қилгандагина жамият олдидаги ўз бурчи ва вазифасини амалга ошира олади: «Хоҳиш-истак меҳнат туфайли, фазилат ва олийжанобликка эришиш бирон бир қимматли нарсани (буни ҳам меҳнат деб тушуниш мумкин – Х.,Я) сарфлаш билан эгалланади».¹ Демак, жамият барқарорлиги ва равнақини таъминлашда, шахс ва жамият, турли табақалар ва гуруҳлар муносабатларини уйғунлаштиришда энг асосий ва муҳим омил – жамиятдаги барча фуқароларнинг ижтимоий-фойдали меҳнат билан

⁴ Беруний. Минералогия. 1963. – Б.27.

¹ Беруний Минералогия. 1963. – Б.9.

шуғулланишидир. Мутафаккирнинг ушбу ғоялари ҳозирги давримиз учун ҳам катта маънавий-тарбиявий аҳамиятга эга.

Берунийнинг шахс ва жамият муносабатларига оид қарашларида оила ва никоҳ, оила аъзоларининг муносабатлари ҳақидаги ғоялари ҳам муҳим ахлоқий-тарбиявий аҳамият касб этади.

Беруний оилани жамиятнинг бирламчи бўғини, асоси деб ҳисоблайди. Ҳар бир инсоннинг ўзига турдош ва ўхшаш жонзотга интилиши ўз уруғини (ўзидан насл қолдиришга – Х.,Я) давом эттириш эҳтиёжини туғдиради. Инстинктив интилиш асосида оила вужудга келади. Оила эса, никоҳ асосида мустаҳкамланади. Беруний никоҳсиз ҳаёт инсон табиатига зид бўлиб, инсонни энг тубан ахлоқий таназзулга олиб келувчи бир ҳолатдир, деб ҳисоблайди: «Халқлардан бирон миллат ҳам никоҳдан ҳоли эмасдир. Никоҳ ақлан хунук бўлган сифат – урғочисини қизғаниш ва талашиш каби [ёмон аҳволларга] йўлиқишдан сақлайди; ҳайвонларнинг бир-бирига қарши қўзғатадиган сабабларни кесиб, ҳалокатга тушувдан қутқаради. Кимки ҳайвонларнинг жуфтланганини ва ҳар бир ҳайвон ўз урғочисини қўриқлаб, бошқа ҳайвонларни йўлатмаслигини ва ундан бегона ҳайвонлар ҳам умид узишини ўйласа, ақл-идроксиз ҳайвонлардан тубан даражада қолишидан ор қилиб, зинодан сақланади ва никоҳни жуда ҳам лозим топади. Инсонларнинг тартибсиз (никоҳсиз – Х.,Я) яшашлари ҳайвонлар ҳолатидан ҳам тубан бўлган шармандали ҳолдир».¹

Беруний фикрича, оила шунчаки жуфт-жуфт ҳолда яшаш бўлмай, балки ақлга эга бўлган, ўз ҳолатини тушунишга қодир бўлган моҳиятларнинг бирлашувидан вужудга келган бирликдир. Шундай экан оила аъзолари ўртасидаги муносабат ҳам ана шу ҳолатга асосланиши керак.

Умуман Берунийнинг шахс ва жамият, жамиятдаги турли табақа ва гуруҳлар, оила, барча инсонлар ўртасидаги муносабатлар масаласидаги қарашларининг бош тамойили инсоний мурувват, яхшиликка интилишдир: «Яхшиликка интилиш мурувватлиликнинг, олийжаноблиликнинг ўсгани сари кучаяверади ва яхшилик жамики одамларга...яхшилик қилишдан иборатдир. Қўл калталиқ қилганда, яхши ният билан, имкон йўл берганда эса, бевосита амалий-хайрли иш билан яхшилик қилмоқ лозим»;² «Мақтовга сазовор ҳолат-ҳаракатларнинг минтақаси

¹ Беруний. Танланган асарлар. Ҳиндистон II-том.-Т.: “Фан”, 1965. – Б.409.

² Беруний. Минералогия, 1963. – Б.11.

мурувватдир, мурувватлилик ғилдирагининг ўқи эса софлик ва саранжомлик - сафолиликдир».³ Айтиш жоизки, Берунийнинг ушбу фикрлари катта маънавий-ахлоқий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлиш билан бирга, келгуси мутафаккир ва шоирларнинг ижодларидаги ахлоқий қарашларига ҳам каттга таъсир кўрсатди. Бунинг исботи сифатида Берунийнинг юқоридаги фикри билан Бобурнинг қуйидаги байтидаги фикрлар ўртасидаги ўхшашликни кўрсатиш мумкин.

Бори элга яхшилик қилгилки, бундан яхши йўқ,
Ким дегайлар: «Даҳр аро қолди фалондин яхшилик».

Берунийнинг турли ирк, миллат ва диний эътиқодга мансуб кишилар ўртасидаги муносабатлар масаласида диний бағрикенглик ҳис-туйғулари билан йўғрилган ғояларига келсак, улар динлараро ҳурмат-эҳтиром ва ишонч, халқлараро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик, мамлакатлараро тинчлик-тотувлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи улкан мафкуравий ва ғоявий аҳамиятга ҳам эгадирлар.

Аввало Берунийнинг ислом динидан бошқа динларга эътиқод қилувчи халқларга нисбатан катта ҳурмат-эҳтиром намунасини ифодаловчи бир маълумотни келтириб ўтмоқчимиз. Беруний насроний (христиан) динидаги несторианлар мазҳабида илк ўрта асрларда одат бўлиб қолган ғайриахлоқий бир хатти-ҳаракатни қоралаган ҳолда, умуман насроний динидаги қавмларнинг мактовга сазовор ҳаёт тарзларига эга эканликларини таъкидлайди: «Биз Аллоҳдан дўст ёки душман бўлишидан қатъий назар бирон кимсани ҳақорат қилишдан сақлашни сўраймиз. Шу жумладан ҳаёт тарзлари камтарлик, ҳақгўйлик ва барчага нисбатан меҳр-мурувват ҳислари билан йўғрилган насронийларни ҳам ҳақорат қилишдан сақлашни сўраймиз».¹

Ҳақиқатан ҳам бу диний бағрикенглик, бошқа динларга эътиқод қилувчиларга нисбатан улкан ҳурмат-эҳтиромли муносабатда бўлиш ва шунга даъват этишнинг юксак намунасидир. Берунийнинг фикрича, одамлар жисмоний – ирқий жиҳатдан ҳар хилдирлар, бу табиий. Лекин бир халқни бошқа халқдан афзал кўриш ва улар ўртасида нифок, ихтилоф яратишга уриниш инсонни ҳақоратлашдир, табиатга ва ҳақиқатга зиддир. Масалан, бир халқни иккинчи бир халқдан устун қўйиш тарафдори бўлган бир «тарихчи» ҳақида ғазаб билан шундай ёзади: «Унинг (юқорида) айтиб ўтилган китобидаги гапи у билан

³ Ўша китоб. Б.20.

¹ Беруни. Избран. произв. Изд-во Фан, Том VI. Т.1979. – С.140.

эронликлар орасида душманлик ва гиналар борлигидан далолат беради. Чунки, у «араблар эронликлардан афзал» дейиш билан қаноатланмай, ҳатто уларни энг хор, энг паст, энг тушкун миллат, кофир ва ислом душмани деб, худо «тавба» сурасида саҳроийи арабларни ёмон тавсиф этганидан ҳам баттарроқ ёмонлаган ва уларга турли қабихликларни нисбат берган. Агар у эронликлардан афзал қилиб кўрсатган миллати (халқининг) аввалини (тарихини) озгина фикрлаб эслаганда эди, бу икки халқ ҳақида чегарадан ўтиб гапирганларининг аксарида, албатта, ўзини-ўзи ёлғончи қилган бўларди»². Беруний «Ҳиндистон» асарида ўз миллатидан бошқа ҳамма халқларга паст назар билан қаровчи бир гуруҳ ҳақида ҳам шундай ғазаб ва нафрат билан ёзади: «Аҳмоқлик бедаво бир касалликдир. Уларнинг эътиқодича, дунёда ўз ерларидан бошқа ер йўқ, ўз элатларидан бошқа халқ йўқ, ўз подшоҳларидан бошқа подшоҳ йўқ, ўзларидагидан бошқа илм йўқ ва динларидан бошқа дин йўқ. Улар ўзларини кибр билан тутиб, билимсиз қоладилар...»¹.

Берунийнинг турли миллат, элат ва диний эътиқодга мансуб халқлар ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш борасидаги ушбу ғоя ва даъватлари бир томондан ҳозирги давримиз учун ҳам катта мафкуравий ва ғоявий аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан маълум тарихий ҳақиқатга асосланганлиги билан ҳам эътиборга лойиқ. Ушбу фикрнинг исботи сифатида Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрини келтирмоқчимиз: **«Минг йиллар мобайнида Марказий Осиё ғоят хилма-хил динлар, маданиятлар ва турмуш тарзлари туташган ва тинч-тотув яшаган марказ бўлиб келди...»**

Айни шу заминда кўп асарлар мобайнида жаҳон маданиятлари дунё миқёсида бир-бирини бойитган. Бу ерда кўчманчи халқлар ўтроқ халқлар билан эронлик қабилалар турк қабилалари билан мусулмонлар насронийлар ва яхудийлар билан кўп асрлар бирга яшаб келганлар»².

Илк ўрта асрларда Форобий, Ибн Сино, Берунийлар томонидан ишлаб чиқилган шахс ва жамият муносабатларининг назарий масалалари Марказий Осиё Уйғониш даврининг иккинчи босқичида (XV-XVI асрлар) Жомий (1483-1530), Навоий (1441-1501), Бобур (1483-1530), Жалолиддин Давоний (1427-1502),

² Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. Том I. «Фан», Т.: 1968. – Б.283.

¹ Беруни. Индия. «Фан», Том II.-Т.: 1963. – С.67-68.

² **Каримов И.А.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, Т.6.-Т.: «Ўзбекистон», 1998. – Б.128-129.

Камолиддин Биноий (1453-1512), Воиз Кошифий (1505 йилда вафот этган) лар томонидан давом эттирилди ва янги ғоялар билан бойитилди. Уларнинг фикрича, инсон фақат жамиятда, ўзгалар билан бирга, ижтимоий муҳитда шаклланиши ва тарбия кўриши мумкин. Ёлғиз одамга мусибат ва кулфатларни енгил, турмуш қийинчиликлари билан курашиш қийин бўлади. Унинг бир ўзи ўлимга маҳкумдир.

Халқ ишига гар бу намудор эрур,
Бир киши топмоқ иши душвор эрур.
Бир киши андоқ кишиким бир киши,
Тузгай анинг бирла маваддат иши.³

«Одамлар бирлашиб, бир-бирига ёндошганда бошқалар тўғрисида чинакамига қайғуради, ўзаро ёрдам ва алоқа ўрнатилганда адолатнинг синалган йўллари пайдо бўлади, яшаш воситалари тартибга тушади, кишиларнинг аҳволи мустаҳкамланади ва инсон зоти сақланади».¹

Мазкур давр мутафаккирлари истисносиз ҳамма бир-бирига ёрдам қиладиган, одамлар ўратсидаги муносабатлар ўзаро келишувга асосланган, худбинлик, амалпарастлик, зулм тугатилган адолатли жамият ҳақида орзу қилганлар. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, улар адолат ҳақидаги қарашларини ислом дини, шариат аҳкомларига татбиқ қилган ҳолда баён қилганлар. Улар шариат аҳкомлари, мусулмон ҳуқуқшунослигини одамлар ўртасида адолатли муносабатлар ўрнатишнинг ўта муҳим вазифаси деб билганлар. Уларнинг нуқтаи-назарича шариат аҳкомлари ҳақиқий инсоний муносабатларга эришиш, жамиятда тартиб ўрнатиш, бировларнинг бошқаларга нисбатан зулм қилмаслик ва бошқалар ҳуқуқини топтамасликка, ўзининг мавқеини суистеъмол қилиб, ўз шахсий манфаатлари учун адолатсизлик ва ҳақсизлик қилганларни аёвсиз жазолашга чақиради.

Айтиш жоизки шариат ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ижтимоий-сиёсий тузумни барқарорлаштиришда энг асосий омил бўлиб хизмат қилган. Шу муносабат билан таниқли исломшунос олим Е.А.Беляевнинг қуйидаги фикрини келтирамиз: «Ислом ва мусулмон ҳуқуқининг ўзига хослиги шунда ифодаланадики, у кўпгина маданиятли халқлар яшаган ҳудуддаги маълум давр ижтимоий борлигини акс эттиради. Бу халқларнинг ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалари ва олдинги маданиятларнинг таъсири ўрта асрлар мусулмон маданиятининг

³ А.Навоий. Асарлар. Т.6: Ҳамса. Ҳайрат-ул аброр, Т.: 1965. – Б.101.

¹ Аликулов Х. Давоний.-Т.: “Ўзбекистон”, 1992. – Б.30.

равнақи ва унинг инсоният маданий тараққиётидаги бениҳоя аҳамиятининг асосий сабабларидир».²

Биз мазкур бобнинг I бандида шахс ва жамият муносабатларини уйғунлаштиришда ижобий аҳамиятга эга бўлган шариат кўрсатмалари, шу жумладан «Ҳидоя» да чиқарилган жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва иқтисодий раванқни таъминлашда амалий натижасини ҳам кўрсатганлиги, хусусан Амир Темур ўз давлатчилик фаолиятида Марғиноний ҳукмлари асосида иш тутиб, мамлакатнинг иқтисодий ва маданий ривожига улкан ҳисса қўшганлиги ҳақида тўхталиб ўтган эдик.

Шахс ва жамият муносабати масаласини диний мутассибликка, халқлараро адоватга қарши дўстлик-тотувлик, диний бағрикенглик, адолат тамойиллари нуқтаи-назаридан ўз давлатчилик фаолиятида қўллашга ҳаракат қилган шоир, мутафаккир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурдир. У бу борада катта илмий қимматга эга бўлган асар ҳам ёзган мутафаккирдир. Бобурнинг шариат масалаларига бағишланган йирик назмий асари «Мубаййин» дир.

Бу китобим – ким эҳтимом эттим,
Жадду жаҳд айлабон тамом эттим.
Чун байон эттим анда шаръиййот,
Не ажаб гар дедим «Мубаййин» от.¹

Ушбу асар билан танишиб чиқиш шундан далолат берадики, Бобур закот бериладиган аҳоли табақалари, закотдан кўзланган ижтимоий мақсад, аҳоли қатламларидан олинадиган солиқ турлари ва миқдори ҳақида шундай ғояларни баён қилганки, улар оқибатда мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашда ўз амалий натижасини кўрсатган. Шу муносабат билан шарқшунослар тарихчи олима С.Азимжанованинг ушбу асар ҳақидаги қуйидаги фикрини келтирамиз: «Бобур ўз асарига давлатни бошқаришдаги бир қўлланма сифатида қараган. Бу китобда баён қилинган хулосалар фақат давлат солиқ хизматини барқарорлаштиришга ёрдам берибгина қолмасдан, унинг мақсади ва амалий натижаси – халқ оммаси ҳаёт шароитларини яхшилаш, уларни феодалларнинг турли тажовузкорона ўзбошимчаликларидан муҳофаза қилишдир».²

Бобурнинг шахс ва жамият муносабатлари масаласида олиб борган ички сиёсати турли ирқ, миллат ва диний эътиқодга мансуб

² Шарль Р. Мусульманское право // Предисловие Е.А. Беляева.-М.:1958. – С.9.

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мубаййин. Т.2000. – Б.5.

² С.Азимжанова. Бобур и его труд Бабурнаме.// В кн. Бабурнаме. Записки Бабура. Т.:1994. – С.19.

бўлган халқлар истиқомат қиладиган Ҳиндистон давлати учун нафақат ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда, шу билан бирга халқлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, динлараро ҳурмат-эҳтиром муросасозлик ришталарини мустаҳкамлашда улкан маънавий ва ғоявий аҳамиятга ҳам эга эди. Айтиш мумкинки, Бобурнинг Ҳиндистондаги қисқа муддатли ҳукмронлик давридаёқ бу борада маълум ижобий натижаларга эришилди. Бобурийлар салтанати кейинги ҳукмдорлари – Ҳумоюн, Акбаршоҳ, Шохжаҳонлар ҳукмронлиги даврида ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий ҳаётнинг турли жабҳаларида яна ҳам кенг кўламда ўзининг амалий ифодасини топди. Бу ҳақда кўпгина нуфузли манбалар ва тадқиқотларда маълумотлар мавжуд. Буларнинг барчаси шундан далолат берадики, Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихида шахс ва жамият, инсоннинг ижтимоий моҳияти, жамиятнинг турли табақа ва гуруҳлари ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш масалалари мутафаккирлар дунёқарашида илғор анъаналарга бой бўлиб, уларни талқин қилишнинг мезони, тамал тоши – инсонпарварликдир.

Мазкур бобда ёритилган масалалар таҳлилидан хулоса қилиш мумкинки, аввало исломий қадриятлар - Қуръон, ҳадис ва фикҳ (мусулмон ҳуқуқшунослиги) да ва улар асосида ишлаб чиқилган шариат кўрсатмаларида шахс ва жамият муносабати ҳурмат ва эҳтиромга сазовор қилиб яратилган ижтимоий моҳият сифатидаги инсоннинг барча ҳуқуқларини, шу жумладан моддий ва маънавий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадига қаратилгандир. Бу нарса бир томондан шахс ва жамият муносабатларининг турли жабҳаларида ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга хизмат қилган бўлса, иккинчи томондан, одамларни меҳр-шафқат, мурувват, ўзаро ҳурмат-эҳтиром ва ишонч, дўстона муносабатларга даъват этиши билан шахс ва жамиятнинг маънавий камолот сари юксалишига маълум даражада таъсир кўрсатган. Шахс ва жамият муносабатлари масаласида диний бағрикенгликка ва халқлараро ҳамжиҳатликка даъват этувчи ғоялар эса, динлараро муросасозлик ва халқлараро ҳамкорлик ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Улар демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилишни мақсад қилиб олган Ватанимизда ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятига эга бўлиб қолмоқда.

Шахс ва жамият муносабатларининг назарий масалалари ўрта асрларда Марказий Осиё мутафаккирлари томонидан мавжуд ижтимоий-иқтисодий, тарихий-сиёсий ва маданий-маънавий

воқеликка татбиқ қилинган ҳолда ишлаб чиқилди ва илк ўрта асрлардаёқ жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашда, шахс ва жамият муносабатларини уйғунлаштиришда ўзининг айрим ижобий амалий натижаларини берди. Уларнинг ўша давр шароитида маълум даражада илмий асосга қўйилган ушбу масаладаги ғоялари ҳозирги давримиз учун ҳам баъзи аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДИННИ СИЁСИЙЛАШТИРИШНИНГ МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ВА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИККА ТАҲДИДИ, УНГА ҚАРШИ КУРАШ ВОСИТАЛАРИ

Сўнгги 3-бобда мустақиллик шароитида миллий хавфсизликка таҳдид солаётган турли сиёсий кучлар, диний ҳаракатлар ҳақида фикр юритиб, мамлакатимизга кейинги йилларда кириб келган диний экстремистик, террористик ҳаракатларнинг асосий моҳияти ва генезисига эътибор қаратилади. Айниқса, диннинг бунёдкорлик мазмунини бузиб, ўз ғаразли ниятлари йўлида фойдаланишга уринаётган кимсалар, фаолиятининг асоссизлиги илмий таҳлил қилинади. Ислом дунёсида, унинг таълимотини сиёсийлаштиришга қаратилган ғоялар ва уринишларининг асоссизлиги ашёвий далиллар билан исботланади. Истиқлол йиллари бундай таҳдидларни олдини олишда Республикамиз Президенти И.Каримовнинг фаолияти ва асарлари муҳим аҳамият касб этганлиги кўрсатилади.

3.1. Диний экстремизмнинг шахс ва жамият муносабатлари уйғунлигини таъминлашдаги зарарли оқибати

Юқоридаги бобда нисбатан батафсил таҳлил қилганимиз, ислом динининг ижтимоий ҳаётнинг деярли барча жабҳалари каби шахс ва жамият муносабатлари масаласида ҳам

инсонпарварлик, адолатпарварлик нуқтаи-назаридан ёндошилган ғоялари халқимизнинг ўтмиш тарихида ҳам, ҳозирги даврда демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш жараёнида ҳам муҳим маънавий-ахлоқий ва ғоявий аҳамиятга эга бўлиб келмоқда.

Аммо, тарихдан, шу жумладан ислом дини ривож тарихидан маълумки, айрим ҳолларда ундан фақат эзгу мақсадлардагина фойдаланиб қолмасдан, тубан мақсадларда ҳам фойдаланилган. Ана шундай ҳодисалардан бири диндан маънавий-ахлоқий, маърифий мақсадлар учун эмас, балки сиёсий мақсадлар учун фойдаланишдир. Тарихда диндан бундай қарама-қарши мақсадларда фойдаланишнинг, унинг ҳозирги даврда фожиали оқибатларининг назарий, методологик масалалари Президентимиз И.А.Каримов томонидан 1997 йилдаёқ «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида ишлаб чиқилди. Чунончи, Президентимиз тарихда диндан вайрон қилувчи куч сифатида ҳам фойдаланилгани ҳақида шундай ёзади: **«Афсуски, инсоният тарихида диний онгнинг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифатида эмас, балки вайрон қилувчи куч, ҳатто фанатизм (ўта кетган мутаассиблик) сифатида фойдаланилганини кўрсатувчи мисоллар кўп»**.¹

Шунингдек, Президентимиз ислом дини ҳозирги даврда ҳам муайян Ўзбекистон шароитида жамиятимизнинг ижтимоий, маданий-маънавий тараққиётида улкан хизмат қилиши ва хизмат ҳам қилаётганини таъкидлаган ҳолда, ислом динидан ҳокимият учун кураш воситаси сифатида фойдаланаётган айрим кучларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли катта хавф сақланиб қолаётганини ҳам таъкидлайди: **«Бир томондан, ислом динининг маданий қадриятлари ва анъаналари, жаҳон миқёсида ислом дини қолдирган жуда улкан маънавий мерос нафақат минтақамизнинг тарихий ривожланишига кўп жиҳатдан қўшилган ҳиссасини, балки унинг ҳозир шаклланиб бораётган, сифат жиҳатдан янги қиёфасини ҳам белгилаб бермоқда.**

Иккинчи томондан, ислом динидан сиёсий кураш учун, омманинг сиёсий онгига таъсир кўрсатиш воситаларига эга бўлиш учун қурол сифатида фойдаланилади. У бир туғ

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, Т.6-Т.: “Ўзбекистон”, . 1998. – Б.54.

вазифасини бажаришга қодир. Бу туғ остида эса аниқ бир дастурий мақсадларни изловчи эмас, балки фақат бир кўрсатмага – ҳокимият учун кураш олиб бориш ҳақидаги кўрсатмага амал қилувчи кучлар бирлашади».²

Шу нарса диқатга сазоворки, Президент И.А.Каримов катта назарий ва методологик аҳамиятга эга бўлган юқоридаги фикрларни баён қилишда, бир неча нуфузли Ғарбий Европалик экспертларнинг ушбу масалада олиб борган тадқиқотлари ва билдирган фикрларини ҳам эътиборга олганлигини алоҳида таъкидлайди: **«Бу борада Марказий Осиёнинг янги мустақил давлатларида диннинг, хусусан ислом динининг роли тўғрисида Ғарбий Европалик экспертларда шаклланган фикр эътиборга молик. Уларнинг фикрича, Марказий Осиё халқларининг миллий жиҳатдан тикланиши даврида ислом бир-бирига қарама-қарши вазифаларни бажаришга қодир. Зотан, четдан туриб билдирилган фикр кўпинча кўзгудаги аксини кўрмоқдан кўра яхшироқ ва фойдалироқдир».**¹

Демак, демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳозирги даврдаги муҳим мафкуравий, ғоявий ва хатто маълум даражада сиёсий аҳамиятга эга бўлган вазифалардан бири – динни, шу жумладан, Ўзбекистонда ислом динини сиёсийлаштиришга қарши кескин ва изчил кураш олиб боришдир. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А.Каримов диндан аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадрият сифатида фойдаланишимиз билан бир қаторда, ҳеч маҳал ундан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўя олмаслигимиз керак. Динни, шу жумладан, ислом динини сиёсийлаштиришнинг таҳдиди, фожевий ижтимоий-сиёсий оқибати нималарда, қандай ижтимоий жабҳаларда ўзини намоён қилади? Юртбошимиз, ушбу жараённинг энг биринчи ва бирламчи зарари – миллий хавфсизликка ва ижтимоий барқарорликка таҳдиддир, деб таъкидлайди: **«Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин, биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва ҳуқуқшуносликка аралашиш учун байроқ бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни**

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, Т.6-Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – Б.57.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, Т.6-Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – Б. 56-57.

давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз».²

Шуни айтиш жоизки, динни сиёсатлаштиришга йўл қўймаслик ҳақидаги ушбу ғоя Ўзбекистон давлати ва ҳукумати ички ижтимоий сиёсатининг муҳим тамойилларидан бири сифатида расмий ҳужжатлаштирилган. Чунончи, Ўзбекистон давлати диний конфессиялар билан ўзаро муносабати тамойилларининг бирида «диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш», - деб таъкидланади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг методологик аҳамиятга эга бўлган юқоридаги таъкидлари кейинги йилларда динни сиёсийлаштиришнинг Ўзбекистонда юз берган муайян воқеалар, уларнинг фожеавий оқибатлари билан боғлиқ ҳолда қатор бошқа асарларида ҳам давом эттирилди ва янги назарий ғоялар билан бойитилди. Улар динни сиёсийлаштиришга қарши курашнинг нафақат сиёсий, маъмурий ва ҳуқуқий чора воситалари ҳамда вазифаларини, шу билан бирга унга қарши мафкуравий ва ғоявий жабҳаларда ҳам кураш олиб боришнинг чора-тадбирлари ва вазифаларини белгилаб беришда муҳим дастурул амал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ҳозирги даврда, Ўзбекистонда ислом динини сиёсийлаштиришнинг энг даҳшатли фожеавий оқибати шундаки, ушбу жараён мафкуравий ва ғоявий жабҳаларда диний ақидапарастлик (фундаментализм) ҳамда ўта кетган мутаассиблик (фанатизм) ни байроқ қилиб, сиёсий жабҳада диний экстремизм асосида келиб чиқувчи терроризмдан асосий қурол ва восита сифатида фойдаланишдир. Бунда, «мақсад воситани оқлайди» деган тамойил ёрдамида ҳар қандай тубан, разил ва жирканч воситаларни қўллашдан ҳам қайтмасликдир.

Шу муносабат билан россиялик тадқиқотчи Д.В.Ольшанскийнинг террорчиликнинг маънавий моҳиятини ифодаловчи қуйидаги фикри диққатга сазовордир: «...терроризм ўз шафқатсизлиги, мақсадга изчил интилувчанлиги ва ташқи томондан етарли даражада самарадорлиги билан ажралиб турувчи зўрлик ишлатиш, айниқса сиёсий зўрлик ишлатишнинг алоҳида шаклидир».¹ Оқибатда бу жараён муайян бир мамлакат, минтақа ҳудудидан чиқиб, халқаро терроризм тусини олиши

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, Т.6-Т.: “Ўзбекистон”, . 1998. – Б.59.

¹ Ольшанский Д.В. Психология терроризма. Издательский дом. “Питер”, 2002. – С.193-194.

ҳақидаги ушбу муаллифнинг қуйидаги фикри ҳам диққатга сазовордир. «...ҳамма террористик ташкилотларнинг вужудга келишида баъзи муайян сиёсий, мафкуравий ва психологик (руҳий) омиллар мавжуд. Бу омиллар ўзаро боғланган қуйидаги тушунчалар занжирининг халқаларидир: радикализм-экстремизм-терроризм. Давримизнинг реал воқелиги бунга илгари намоён бўлмаган янги бир бўғинни – фундаментализмни киритди. Бунинг оқибати ўлароқ, ушбу занжир халқасининг охирида биз терроризмни кўрамиз. Қандайдир хусусий, ҳудудий ёки гуруҳий эмас, балки, халқаро воқелик сифатидаги терроризмни кўрамиз».²

Демак, сиёсатда радикализм муайян шароитларда сиёсий экстремизмга айланиш имкониятига эга бўлганидек, динда ҳам мутаассибликнинг нисбатан «асосли» кўринишларидан бўлган фундаментализм диний экстремизмга айланиб кетиши мумкинлигига ҳозирги даврда турли мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам вужудга келган ва фаолият олиб боришга ҳаракат қилаётган турли экстремистик гуруҳлар фаолиятида ҳам ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. Хусусан, сўнгги йилларда Ўзбекистонда турли «шиор», «ғоя», баҳонаю важлар ниқобида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари диний фундаментализм асосларига таянган динни сиёсийлаштириш ҳаракатининг оқибатидир. Шундай экан, динни сиёсийлаштиришнинг ғоявий ва мафкуравий асосларидан бири бўлган фундаментализмнинг давлатимиз хавфсизлиги, жамиятимиз ижтимоий барқарорлиги, шу жумладан, шахс ва жамият, турли ижтимоий табақа ва гуруҳлар, барча фуқаролар муносабатларининг уйғунлигига путур етказувчи оқибатлари ҳақида ҳам бироз тўхталиб ўтмоқ зарур. Айтиш жоизки, ушбу масаланинг ҳам барча назарий жиҳатлари Президентимизнинг юқорида эслатиб ўтганимиз асарида батафсил баён қилинган. Юртбошимиз кўрсатишича, улар жамият ва шахс ҳаётининг, шахс ва жамият муносабатларида қуйидаги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Биринчидан, ақидапарастликни ёйиш орқали диндор мусулмонларнинг ислоҳотчи давлатга ишончини йўққа чиқариш; иккинчидан, фундаменталистларнинг адолат ҳақидаги асоссиз даъватларига ишонувчилар ўзгалар иродасининг қули бўлиб қолишлари мумкинлиги. Натижада, қулларча мутеълик, шахснинг эрксизлик асоратига тушиб қолиши, фикрлаш, ҳаракат қилиш ва ташаббус кўрсатиш эркинлигининг мутлақо чеклаб қўйилиши; учинчидан, мамлакат

² Ўша китоб. С.166.

минтақалари асҳолиси ва ижтимоий қатламлар ўртасида «ҳақиқий» ва «сохта» диндорлик белгилари бўйича қарама-қаршилик келтириб чиқаришда кўринмоқда. Бундай ҳол, Жазоирда, Афғонистонда миллатларнинг парчаланишга олиб келди. Тўртинчидан, ўзларини чин мусулмон, дин учун курашувчилар деб ҳисоблайдиган, мудҳиш тасаввурларни халқимизга зўрлаб қабул қилдиришни истайдиган террорчилар, жангариларнинг янгидан-янги авлодларини вужудга келтиради; бешинчидан, мусулмон ва номусулмон мамлакатлар, уларнинг жамоатчилиги орасида ҳам Ўзбекистон ҳақида кўнгилни совутадиغان фикр туғдиришга уринишларда намоён бўлмоқда; олтинчидан, ислом цивилизацияси билан исломий бўлмаган цивилизация ўртасида ялпи қарама-қаршиликни шакллантиришда намоён бўлмоқда. Бу эса, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш жараёнларига ғоят салбий таъсир кўрсатмоқда; еттинчидан, омманинг онгида дин барча иқтисодий, сиёсий ва халқаро муаммолар ҳамда зиддиятларни ҳал қилишнинг универсал воситаси деган фикрни қарор топтиришда кўринмоқда.¹

Диний фундаментализмнинг Ўзбекистон мамлакати миллий хавфсизлиги, ижтимоий барқарорлиги, иқтисодий тараққиёти, халқаро нуфузи ва ниҳоят фуқароларнинг маънавий юксалишига тўсиқ бўладиган ушбу зарарли оқибатлари ислом динини сиёсийлаштириш борасида турли экстремистик гуруҳлар, ташкилотлар фаолиятида ҳам яққол ўз ифодасини топмоқда. Бунга сўнгги йилларда мамлакатимизнинг ҳудудларида амалга оширилган террористик ҳаракатлар ва уларнинг фожеали оқибатлари гувоҳлик беради.

Шахс ва жамият ўзаро алоқадорлигини сиёсийлаштириш билан боғлиқ бўлган исломдаги йўналиш, мазҳаб ва фирқаларнинг пайдо бўлиш масаласига олимларимизда турлича ёндашув мавжуд. Масалан, тарих фанлари доктори, профессор А.Хасановнинг ёзишича, «VII-VIII асрларда биринчи навбатда мусулмончиликка ўтган халқларнинг таъсири туфайли ислом таълимотининг баъзи масалалари бўйича ғоявий баҳслар, ихтилофлар юзага келди».²

XX асрга келиб мусулмон мамлакатларида ислом омилининг жонланиши ҳаттоки радикал исломнинг шаклланишига олиб келди. Бу жараённинг бошланиши ва

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, Т.6.-Т.: “Ўзбекистон”, . 1998. – Б.59-60-61.

² Хасанов А. Маънавиятимиз илдизлари ва ислом //Ислом: бағрикенглик ва мутаассиблик. Тўплам.-Т.: 1998. – Б.22.

моҳияти ҳақида олимларимизда турлича фикрлар мавжуд. «Дипломатический ежегодник» тўпламида таъкидланишича, ислом ролининг ошиши (исломнинг жонланиши) мусулмон мамлакатларининг сиёсий ҳаётида 60 йилларнинг ўрталарига тўғри келади.³

Ислом таълимотида шахс ва жамият ўзаро алоқадорлигини дин орқали сиёсийлаштиришга олиб келган сабаблар бизнинг фикримизча, биринчидан, кўпгина мусулмон мамлакатларининг бу даврга келиб, мустамлака асоратидан қутулиши ва ўз мустақил тараққиёт йўлига кириши бўлди; иккинчидан, мустамлака асоратидан қутилган халқлар топталган диний қадриятларни тиклаш эҳтиёжи, ўзлигини англашга интилиши намоён бўлди; учинчидан, социалистик тузумнинг барбод бўлишидан фойдаланган баъзи сиёсатшунослар, давлат арбоблари ислом таълимотини сиёсийлаштириб, турли диний фирқалар, гуруҳлар тузиб, шахс ва жамият мафкурасини ўз ғаразли ғоялари билан захарлашга, мавжуд тузумларга қарши курашишга чорладилар.

XX асрнинг охириги чорагида, айниқса Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эга бўлиши даврида ҳудудимизга турли диний ҳаракатлар, уюшмалар кириб келди. Улар шахс ва жамият муносабатларини ўз мақсадлари йўлида ўзгартириш, аксарият ҳолларда эса конституцион ғояларга қарши иш олиб бориб, халифалик давлатини қуришни режалаштирган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Диний ишлар қўмитасининг маълумотига кўра, мамлакатимизда ғайриқонуний фаолият кўрсатган диний ташкилотлар қуйидагилар:

- «Хизбут таҳрир ал-исломий» («ислом озодлик партияси»).

- «Ваҳҳобийлик» - диний-сиёсий оқим.

- «Нурчилар» - диний-жамоат.

- «Акротийлар» - диний радикал оқим.

- «Эъдот» ваҳҳобийлик кўринишидаги диний радикал оқим.

- «Хизбун Нусра» («ғалаба партияси») - ҳизбут таҳрирдан ажралиб чиққан, диний-сиёсий партия бўлиб, Ўзбекистонда жуда қисқа вақт фаолият кўрсатган, раҳбарлари ҳибсга олингандан сўнг фаолияти тўхтаган.

³ Дипломатический ежегодник.-М.: Научная книга, 1997. – С.62-89.

- «Адолат» - диний реакцион ташкилот, 1989 йили Наманганда ташкил топган.

- «Ислом лашкарлари».

- «Ислом уйғониш партияси».

- «Ислом биродарлари». 1989 йили тожик мухолифати раҳбари Сайид Абдулла Нурий томонидан тузилган.

- «Мусулмон биродарлари» (Ал – Ихвон ал-муслимин). Диний-сиёсий ташкилот 1928 йилда Хасан ал-Банно томонидан ташкил топилган.

- «Таблиғ». Мазкур диний уюшмага Покистонда асос солинган.

- «Тавба». 1991-1995 йилларда яширин ҳаракатлар қаторида 50-300 кишилик аъзолари билан Фарғона водийсида фаолияти аниқланган.

Бу партиялар, диний ҳаракатлар ва уюшмалар-гуруҳлар қандай ном билан аталмасин, уларнинг мақсад ва вазифалари битта, у ҳам бўлса, исломни байроқ қилиб олиб, ўз ғаразли ниятини амалга ошириш учун унга диний-сиёсий тус бериш. Улар динни сиёсийлаштириш билан чекланмай, ўз ҳаракатида экстремистик, террористик усулни қўллайдилар.

Ислом таълимотини сиёсийлаштириш орқали диндорлар сафидан экстремистик, террористик жангариларни тайёрлаш улар ғоясининг асосини ташкил этади. Бунда ҳаётий тажрибаси кам, маълумоти суст, динга мойиллиги бўлган ёшларни (алоҳида шахс) сифатида танлаб олиб, миясини ғаразли фикрлар билан захарлаб, мавжуд ижтимоий тузумни вайрон этиб, келажакда шахс ва жамият муносабатларида халифалик давлати тузилиб, унда шахсга катта амаллар бериш каби пуч ёнғоқлар билан қўйини тўлдиради. XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларидаги тажриба шуни кўрсатадики, диний экстремистик ҳаракатларнинг бундай иғвокорона, пуч ваъдаларига ишониб, алданиб қолган анчагина кишилар ва айниқса, ёшлар борлиги маълум бўлди. Уларнинг тақдирлари аянчли бўлиб яқунланди.

Гарчи, бу экстремистик ташкилотларнинг барчаси ҳам турли хил ҳарбийлашган гуруҳлар ва шаҳобчаларга бўлиниб кетган бўлмасада, уларнинг мафкуравий қарашларида умумийликни кўриш мумкин. Хусусан, шахс ва жамият муносабати масаласида фуқароларнинг турли табақалари, гуруҳлари, оила аъзолари, ёшлар онгига таъсир ўтказишдаги ҳатти-ҳаракатлари, даъватлари жамиятда беқарорлик муҳитини келтириб чиқариш, фуқаролар онгини захарлаб маънавий

парокандалик ва руҳий фалажликка етаклашдан иборатдир. Биз, юқоридаги диний гуруҳлар ва уюшмаларнинг барчасини экстремистик фаолиятлари ва уларнинг салбий оқибатлари ҳақида батафсил тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз. Аммо, юқоридаги фикримизнинг исботи сифатида айрим маълумотларни келтириб, ўтиш жоиз деб ҳисоблаймиз. Чунончи, сўнгги йилларда Ўзбекистонда қатор террористик ҳаракатлар уюштирган «акромийлар» нинг бош ғояси – фақат Аллоҳга итоат этиш. Пайғамбар ҳадисларига риоя этиш, ота-онани ҳурмат қилиш, давлат бошқарувига риоя қилишларни рад этган ҳолда фақат оқим сардорига итоат этишдир. Оқим сардори Ақром Йўлдошев томонидан ишлаб чиқилган дастур («Иймонга йўл») да оқимнинг моҳияти, мақсад ва режалари ёритилган.¹

«Ақромийлар» нинг юқоридаги ғоя ва даъватлари фақат мафкуравий жиҳатдан эмас, балки маънавий жиҳатдан тубанлигини кўрсатувчи бир далилдир. Ахир, ислом динининг, шариатнинг Қуръони Каримдан кейин ақидавий, ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий, маърифий асосларининг иккинчи манбаи, асоси, таянчи бўлган ҳадисларни, яъни Пайғамбар кўрсатмалари ва йўл-йўриқларини инкор этиш қайси бир иймонли мусулмон эътиқодига мос келади? Ахир, бу шаккоклик эмасми? Шунингдек, улар ота-онага ҳам итоат этмаслик ҳақидаги даъватлари билан ҳам ўзларини фош қилмоқдалар. Ахир, саҳобалардан бири Пайғамбардан «Нима қилсам Аллоҳ мендан рози бўлади?» деб уч марта қайта-қайта сўраганида «Онани рози қил!» деб жавоб берганлари ҳақидаги ҳадисдан мамлакатимиз мусулмон фуқароларининг деярли барчаси хабардор бўлгани ҳолда, наҳотки улар беҳабар бўлса? Асли, шаккоклик шу эмасми? Бу риёкорликнинг намунасидир.

Энди, уларнинг ҳар қандай давлат бошқарувини инкор қилиб, фақат оқим сардорига бўйсунитиш лозимлиги ҳақидаги даъватларига келсак, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган барча террорчи экстремистик гуруҳлар учун сабоқ бўладиган бир тарихий ҳақиқатни келтирмоқчимиз. Академик Қори-Ниёзий «Улуғбек ва унинг илмий мероси» китобида шундай бир тарихий лавҳани келтиради: «Бир куни сайид Ошиқ Самарқандда ваъзхонлик қила туриб, Мирзо Улуғбекка қаттиқ-қаттиқ ўғит-насихат қилади. Шунда Улуғбек ундан сўрайди: «Айтингчи, Сайид, ким ёмонроқ - менми ёки Фаръавн?» Сайид жавоб беради: «Фиръавн ёмонроқ». Мирзо яна сўрайди: «Энди айтингчи, ким

¹ Бу ҳақда батафсил маълумот учун қarang: Пахрутдинов Ш. Таҳдид ҳалокатли куч. -Т.: «Академия», 2000. – Б.18

яхшироқ - Мусоми ёки сизми?» Сайид жавоб беради: «Мусо яхшироқ». Шундан кейин, Мирзо унга мана бу саволни беради: «Оллоҳ таоло Мусо пайғамбарга Фиръавнга қаттиқ-қаттиқ гап айтма ва ҳатто «у билан гапни юмшоқ қил» деб фармойиш берганда нима учун Мусо пайғамбардан ҳам пастроқ бўлган жанобингиз Фиръавндан баландроқ бўлган менга бу қадар қўполлик қиялпсиз?» Сайид мулзам бўлиб, ҳеч нима дея олмайди»¹ (Қори-Ниёзий бу маълумотни нуфузли тарихий манбалардан ҳисобланмиш Абу Тоҳир Хожанинг «Самария» китобидан олган – Х.,Я).

Исломда масала шундай тарзда қўйилган ҳолда террорчи экстремистик гуруҳларнинг халқнинг эркин хоҳиш-иродасининг, танлаган йўлининг ифодаси бўлган давлат тузумига қарши бош кўтариш ва ҳатто қонуний йўл билан сайланган Президент ҳаётига суиқасд уюштириш нафақат қонунчиликка зид бўлган оғир жиноят, шу билан бирга ҳақиқий ислом эътиқодига зид бўлган маънавий тубанликдир.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ислом ниқоби остида фаолият кўрсатаётган террорчи гуруҳлар ва ташкилотларнинг ҳатти-ҳаракатлари ва даъватларида ислом учун «қайғуриш», ҳақиқий ислом маънавиятига асосланган фуқаролик жамияти барпо қилиш ҳақида гап кетаётгани йўқ. Уларнинг, бу ҳатти-ҳаракатлари ва даъватларидан мақсад ҳокимиятни қўлга олишдир. Мафкуравий ва ғоявий шиорлари эса – исломни сиёсийлаштиришдир. Бунга эришиш воситаларидан бири эса, шахс ва жамият, фуқаролар ва давлат, жамиятдаги турли табақалар ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни кескинлаштириб, аввало, жамиятда беқарорлик муҳитини вужутга келтиришдир. Яна бир мисол сифатида «Тавба» диний экстремистик гуруҳининг фаолияти ҳақида қисқа маълумот келтирмоқчимиз. Бу гуруҳ аслида Боку шаҳрида ташкил қилинган бўлиб, қатор йиллар давомида Фарғона водийсида фаолият олиб борган, ваҳҳобийлик ҳаракатини қўллаб қувватлаган. Бу гуруҳ фаолиятининг ҳам асосий тамойиллари аҳоли орасида конституциявий тузумга қарши кайфият уйғотиш, куч ишлатиш орқали ҳокимиятга эга бўлиш мақсадида террорчилик ҳаракатларини амалга оширишдир. Жиноий уюшма фаолиятини Абдували Йўлдошев билан Исоқ Жабборов деган жиноий шахслар йўналтириб турган. Ушбу гуруҳ ҳатти-

¹ Қори-Ниёзий. Улугбек ва унинг илмий мероси.-Т.: “Ўзбекистон”, 1971. – Б.82.

ҳаракатлари ва даъватларининг ижтимоий, сиёсий ва мафкуравий асослари қуйидаги тамойиллардан иборат:

- мусулмонларнинг ягона миллати ислом бўлиб, улар бошқа ҳеч қандай миллатларга бўйсунмайдилар;

- ислом фақат мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларнигина эмас, балки сиёсий ва соф дунёвий муаммоларни бартараф этишда ҳам бош омил бўлиб хизмат қилиши зарур;

- мусулмонларнинг диний ва дунёвий турмушини ўзида мужассамлаштирган ягона ҳокимиятни ташкил этиш;

- мусулмонлар ўзларидан бошқа ҳеч бир дин вакиллари билан ҳамкорликка бормайдилар;

- шариат қонунлари барҳаёт, уни замон муҳитига мослаштириш ёки енгиллаштириш бидъатдир.¹

Демак, «тавбачилар» нинг ҳам дастури мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ўрнатилишига зид даъватлардангина иборат бўлиб қолмасдан, турли динга мансуб мамлакатлар халқлари, ҳатто бир мамлакат ичидаги турли динга мансуб фуқаролар ўртасида ҳам адоват, низо-жанжаллар келтириб чиқаришга қаратилгандир. Бу бир томондан мамлакатимиз миллий хавфсизлиги ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорлиги учун таҳдид туғдирса, иккинчи томондан, унинг иқтисодий равнақи учун ҳам катта тўсиқ бўлиб хизмат қилиши мумкин. Зеро, улар мусулмонлар ўзларидан бошқа ҳеч бир миллат вакиллари билан ҳамкорликка бормайдилар, деб даъват қилишлари билан ватанимизнинг жаҳоннинг турли тараққий қилган мамлакатлари билан иқтисодий, савдо молиявий, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорлиги, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим воситаларидан бири эканлигини инкор қиладилар. «Шариат қоидалари барҳаёт, уни замон муҳитига мослаштириш бидъатдир», деб таъкидлашлари ҳаёт воқелигига зид, назарий жиҳатдан ғайри-мантикийдир. Бу нарсa ислом динининг, шариатнинг шахс ва жамият муносабатларидаги ёндошишларига ҳам тааллуқлидир. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Диннинг юксак ролини эътироф этиш билан бирга, диний дунёқараш тафаккурининг, инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш зарурдир. Дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам у билан ёнма-ён ва у билан тенг

¹ Пахрутдинов Ш. Таҳдид ҳалокатли куч-Т.: “Академия”, 2000. – Б.107-108.

яшаш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ривожланиб келган».¹ Шу билан Президент И.А.Каримов диннинг ҳеч маҳал ижтимоий ҳаётдан ташқарида яшай олмаслигини, маълум даражада ижтимоий ҳаёт билан ҳамнафас бўлишга интилишини, замон руҳига мослашишни таъкидлаб шундай ёзади: **«Жамият ҳаётининг бир қисми бўлган дин ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан муқаррар равишда муносабатда бўлган. Уларга таъсир кўрсатган ва ўзи ҳам бошқа соҳаларнинг таъсирига дуч келган. Ҳозир мавжуд бўлиб турган диний тартибларнинг кўпчилиги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий бурилишлар, тангликлар даврида шаклланганлиги бежиз эмас».**²

Ҳақиқатан ҳам, инсоният ўз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида буюк тараққиётларга эришаётган, ажойиб илмий кашфиётлар қилаётган, бутун жаҳон мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий ҳаётида тез суръатлар билан интеграциялашув жараёнига интилаётган бир пайтда ўтмишга қайтиб халифалик тузумини ўрнатишга, ҳамма ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ислом дини асосида, яъни шариат кўрсатмалари асосида ҳал қилишга, ёшларимизни диний мутаассиблик руҳида илм олишга, мусулмонларнинг бошқа динга эътиқод қилувчи халқлар билан ҳамкорлик қилмасликка даъват этиш, бирон-бир соғлом мафкурага мос келиши қийин. Бу фақат мамлакатимиз миллий хавфсизлиги ҳамда ижтимоий барқарорлигига таҳдид бўлибгина қолмасдан, балки юртимиз иқтисодий ва маданий тараққиётига, халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътиборининг ортиб боришига ҳам таҳдиддир. Шахс ва жамият масаласида ислом динини сиёсийлаштиришга бўлаётган ҳатти-ҳаракатларнинг улкан маънавий, мафкуравий ҳамда ғоявий зарари ҳам ана шунда.

Андижон воқеаларининг таҳлилидан, шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларни кескинлаштиришига олиб келувчи объектив ва субъектив омиллар яққол кўзга ташланади. Бунда, биринчидан, жамиятда вужудга келган қийинчиликлар, чорасизликлар, муҳтожликлар, ишсизликлар ва бошқаларни мавжуд тузумни ўзгартириш орқали тузатиш мумкин, деган фикрни фуқароларга (тўғрироғи диндорларга) сингдириш учун ислом таълимотини сиёсийлаштириш асос қилиб олинган;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, Т.6-Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – Б.53.

² Каримов И.А. Ўша асар. //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, Т.6-Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – Б.54.

иккинчидан, бу террорчилик гуруҳларига йўналтириш «Акромийлар» ва бошқа чет элдаги диний-сиёсий партиялар орқали амалга оширилган.

Шахс ва жамият ўзаро алоқадорлигини сиёсийлаштиришдан келиб чиқадиган нафақат салбий, балки мудҳиш аянчли воқеаларнинг келиб чиққанлигини Андижон воқеаларида кўрдик. Бунда турли шаклдаги диний-сиёсий ҳаракатлар ўз фаолиятини шахслар билан иш олиб бориб, ўз ғоя ва мақсадларининг онг ва шуурига сингдиради. Шахс диний эътиқодига суяниб, ижтимоий ҳаётдаги камчиликлар, етишмовчиликлар, қийинчиликларнинг содир бўлиши, бир томондан кишилардаги диний эътиқоднинг сустлашиб кетганлиги бўлса, иккинчи томондан, мавжуд конституцион тузумнинг айби деб тушунтирадilar. Шунинг учун аксарият шу тоифадаги диний-сиёсий ҳаракатларнинг дастури мазмунида мавжуд тузумга қарши курашиш асосий мақсад қилиб олинади.

Шуни айтиш жоизки, Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришганларидан сўнгги даврларда, исломга ва унинг қадриятларига маҳаллий халқларнинг муносабати анча фаоллашди. Шахс ва жамият муносабатларида исломий қадриятлар миллий мансубликка хос деган тенденция тобора ривожлана борди. Бу борада миллийлик билан динийликни фарқлаш у ёқда турсин уларни бир тушунча деб қабул қилиш оддий диндорларга хос хусусият бўлди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, 1980 йиллардан бошланган ислом таълимоти ва қадриятларига нисбатан халқлар ўртасида шаклланган тенденцияни уч асосий категорияга бўлиш мумкин: 1) «анъанавий ислом», 2) «давлат қувватлайдиган ислом», 3) «радикал ислом».¹

Марказий Осиёда яшовчи мусулмонларнинг кўпчилиги анъанавий исломга эътиқод қиладилар. Ислом талабларини тўлиқ бажариш ва етарли бажармаслик, уларнинг диндорлик даражасига боғлиқ. Аммо, исломий қадриятларни миллий қадриятлар қаторида қабул қилиш, диний эътиқодга мансублик ота-боболаримиздан қолган одат сифатида қабул қилинади. Лекин, бу категориядаги диндорларда ислом таълимотидан ғаразли ниятларда фойдаланиш, уни сиёсийлаштириш ҳолатлари бўлмайди. Аксинча, бунда мусулмон кишилар ўртасида яхшилик

¹ Ислам и светское государства. Материалы международного научно-теоретического симпозиума состоявшегося 5-6 июня. 2002г. В мемориальном комплексе Имама ал Бухари, Республики Узбекистан-Т.: 2002. – С.104.

уруғини сочишга ҳаракат қилиб, бу хусусиятни шахс ва жамият муносабатларида қўллашга ҳаракат қиладилар.

Марказий Осиё давлатларида «давлат қувватлайдиган ислом» эса мустақил давлатларнинг конституцияларида ўз ифодасини топган. Бу ҳолат виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ва давлатнинг амалдаги бошқа қонунларида мустаҳкамланган.

Учинчи тенденция – «радикал ислом» тушунчасида кўпроқ «соф ислом» ни ҳимоя қилиш байроғи остида тўпланган ваҳҳобийлар кўзда тутилади.

Россиялик таниқли сиёсатшунос олим Алексей Малашенко «Неприкосновенный запас» номли журнал муҳбири билан 2002 йилда «ислом ва сиёсат» мавзусидаги суҳбатида шундай фикрни билдирган: «Ислом радикал мафкурасининг ислом давлатини тиклаш ғояси ҳеч қандай реал асосга эга эмас».² Аналитикларнинг фикрига қўшилган ҳолда, шуни таъкидлаш лозимки, радикал исломнинг ислом давлатини (халифаликни) тиклаш утопия эканлиги ҳақида жуда кўп сиёсатшунос ва диншунос олимлар муҳим хулосалар чиқарганлар.

Аммо, Ғарбий Европа исломшунослигида исломизм ҳақида турли мунозарали фикрлар билдирилмоқда. Айрим мутахассислар исломизм ислом тараққиётида ўтиб кетган босқич десалар, бошқалари кўпчилик мусулмон аҳолиси қашшоқликда яшашда давом этар экан «жиҳодизм» ғояси тобора кучайиб боради, демоқдалар. Алексей Малашенконинг фикрича, фундаменталистлар ёки исломистлар баъзи малакатларда: Жазоир, Эрон, Тожикистонда баъзи кўтарилишларни намоён қилган бўлсаларда, уларнинг охир оқибати натижасиздир.¹

Олимлар ўртасида ушбу муаммонинг атамалари хусусида ҳам мунозаралар давом этмоқда. Масалан, «исломизм», «фундаментализм», «неофундаментализм», «ваҳҳобизм», «неоваҳҳобизм» ва бошқалар. Бу билан, ушбу ҳаракатларнинг мазмун-моҳияти ўзгаргани йўқ.

«Неоваҳҳобизм», «неофундаментализм» масаласида А.Малашенко икки ҳолатга эътибор қаратди: 1. Ислом социал феномен сифатида давом этади, бинобарин, сиёсийлашган дин бўлиб қолмоқда; 2. Биз динни давлатдан, сиёсатдан шунчалик ажратиб қўйдики, энди уни ўз ўрнига қайтариш вақти келди. Ислом давлатини тузиш утопия, аммо бу утопия учун курашиш

² «Неприкосновенный запас» // М.: 2002. - №6.

¹ «Неприкосновенный запас» // - М.: 2002. - №6.

доимо давом этади. Шу нуқтаи-назардан сиёсий ислом, ислом фундаментализми ҳеч қачон йўқотилмайди,² деган фикрни ёқлайди.

Олимнинг бу фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки, мустақил давлатларнинг, шу жумладан, Ўзбекистоннинг давлат сиёсатида динга бўлган муносабат, виждон ва эътиқод эркинлиги халқаро ҳужжатлар асосида шакллантирилиб, у ўзининг конституцияси ва қонунларида қафолатланган. Миллий давлатимиз ўз истиқбол режаларида исломнинг инсонпарварлик ғояларидан фойдаланиши билан мамлакатда тинчликни сақлаш, турли миллат ва элатлар ўртасида ҳамжихатлик, дўстлик ипларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Айни вақтда, турли норасмий диний ҳаракатларнинг шахс ва жамият, давлат ривожини учун зарарли томонларини систематик фош этиб, халқлар ўртасидаги кенг маданий-маърифий ишларни йўлга қўяди. Модомики, шундай экан, «сиёсийлашган ислом», «ислом фундаментализми» ни абадийлаштириш ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ҳақиқатдан узоқдир.

Шунинг учун ислом таълимотини сиёсийлаштириш муаммосига, диний фундаментализмга баҳо беришда умумжаҳон миқёсида эмас, балки ҳар бир мамлакатнинг конкрет шароитидан келиб чиқиб ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

Россия муфтияти кенгашининг раиси Равил Гайнутдин 2002 йили Россиядаги ислом ташкилотлари мамлакатда миллий хавфсизликни таъминлашга қўшадиган ҳиссалари ҳақида фикр юритиб, Россияда содир бўлаётган террористик ва экстремистик ҳаракатларни «ислом экстремизми», «ислом радикализми» каби атамалар билан баҳолаш барча структураларда, айниқса оммавий ахборот воситаларида одат тусига кириб қолганлигига эътибор қаратди. Унинг фикрича, сиёсий экстремизм аввал бошиданок дин билан, хусусан ислом билан боғлиқ, деб қаралиши мумкин эмас. Муфтий тўғри таъкидлаганидек, «ислом экстремизми», «ислом терроризми» дейилганда исломнинг гуманистик характерини қўллаб келаётган жаҳондаги миллион-миллион мусулмонлар виждон эркинлигини, эътиқодини ва ҳуқуқини камситган бўламиз. Шу боисдан муфтий исломни байроқ қилиб террористик ҳаракатларни амалга оширувчиларга нисбатан «псевдоисламский» ёки «псевдорелигиознўй» атамаларини қўллашни таклиф этади.¹

² «Неприкосновенный запас» // - М.: 2002. - №6.

¹ WWW. .muslim.ru.2002., - С.2.

Ана шундай қилинганида жаҳондаги тинчликсевар, эзгу ниятли мусулмонлар билан исломни сиёсийлаштириб, ўз ғаразли ниятлари йўлида фойдаланилаётганларни фарқлай оламиз. Шунинг учун биз ҳам бу фикрга қўшиламыз.

Марказий Осиёдаги мустақил далаатларда шахс ва жамият муносабатларига, давлатнинг ривожига сиёсийлашган исломнинг таъсирини ўтказишга уриниш мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ бошланган эди. Давлатлар ўртасида иқтисодий, маданий-сиёсий алоқаларнинг янги даври очилган эди. Чет эл вакиллари, олимлари, санъат усталари, талабаларни қабул қилиш ва бошқа мамлакатларга чиқаришнинг реал имконияти вужудга келади. Бундай шароитда мустақил давлатларнинг халқлари орасида исломни кенг тарғиб қилиш, ўз ғояларини сингдиришга интилувчи миссионерлар ҳам борлиги кузатилади. Бунинг ижтимоий зарарли моҳиятини халқимиз тўғри тушуниб етди. Унга биринчилардан бўлиб Ўзбекистон раҳбарияти ўз муносабатини билдирди. 1992-1993 йилларда Саудия Арабистонидан келган 50 га яқин ана шундай миссионер тарғиботчиларнинг фаолияти чеклаб қўйилди.

Мутахассисларнинг фикрича, Марказий Осиёда исломизмни тарғибот қилиш 1970 йилларнинг бошидаёқ бошланган. Масалан, 1974 йили Тожикистонда исломизм ғояларини тарғиб қилувчи яширин ёшлар ташкилоти – «нахзати исломий» ташкил топди. 1980 йиллардан бошлаб Марказий Осиёда чет эл ислом ташкилотларининг моддий ва маънавий раҳнамолигида хусусий ислом мактаблари кўпая борди.¹

Динни, хусусан исломни байроқ қилиб, унинг таълимотини сиёсийлаштиришга ҳаракат қилаётган сиёсий кучлар мавжудки, улар экстремистик ва террористик ҳаракатларнинг жонланишига сабабчи бўлмоқдалар. **Юртбошимиз И.Каримов тўғри таъкидлаганидек, «Авваламбор, нафрат ва террорчилик мафкурасини яратаётган кўп сонли радикал ва экстремистик марказларга, одамларнинг онгини захарлаётган, айтиш мумкинки, бўлажак террорчиларни тайёрлайдиган бамисоли конвейр яратаётганларга қарши курашиш зарур».**²

Бундай сиёсий кучлар ҳаракатининг мазмунида халифалик давлатини тиклаш ғояси ётади. Ўрта аср халифалик давлатини

¹ Малдашев О.А. Приоритетные проблемы нетрадиционных угроз безопасности Центральной Азии в условиях глобализации. Автореф. Дисс. канд. полет наук – Бишкек, 2003. – С.11.

² **Каримов И.А.** Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимиз, ҳамжамиятлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ, Т.12 – Т.: «Ўзбекистон», 2004. – Б.346.

тиклашни мақсад қилиб олган диний ҳаракатлардан бири «ҳизбут таҳрир ал-исломий» диний ташкилоти шундай бир фикрни ўртага ташлайди: «Халифалик давлати тикланмас экан, мусулмонларнинг ибодати, иймони иймон эмас»,³ дейди. Бу беъманиликни таърифлашга ҳожат бўлмаса керак. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) нинг халифалик давлати 30 йил давом этади, деган башоратларини тарих исботлади: халифалик мендан сўнг умматим ичида 30 йилдир, ундан сўнг подшоҳлик бўлади. (Имом Аҳмад «Муснади», Имом Термизий» «Сунани», Абу Яъло, Ибн Ҳиббонлар саҳоба Софийна орқали ривоят қилган Саҳиҳ ҳадис) ларда башорат қилганлар».⁴

Бу ва шунга ўхшаш диний уюшмаларнинг халифалик давлатини тиклаш ҳақидаги ғоялари ҳеч қандай илмий асосга эга бўлмаган утопиядир. Алалхусус, уларнинг ғоялари шахс ва жамият ривожига демократик, инсонпарварлик дунёқарашларига зид келади, халқимизни янги жамият куриш йўлидан чалғитишга ҳаракат қилади.

1999 йил 16 феврал воқеалари муносабати билан Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг республика мусулмонларига мурожаатномасида жуда тўғри таъкидланганидек, «Ислом дини – одамларни доимо яхшиликка, эзгу ишларга чорлаб келгани туфайли асрлар мобайнида юксак маънавият ва миллий анъаналаримиз мустаҳкамланишига хизмат қилиб келган. Элимиз иймон эътиқодининг бутунлиги жамият маънавий поклиги гаровидир».¹

Ислом таълимотини сиёсийлаштириш билан шуғулланувчи радикал исломистлар ўзларининг экстремистик ҳаракатлари билан демократик жамиятда тинч-тотув яшаётган турли миллат ва диний эътиқодга мансуб халқлар, шу жумладан, мусулмон аҳли кўнглига ғала-ғовур солмоқчи бўлдилар, шахс ва жамият муносабатларини кескинлаштириб, соддадил ёшларни ўз тарафига оғдириб, ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уриндилар.

Диний фундамистлар исломни байроқ қилиб, сиёсий мақсадда фойдаланишдан ташқари, ислом таълимотига ғаразли ниятларига мос «қўшимча» лар киритмоқчи бўладилар. Маълумки, ислом манбаларида аркон ад-дин кўрсатмаларида бешта мусулмончилик талаблари: имон келтириш, намоз ўқиш,

³ Ҳусниддинов Зухриддин Ислом йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар-Т.: «Моварауннаҳр». 2000. – Б.50.

⁴ Ўша китоб. 2000. - Б.51-52.

¹ Ўзбекистон мусулмонлари идораси. Ўзбекистон мусулмонларига мурожаатномасида. //Ўзбекистон овози 1999, 18 феврал сони.

рўза тутиш, закот бериш, имкон бўлса ҳаж қилиш белгиланган. Диний фундаментализм тарафдорлари эса ислом динига давлат дини мақоми берилган айрим мамлакатларда бу талабларга қўшимча «жиҳод», «мужоҳид» атамасини киритишга уринмоқдалар. Уларнинг мақсади фақат «соф» ислом учун курашиш эмас, балки диндан ўз сиёсий мақсадлари йўлида фойдаланишдан иборат бўлиб қолмоқда. «Бу ҳаракат ислом таълимоти бўйича фатво чиқарувчи айрим марказлар томонидан мусулмончиликнинг олтинчи қондаси даражасига кўтарилган».² Бундан Ўзбекистонда фаолият юритаётган террорчи гуруҳлар ҳам мустасно эмас. Халқимизнинг динга нисбатан муносабатининг кейинги йиллардаги ўзгариши шундан далолат берадики, ислом таълимотини сиёсийлаштириш орқали диний фундаментализм ва экстремизмни тарғиб қилувчиларга ўз мустақил фикрини очиқ-ойдин айтадиган бўлди. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази мустақилликнинг 14 йиллиги арафасида ўтказган ижтимоий сўровида диққатга молик фикрлар айтилган. Аҳолининг кўпчилиги диний экстремизм ва террорчиликни давлатимиз мустақиллигига асосий хавф, деб жавоб берган.

Тадқиқот бўйича, сўралганларнинг аксарияти давлат ҳокимияти террорчилик кўринишлари хавфини бартараф этишига амин бўлган ва сўралганларнинг 86,3 фоизи мамлакат муҳофаза қудрати юртимизда хавфсизлик ва ҳудудий дахлсизликни таъминлашига ишонган деб жавоб берган.¹

Жамоатчилик фикри шахслар фикрининг йиғиндисидан ташкил топади. Бунда аввало кўрилаяётган масалага шахс ва жамият муносабатларидаги фикр-мулоҳазаларнинг яқинлиги муҳим аҳамиятга молик. Ислом таълимотини сиёсийлаштиришнинг экстремистик ҳаракатларга олиб келишининг ижтимоий моҳиятини тушунишда шахс билан жамиятдаги фикрларнинг уйғунлиги асосида бу масалага 86,3 фоиз муносабат билдирилган.

Бу халқимиз ижтимоий онгида шаклланган ва шаклланаётган янги жамият қуришнинг ижобий жиҳатлари ва унга тўсқинлик қилишга шайланаётган турли диний ҳаракатларнинг моҳиятини тушуниб етганлигини, ҳар қандай

² Лукмонов А. Фундаментализм: тушунчалар муаммоси //Ислом, бағрикенглик ва мутаассиблик. Т.: 2001. – Б.35.

¹ Ижтимоий фикр жамоатчилик фикрини ўрганиш Республика маркази. //Халқ сўзи газетаси, 2004. - 28 август.

экстремистик ҳаракатларнинг олдини олишга тайёр эканлигини билдиради.

Ушбу параграфда келтирилган маълумотлар ва уларнинг таҳлилидан қуйидаги хулосага келиш мумкин:

Биринчидан, ислом таълимотини сиёсийлаштириш орқали шахс ва жамият ижтимоий онгига таъсир кўрсатиш ҳаракати ислом пайдо бўлган дастлабки йиллардаёқ турли даражада бўлганлиги тарихдан маълум. Бу ҳаракатлар жамият тараққиётининг турли босқичларида ижтимоий ҳаёт ва эҳтиёжга мос ҳолатда ўз шакли ва йўналишини ўзгартирган бўлса-да, аммо моҳияти ўзгармаган, асосий мақсади исломни кенг тарғиб қилиш ва ислом давлатини (халифалик давлатини) ўрнатиш бўлган; иккинчидан, XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида динни сиёсийлаштириш, хусусан ислом таълимотини сиёсийлаштиришнинг шаклланиши Шарқ ва Ғарб мамлакатларида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт натижасида ижтимоий онгнинг ўзгариши, араб мамлакатларида ислом дини ва унинг қадриятларини кенг ёйиш ва мустаҳкамлаш ҳаракати сабаб бўлган бўлса, Марказий Осиё мамлакатларида СССРнинг парчаланиши билан мустақил давлатнинг дастлабки йилларида ҳосил бўлган мафкуравий бўшлиқ сабаб бўлди; учинчидан, ислом миссионерлари, чет элдаги ташкилотлардан молиявий қувватланиб турувчи турли диний гуруҳлар ва ҳаракатлар ана шундай мафкуравий вакуумдан самарали фойдаланиб, ўзларининг ғаразли ниятларини амалга оширишга ҳаракат қилдилар; тўртинчидан, кейинги йилларда террористик ва экстремистик ҳаракатларни «ислом экстремизми», деб белгилаш оммавий ахборот воситалари ва расмий ҳужжатларда ҳам одат тусига кирди. Аслида, экстремистлар ислом номидан гапирсаларда, улар алоҳида гуруҳлардир. Шунинг учун уларни «псевдоисламский», «псевдорелегиознўй», деган атамалар билан белгилаш мақсадга мувофиқдир; бешинчидан, ислом таълимотини сиёсийлаштириш орқали бу динга эътиқод қилувчи шахсларга (айниқса, бу борада билими етарли бўлмаган ёшларга) ўз таъсирини ўтказишга уринувчи экстремистик гуруҳлар, диний уюшмалар ва ташкилотларнинг нияти фақат исломни тарғиб қилиш эмас, балки асл мақсади шахс ва жамиятга таъсир кучини ўтказиб, террористик кучлар билан бирлашиб халқлар ҳаётига катта мусибатлар келтирувчи қўпоровчилик ишларини содир этиб, ислом давлатини барпо этишдир.

Ислом таълимотини сиёсийлаштиришнинг салбий оқибатларга олиб келиш моҳиятини тушунган ҳар бир шахс динга бўлган эътиқодининг даражасидан қатъий назар бу жараёнга нисбатан ҳамма вақт ҳушёр туриши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ва кенг омма ҳамкорлигида бу офатга қарши курашиши мақсадга мувофиқдир.

3.2. Диний бағрикенглик - диний экстремизмга қарши курашнинг мафкуравий воситаси

Кейинги 20-25 йиллар давомида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий тараққиётида диний омилнинг кучайиб бориши туфайли жаҳонда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам динни сиёсийлаштириб, ўз ғаразли ниятларини амалга оширишга интилаётган гуруҳлар, турли диний ҳаракатлар ҳам кучайиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўшма мажлисида бундай ҳолатга йўл қўйиб бўлмаслиги ва уни таг-туғи билан йўқотиш зарурлигига алоҳида урғу бериб шундай деган эди: «...ислом динини сиёсатга айлантираётган, ёвузлик ва террорчилик мафкурасини яратаётган кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг, биринчи навбатда ёшлар онгини захарлаб, зомбига айлантириб, улардан террорчилар тайёрлаш бўйича конвейр ташкил этаётган, халифалик тузишдек турли хом ҳаёлларни амалга оширишга уринаётган қабих кучларнинг илдизларини қирқиб ташлаш керак».¹

Шунингдек, Президентимиз халифалик қуриш хом ҳаёл эканлигини ва бундай сафсатанинг зарурий тарихий жараёнлар оқимида, ҳатто оддий мантикий тафаккурга зидлигини таъкидлаб шундай дейди: «Бундай сохта, замирида ҳеч қандай асос бўлмаган сафсаталар ҳақида гапирганда, аввало бугун биз ХХІ асрда яшаётганимизни эсдан чиқармаслигимиз керак. Ва ҳозирги ўта мураккаб, шиддат билан ўзгариб, тараққий этаётган компьютер ва телекоммуникация даврининг минг йиллар олдин мавжуд бўлган шароит ва вазиятдан ер билан осмонча фарқи борлигини оддий одам ҳам тасаввур қилиши

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. //Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди, Т.13.-Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – Б.200.

кийин эмас».² Шу нуқтаи-назардан жаҳоннинг турли мамлакатларида фаолият кўрсатаётган дин ниқоби остидаги террорчи ташкилот «рахбарлари» ҳам, уларнинг Ўзбекистондаги издошу-маслакдошлари, аниқроғи гумашталари ҳам эҳтиросу-ҳиссиётлар таъсирига тушиб қолган ҳаёлпарастлардир. Аммо, сиёсат, мафкура, ғоявий кураш жабҳаларидаги носоғлом, маънавий тубан ҳаёлпарастлик, инсониятга, жамиятга жуда қимматга тушиши мумкинлигини унутмаслик керак. «Ҳиссиёт ва эҳтирослар таъсирига тушиб қолган инсон, - деб ёзади академик Э.Юсупов – бирор муаммони чуқур ақлий таҳлил этиш имконидан ҳам маҳрум бўлиб қолади. Бу эса, адолатсизликларга, беҳуда қон тўкишларга, давлат қабул қилган қонунларни оёқости қилишга олиб келади. Қонунни менсимаслик – уни қабул қилган жамиятни ҳам менсимасликдир».³

Ўзбекистонда ислом ниқоби остида ҳаракат қилаётган террорчи гуруҳлар ҳатти-ҳаракатининг жамиятимиз учун фожеали оқибати фақат ақидапарастлик асосига қурилган сиёсий тузум ва ҳуқуқий тартиботлар ўрнатишдангина иборат бўлиб қолмасдан, балки жамият аъзоларини маънавий парокандаликка ва ахлоқий таназзулга ҳам олиб келишда ҳамдир. Бу ҳақда Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида сўзлаган нутқида катта назарий ва маърифий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги фикрни айтади: **«Юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштириб, мантиқий бир хулосага келишимиз мумкин. Буларнинг барчасини сохта ғояларни тарқатиш, содда фикрлайдиган одамларни чалғитиш йўли билан бутун минтақалар ва дунёнинг харитасини ўзгартиришга, тинч яшаётган халқларни разолат ва жаҳолат замонига қайтаришга, ўз манфур мақсади йўлида ислом динини қурол қилиб олишга уринаётган ақидапараст «дохий»ларнинг маккорона ва ўта хавфли ўйини десак, асло хато бўлмайди».**¹ Ушбу фикрлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонга кириб келган юқорида зикр этилган барча оқимларнинг фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан жиноят, сиёсий

² Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизда, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ // (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида сўзлаган нутқ.) (Халқ сўзи 2002 йил 30 апрел). Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимиз, ҳамжамиятлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ, Т.12.-Т.: «Ўзбекистон», 2004. – Б.252.

³ Юсупов Э. Исломи қадриятлар ва диний экстремизм. Т.: 1998. – Б.10.

¹ Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва осойишталиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ // (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида сўзлаган нутқ.) (Халқ сўзи 2002 йил. 29 апрел); Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимиз, ҳамжамиятлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ, Т.12.-Т.: «Ўзбекистон», 2004. – Б.262

жихатдан қонунсиз, назарий жихатдан ҳозирги давр жамият тараққиёти қонунларига зид, мафкуравий жихатдан тубан ва ғайриинсонийдир. Шундай экан, жамиятда беқарорлик муҳитини вужудга келтираётган, шахс ва жамият муносабатларида одамлар ўртасида низо ва адоват уруғини сочаётган диний экстремистларнинг террорчилик ҳаракатларига қарши фақат маъмурий ва ҳуқуқий чоралар билангина эмас, балки мафкуравий, ғоявий чоралар билан кураш олиб боришни тақозо қилади. Айтиш жоизки, баъзи ҳолатларда бундай чора-тадбирлар маъмурий ва ҳуқуқий чора-тадбирларга нисбатан қийинроқ, лекин самаралироқ ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳақда Президентимиз И.А.Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитида сўзлаган нутқида шундай дейди: **«Биз ақидапарастлик мафкураси деб атайдиган ёвуз куч, биринчи навбатда ёшларимиз онгини эгаллаётган ва захарлаётган, уларни ўзининг итоаткор қулига айлантираётган мафкура йўлида мустаҳкам тўсиқ қўйиш бугунги кунда муайян жиноий гуруҳларни йўқ қилишдан кўра кўпроқ аҳамият касб этмоқда».**²

Албатта, диний экстремизмга қарши курашда мафкуравий, ғоявий чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишнинг зарурати, бу офатнинг олдини олишга ва бартараф қилишга ёрдам бериши билан бир қаторда шахс ва жамият муносабатларини уйғунлаштиради, энг муҳими жамиятда сиёсий барқарорликнинг яна ҳам мустаҳкамланишига хизмат қилади. Ана шундай мафкуравий ва ғоявий жихатдан кураш олиб боришнинг энг самарали ва таъсирчан воситаларидан бири мамлакатимиз фуқаролари, хусусан ислом динига эътиқод қилувчилар, айниқса, ёшлар онгига диний бағрикенглик ғояси ва ҳис-туйғуларини сингдириш ва мустаҳкамлашдир. Бу нафақат бизнинг жамиятимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик муҳитини вужудга келтиришда, мамлакатимизда яшовчи турли миллат ва диний эътиқодга мансуб фуқаролар ўртасида муносабатларни уйғунлаштиришда, ҳамда дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда, шу билан бирга турли мамлакатлар билан савдо, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик муносабатларни ўрнатиб, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият билан уйғунликда маданий ва иқтисодий тараққиётига ҳам катта ҳисса қўшади. Шунингдек, дунёнинг турли ирққа, миллатга,

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти саммитидаги нутқи. Биз танлаган йўл, демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли, Т.11.-Т.: “Ўзбекистон”, 2003. – Б.278.

динга мансуб халқлари билан ўзаро ишонч, ҳурмат-эҳтиром, дўстона муносабатлар ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан халқаро миқёсда ҳам катта мафкуравий ва сиёсий аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда диний фанатизм, фундаментализм ва экстремизмнинг кенг кўламда ёйилмаслигининг олдини олиш учун халқаро миқёсда ҳуқуқий меъёрлар асосида қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, виждон ва дин эркинлиги ҳақида инсон ҳуқуқи Умумий Декларацияси, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар халқаро Пакти, дин ва дунёқараш асосида вужудга келадиган камситиш (дискриминация)ларнинг турли шакллари тугатиш ҳақида декларация. Мана шу ҳужжатларга биноан виждон ва дин эркинлигининг моҳияти қуйидагилардан иборат:

1. Ҳар бир шахс фикр, виждон ва дин эркинлигига эга, яъни ҳар қандай дин ва дунёқарашни ўзи танлаш ва эътиқод қилиш эркинлигига эга. Шахсан ва бошқалар билан биргаликда, оммавий ёки хусусий тартибда ўз қарашларини баён қилиш ҳуқуқига эга. Диний, маросимий одатларни эркин бажариш ҳуқуқига эга;

2. Ҳеч ким шахснинг ўз ихтиёри билан бирон дин ва дунёқарашни танлаш ҳуқуқини камситмаслиги, уни мажбурламаслиги керак;

3. Динни тарғиб қилиш ёки ўз дунёқарашни баён қилиш эркинлиги қонун томонидан белгиланган ва ижтимоий хавфсизликни, тартибларни, ахлоқийликни ҳимоя қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳам ҳимоя қилиш зарур бўлгандангина чекланиши мумкин.

Демак, ҳар қандай шахснинг диний фаолиятига, дин, виждон, дунёқараш эркинлигига, агар у қонун ва ижтимоий хавфсизлик чегарасидан чиқмаса, давлат ҳам, айрим шахслар ҳам аралашмаслиги керак. Унга нисбатан маъмурий ва мафкуравий тазйиқ ўтказмаслиги зарур. Иккинчи томондан, ўз динига эътиқод қилувчи ва дунёқарашини тарғиб этувчи шахс ҳам жамият ва шахс хавфсизлиги, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солмаслиги зарурлиги таъкидланади. Масаланинг биринчи томонига келсак, Ўзбекистон давлати ва ҳукумати юқорида кўрсатиб ўтганимиз халқаро ҳужжатларга риоя қилган ҳолда халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўлиқ жавоб берадиган сиёсатини ишлаб чиқди. Унинг асосий тамойиллари

Президентимиз И.А.Каримов томонидан қуйидагича ифодаланган:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшма-ларининг хусусий иши деб тан олиш;
- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўллариини излаш зарурати;
- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.¹

Диндорлар ҳам ўз зиммаларига олишлари зарур бўлган масаланинг иккинчи томонига, яъни жамият ва шахснинг хавфсизлигига, ҳар бир шахснинг эътиқод ва дунёқараш эркинликларига таҳдид қилмасликка келсак, афсуски, сўнгги йилларда Ўзбекистонда экстремистик гуруҳлар томонидан амалга оширилган террористик фаолиятлар бунинг аксини кўрсатмоқда. Айрим дин намоёндалари дин эркинлиги ҳуқуқини давлат қонунлари ҳамда инсоннинг эътиқод ва дунёқараш ҳуқуқларини, инсоннинг тинч ва осуда ҳаёт кечириш ҳуқуқини чекланмаган тарзда бузиш эркинлиги деб тушундилар ва диний экстремизм томон юз ўгирдилар. Улар томонидан амалга оширилаётган экстремистик ҳаракатлар нафақат ижтимоий тартибларни издан чиқаришга, шу билан бирга шахснинг асосий ҳуқуқларини поймол қилишга ҳам қаратилгандир.

Ваҳоланки, қонун ва давлат ҳужжати сифатида қабул қилиниши лозим бўлган юқоридаги тамойиллар диний экстремизмнинг ғайриқонуний ва ғайриахлоқий ҳатти-ҳаракатлари на ҳуқуқий жиҳатдан, на маънавий жиҳатдан ҳеч қандай таянчга эга эмаслигидан далолат беради.

Диний мутаассиблик, фундаментализм ва экстремизмга қарши ғоявий, мафкуравий ҳамда маънавий-маърифий кураш чора-тадбирлари масаласига келсак, бу борада Ўзбекистонда амалга оширилган ва оширилаётган амалий ишлар маълум даражада ўз ижобий самарасини бериши шубҳасиздир.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, Т.6.-Т.: “Ўзбекистон”, 1998. – Б.58-59.

Маълумки, ҳозирги пайтда Ўзбекистонда расмий равишда давлат томонидан ҳуқуқий ҳужжатлаштирилган 16 та диний конфессия ташкилотлари фаолият юритадилар. Турли динга мансуб фуқаролар ҳуқуқий ва маъмурий жиҳатдан бирон тўсикқа, тазйикқа учрамаган ҳолда ўз эътиқодларига ибодат қиладилар. Уларни ҳуқуқий ва маъмурий жиҳатдан муҳофаза қилиш билан бирга, ғоявий ва маънавий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаш борасида ҳам катта маънавий-маърифий ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, сўнгги йилларда Ўзбекистонда машҳур мусулмон илоҳиётчи уламолар, мутасаввифлар шарафига бағишланган қатор анжуманлар билан бирга, христиан динининг саналарига, исломнинг бошқа динлар билан муносабати масалаларига бағишланган қатор республика ва халқаро миқёсдаги анжуманлар ўтказилди. Масалан:

- 1995 йилда «Бир осмон остида биргаликда яшамок учун» мавзусида христиан-мусулмон анжумани ўтказилди;

- 1996 йил ноябрда юртимизда Рус Православ Черкови Епархиал Бошқармасининг 125 йиллиги нишонланди;

- 1996 йил декабрда Ўрта Осиёда ягона бўлган Ўзбекистондаги Инжил-Лютериян черковининг 100 йиллиги нишонланди;

- 2004 йилда Ўрта Осиёдаги Конрад Аденауэр номидаги фонднинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси – Фридрих Науманн фондининг фаол иштирокида Самарқандда давлат, жамият ва диннинг ўзаро муносабатлари муаммоларига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди.

Айни вақтда, инсон ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита, Байналмилал маданият маркази, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганувчи маркази ва халқаро жамғармалар билан биргаликда 1999 йилдан бошлаб, деярли ҳар йили «Динлараро мулоқот – барқарорлик асоси» деб номланган семинарлар ўтказиб келмоқда.

Дин, виждон ва дунёқараш эркинлиги борасида мамлакатимизда амалга оширилган ва оширилаётган ушбу чоралар нафақат мамлакатимизда яшовчи турли хил миллатга ва динга мансуб фуқаролар ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда, шу билан бирга ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашда ҳам ўз самарасини бермоқда.

Сиёсий барқарорлик эса, жамият тинчлиги ва тараққиётини таъминлашдаги муҳим омиллардан биридир. Зеро

ҳар қандай мамлакат ўз сиёсий тизимини шакллантириб, ҳаётга жорий этишда «бағрикенглик» (толерантность) ни таъминловчи омиллардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилади. Шулардан бири диний бағрикенгликдир. Дин ва унинг бағрикенглик хусусияти инсоният тарихий тараққиётининг барча босқичларида, маънавий-маданий ҳаётнинг ривожига асосий омиллардан бири бўлиб келган. Шу боисдан дин барча мамлакатлар ва жамиятларнинг сиёсий барқарорлигини таъминлашга, маънавий-маданий, ҳаттоки иқтисодий тараққиётига ўз таъсирини ўтказиб келган.

Жамиятда сиёсий барқарорликни таъминлашнинг бугунги кунда кечиктириб бўлмайдиган муаммога айланишининг яна бир сабаби шундаки, XX аср охири чорагида дунё харитасида ўз сиёсий мустақиллигини тинч йўл билан қўлга киритган янги суверен давлатлар пайдо бўлди. Бу давлатлар ўз сиёсатида тарихий тажрибадан қолган фожеали оқибатларни бартараф қилиш, янги жамият тараққиётини таъминлашга қаратилган муаммоларни ҳал қилиш ва демократик тамойилларни қарор топтиришга интиломқдалар.

Бундай вазифани муваффақиятли амалга ошириш учун сиёсий барқарорликни таъминлаш зарурлиги ўз-ўзидан маълум. Сиёсий барқарорликни таъминлаш омилларининг ичида дин, диний бағрикенгликнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «**Энг муҳими, энг асосийси – халқимиз ўзининг сабру-матонатини, донишмандлиги ва бағрикенглигини, меҳнатсеварлик фазилатлари ва бунёдкорлик қудратини белгиланган мақсад сари, аввало ўз кучи ва салоҳиятига таянган ҳолда қатъият билан боришга қодир эканини бутун дунёга намоён этди**».¹

Тадқиқотчи З.Мунавваровнинг таъкидлашича, давлатимизнинг мамлакатимизда ҳуқуқий, демократик давлат бунёд этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида олиб бораётган одилona сиёсатида динга бўлган муносабатни белгиловчи тамойиллар Конституцион мезонларга асосланган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар ҳақида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунидан келиб чиқадиган иккита муҳим жиҳатига эътиборни қаратиш лозим: биринчидан, Ўзбекистонда янги «Жамият қуриш концепциясида дин маданий-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт в маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли, Т.11. – Т.: “Ўзбекистон”, , 2003. – Б.49.

маънавий омиллар умумий силсиласига кирувчи барча миллий қадриятлар қаторида тенг ҳуқуқли қадрият сифатида тан олинади. Иккинчидан, соф диний эътиқодларни қондиришдан ташқари ҳар қандай ғаразли мақсадларга эришиш йўлида диний омилдан фойдаланишга интилиш қатъиян ман этилади».²

Давлатимиз ички сиёсатининг диний бағрикенгликни таъминлаш йўлида ана шу икки принципал жиҳати мамлакатимизда истиқомат қилувчи кўпмиллатли халқларнинг турли диний эътиқодга мансуб бўлишига қарамай улар ўртасида дўстлик, барқарорлик ва тинчликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

1998 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 11 сессиясида жамият ривожига дин билан боғлиқ муаммоларга аниқлик киритиш ва турли хавф-хатарларнинг олдини олиш учун виждон эркинлиги ва диний ташкилот тўғрисидаги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Унда 1991 йилда қабул қилинган қонунга муайян вазиятдан келиб чиқиб қисман ўзгартиришлар киритилди.

Янги таҳрирдаги виждон эркинлиги қонунига киритилган янгиликлар асосан қуйидагилардан иборат:

- биринчидан, ёшларга диний таълим бериш хусусидаги ҳуқуқларни муҳофаза қилишга эътибор қаратилган, зеро шахс камолоти учун бу зарур жиҳатдир. Қонуннинг 3-моддасидаги 2-қисмида бундай дейилган: «Вояга етмаган болаларни диний ташкилотга жалб этиш, шунингдек, уларнинг ихтиёрига, ота-оналарига ёки уларни бошқарувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди»;

- иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўқув дастурига диний предметлар киритилишига йўл қўйилмайди (7-модда);

- учинчидан, диний таълим махсус ўқув юртларида амалга оширилади. Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаши учун диний ўқув юртлари ташкил этишга ҳақлидирлар;

- тўртинчидан, диндан сабоқ берувчилар, мураббийлар тегишли пухта билимга ва уни ўқитиш ҳақидаги махсус рухсатномага эга бўлишлари шарт;

- бешинчидан, қонун хусусий тартибда таълим беришни ман этади (9-модда). Қонуннинг бу жиҳати вояга етмаган

² Мунавваров З. Дунёвий жамият ва дин, Ислом: бағрикенглик, мутассиблик. Тўплам. Тошкент 1998. –Б.19.

ёшларни ва шахс камолотини тўғри йўлга солишига қаратилгандир;

- олтинчидан, виждон эркинлиги тўғрисидаги 1991 йилдаги қонуннинг 13-моддасида диний ташкилот юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиш учун уни тузган камида 10 кишидан иборат 18 ёшга тўлган фуқаролар Адлия вазирлигининг шу диний ташкилот фаолият кўрсатиши назарда тутилган ҳудуддаги идорасига Низомини илова қилиб ариза топширадилар, деб кўрсатилган эди. Янги таҳрирдаги қонунга биноан эса диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган ва Республика ҳудудида доимий яшаётган 100 нафардан кам бўлмаган фуқаролари ташаббуси билангина тузилади;

- еттинчидан, диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятини амалга оширади (8-модда 5-қисм).

Виждон эркинлигига киритилган қўшимчалар ва янгиликлар мамлакатимизда сиёсий барқарорликни таъминлашдаги яна бир муҳим омилдир.

Гарчи мустабид тузум даврида бу ҳуқуқлар чегараланган бўлса-да, бугунги мустақиллик шарофати билан у тўлиқ тикланди. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг маълумотларига кўра, респондентларнинг 99 % бу динга эътиқод қилишини билдирган.¹ Бу ўзбек халқи ичида ҳам аксарият кўпчилиكنи ташкил этади.

Бугунги статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 2003 йил ҳолатича 25,4 миллион аҳолининг 78-76 % ўзбеклар, тожиклар, 4,35 % руслар, 3,94 % қozoқлар, 1,19 % татарлар, 0,88 % қирғизлар, 0,69 % корейслар, 0,58 % туркманлар ва 2,67 % бошқа миллатлардир.

Давлатимизнинг динга нисбатан бўлган сиёсатида бу вазиятни ҳисобга олган ҳолда диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш имкониятларини кенгайтира борилади ва шу асосда мамлакатда тинчлик, барқарорликни мустаҳкамлаш имкониятлари ҳам кенгайиб боради. Диний бағрикенглик тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан қуришнинг муҳим шартидир².

¹ Академический доклад по результатам социологического исследования «Уровень религиозности». Т.: 2002. – С.4.

² Ибрагимов Э. Ўзбекистон – диний бағрикенглик ўлкаси. //Ўзбекистон – бағрикенг диёр. – Т.:”Ўзбекистон”, 2007. – Б.69

Конфессиялараро муносабатларнинг ўзаро ҳамкорлик, дўстлик йўлидан боришини таъминлаш давлатнинг сиёсати даражасига кўтарилган десак бўлади. Бу масалага давлатимиз раҳбари ўз асарларида алоҳида эътибор бериб келаётганини биламиз. Жумладан, Президентимиз И.Каримов шундай таъкидлаган эди: **«Фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаш қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни қарор топтириш мана шундай сиёсий давлат ва конституциявий тузумга эришиш калитидир»**.³ Бундай сиёсатга асосланган диний бағрикенглик шахс ва жамият тараққиётига ўз таъсирини кўрсатиши муқаррар. Шахснинг шаклланишида диний бағрикенгликдан ташқари дунёвий билимларда ҳам, динийликда ҳам тил билан дил бирлиги, ҳалол меҳнат билан кун кечириш, оилани боқиш, тарбиялаш, инсофли, диёнатли, адолатпарвар бўлиш, сахийлик, мурувватлилик, ўз халқи, унинг маданияти ҳақида қайғуриш, миллий ифтихорни оёқости қилишга йўл қўймаслик фақат етук виждонли шахсларгагина хос фазилатдир. Зеро, ана шундай шахслар ўз хатти-ҳаракатларини ўйлайдиган мезон-муайян ғоявий, ахлоқий, қадриятларга эга бўладилар.

Ўзбекистон фуқаролари, айниқса ёшлар динга берилган бундай эрқдан тўғри фойдаланишлари, айтилиши вақтда барча хатти-ҳаракатлар виждон эркинлиги доирасида бўлиши лозим. Ана шундай бўлгандагина диний эътиқод, унинг қадриятларининг шахс камолотини шакллантиришдаги ўрни орта боради. Жамиятда эса, барқарорлик, баҳамжиҳатлик, тинчлик сақланган ҳолда шахс ва жамият муносабатларида ўзаро ҳамкорлик, миллий ва умуминсоний қадриятлар шаклланиши билан тараққиётга ўз таъсирини ўтказади. Шу тариқа дин маънавий маданиятнинг таркибий қисми сифатида жамият истиқболида сиёсий барқарорликни таъминлашда муносиб ҳиссасини қўшади.

Диннинг шахс ва жамият тараққиётида сиёсий барқарорликни таъминлашдаги ўрнининг муҳим жиҳати шундаки, ҳозирги шароитда динга ва диний ташкилотларга берилган эркинликдан қонун доирасида фойдаланишдир. Шунинг учун диндан давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган хатти-ҳаракатларда фойдаланишга, ёшларни турли туман норасмий диний ҳаракатларга жалб қилишга йўл қўйилмайди. Мухтасар қилиб айтганда, шахс камолотининг мазмуни шундаки, у динга

³ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. //Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, Т.1.-Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – Б.48-49.

бўлган муносабатини мавжуд қонунлар асосида, хусусан виждон эркинлиги тўғрисидаги қонун асосида, - инсонпарварлик, ватанпарварликдан иборат маънавий-ахлоқий фазилатларини эса, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тамойиллари ва бошқа қонунлар асосида белгилайди. Ана шундай шахс ҳақиқий ватанпарвар, ўз халқи, миллатига содиқ маънавий қадриятларни ардоқловчи инсон сифатида намоён бўлади.

Тараққиётнинг ҳозирги шароитида, диний эъқоди турлича бўлган 130 дан ортиқ миллат истиқомат қилувчи Ўзбекистондаги мавжуд диний конфессиялар шахс ва жамият муносабатларини ҳуқуқий, сиёсий, ахлоқий фазилатларини шакллантириш орқали сиёсий маданиятни ҳам тарбиялашга кўмаклашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-сессияси якунловчи мажлисида сўзлаган нутқида **«Минг йиллар давомида турли-туман дин, маданият ва турмуш тарзига эга бўлган халқларнинг биргаликда яшаши ва ҳамкорлиги маркази бўлган Ўзбекистон бунинкор этиб бўлмайдиган тасдиғидир»**,¹ деган эди.

Давлатимиз раҳбари ЮНЕСКОнинг 155-сессиясидаги сўзини давом эттириб, шундай деган эди: **«Қадим замонлардан бу ерда мусулмончилик, насронийлик, яҳудийлик, буддавийлик ва бошқа кўпгина динлар нафақат бирга яшаган, балки бир-бирини тўлдирган, бойитган. Айнан шу заминда юз йиллар давомида дунё маданиятларининг катта миқёсдаги бир-бирини бойитиш жараёни юз берган Ўзбекистонда турли диний оқим ва конфессияларнинг мавжудлиги ҳам шу билан изоҳланади»**.¹

16-ноябр 1995 йилда ЮНЕСКО аъзолари бўлган 185 давлатлар томонидан бағрикенглик принциплари Декларацияси қабул қилинди. Декларациянинг 1-моддасида бағрикенглик ўзимиз яшаб турган дунё маданиятининг бой ва хилма-хиллигини, инсон индивидуаллиги намоён бўлиш шакллари ва усуллари хурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушуниш, виждон ва эътиқод эркинлиги сифатида изоҳланган. **«Бағрикенглик - бу кўп қирралликда намоён бўлувчи бирликдир.**

¹ Каримов И.А. ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якунловчи мажлисида сўзлаган нутқи: Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз, Т.7.-Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – Б.203.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якунловчи мажлисида сўзлаган нутқи: //Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз, Т.7.-Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – Б.203-204.

Бу маънавий бурч бўлибгина қолмай, айна бир пайтда сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир».²

Бугунги кунда жаҳонда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш муаммоси кўпчилик давлатларнинг барча сайи-ҳаракатларини ишга солишни тақозо этмоқда. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг, хусусан виждон эркинлиги қоидаларининг издан чиқиши, турли динларга мансуб бўлган халқларнинг диний эркинликларини назар писанд қилмаслик, турли можароларнинг келиб чиқиши, миллатлараро келишмовчиликка олиб келиши натижасида давлатларнинг сиёсий барқарорлигига путур етказиши мумкин.

Шунинг учун ҳам, мустақиллигимизнинг биринчи йилларидаёқ инсон ҳуқуқлари, виждон эркинлиги, диний эътиқод масалалари билан боғлиқ диний бағрикенглик давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда динлараро ва миллатлараро муносабатлар давлат билан диний ташкилотлар ўртасида яхши алоқалар йўлга қўйилганлиги нафақат республикамизда диний бағрикенгликни, балки ижтимоий-сиёсий барқарорликни ҳам таъминлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Масалан, ноислом конфессияларининг 100-120 нафар вакили Россия ва Исроилдаги муқаддас жойларни зиёрат қилдилар ва жамиятда тинчлик ҳамда барқарорликни таъминлашга замин бўлувчи сиёсий барқарорликни шакллантиришдаги динларнинг роли ва ўрни хусусида суҳбатлар ўтказдилар.

Давлатимизнинг динга нисбатан сиёсати, унинг конституциясидаги инсон ҳуқуқлари, эътиқод ва виждон эркинлиги тамойилларига асосланиб, бирор миллатни ёки диний эътиқодни камситишга йўл қўймайди. Аксинча, республикамиздаги мавжуд бошқа конфессияларнинг ҳам ривожланишига доимо эътибор қаратиб келмоқда. Масалан, тадқиқотчи Ф.Адилов мустақиллик йилларида юзлаб черковлар, сенагоглар ва дуо уйлари қурилиб, таъмирланганлиги, Тошкент, Самарқанд ва Навоий вилоятларидаги православ черковлари, Тошкент шаҳридаги католик костели, Самарқанд шаҳридаги арман апостол черкови, Тошкент шаҳридаги будда ибодатхоналари фаолият кўрсатаётганлиги ҳақида ёзади.¹

² Юнусова Олия. Марказий Осиё динлараро мулоқотнинг замонавий муаммолари. // Ижтимоий фикр: инсон ҳуқуқлари. Т.: 2002. № 4. – Б.58.

¹ Ф.Адилов. Ўзбекистонда конфессиялараро келишувни мустаҳкамлаш масалалари. Бағрикенглик жамият барқарорлигининг асоси. (Илмий-амалий анжуман материаллари)-Т.: 2002. – Б.36.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг маънавий замини бўлган диний бағрикенгликни тўлиқ таъминлашга йўл очилганлиги ва қонуний кафолатланганлиги юқорида келтирилган далиллардан яққол кўринади. Бинобарин, барча фуқароларнинг эътиқод ва виждон эркинликлари тўла таъминланганлигини республикаимизда ҳозирги пайтда 17 турдаги 170 дан зиёд диний ташкилотлар фаолият кўрсатишида яққол кўриш мумкин.

Бунинг исботи сифатида Президент И.Каримов ўз нутқида шундай таъкидлаган эди: **«Мен фахр билан айтишим мумкинки, халқимизнинг бутун тарихи давомида ҳеч қандай диний низо, одамларнинг миллати ва диний мансублигига қараб айириш ҳоллари бўлмаган ва бунга биз ҳеч қачон йўл қўймаймиз».**²

Шахснинг меҳр ва мурувватлилик каби юксак ахлоқий фазилатга эга бўлишида барча объектив ва субъектив омиллар қатори диний қадриятларнинг таъсири каттадир. Агар шахс тарбиясида диннинг эзгулик хусусиятлари асос қилиб олинмаса, дунёқараши шаклланаётган ёш авлоднинг диндан ғаразли ниятда фойдаланувчилар таъсирига тушиб қолиши осон бўлади. Мадомики, шундай экан шахс камолотининг тўғри йўналтирилиши жамият тараққиёти йўлидаги муҳим жиҳатдир.

Халқимизнинг минталитетига хос бўлган миллийлик ва миллий қадриятлар билан исломий қадриятлар уйғунлашиб кетганлиги, бу жараённинг ёшлар тарбиясига, шу жумладан, қалб нуридан келиб чиқувчи меҳр ва мурувватли ҳиссиётлар турли норасмий диний оқимларга берилишига йўл қўймайди. Аксинча, бундай ёшларда ватанига ва халқига муҳаббат ҳисси кучая боради.

Шу ўринда шахс камолотида ота-оналарнинг маънавияти ва маданияти даражаси, ўз зурриётига сингдираётган тарбиясининг ҳозирги замон талабига мослиги, айниқса, уларнинг диний маълумотининг тўғри йўналишда бўлиши муҳим аҳамиятга эга.

Яна халқимизда «Ота рози, Худо рози» деган мақол ҳам бор. Демак, болалар тарбиясида ота-онанинг ҳуқуқи ва бурчи тенгдир. Шу баробарида уларнинг диний илмлардан хабардорлик даражаси ҳам муҳимдир.

² Каримов И.А. ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якунловчи мажлисида сўзлаган нутқи. //Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз, Т.7.-Т.: “Ўзбекистон”, . 1999. – Б.204.

Ёш авлодда меҳр ва мурувватлилик туйғуси оилада бошланар экан, кейинчалик унинг мазмуни ўқув масканларида, меҳнат жамоаларида бойиб боради.

Бундан ташқари, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларидаги салбий муҳит ёшларни турли ҳулқни бузар жамоа (ўртоқлар)га, норасмий диний ҳаракатларга, рекетчилар гуруҳига қўшилиб қолиши ва бошқалар улардаги яхши фазилатларнинг йўқолишига сабаб бўлади, жамиятдаги тинчлик ва барқарорликка путур етказди.

Мамлакатимиз кишиларини, айниқса ёшларни комил инсон бўлиб етишиб чиқиши учун улкан маданий-маърифий ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада маънавий меросимиз ва диний (исломий) таълимларнинг ҳам ўрни бекиёсдир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек: **«Ислом – ота-боболаримиз дини – мусулмонларнинг онги, туриш-турмушининг моҳияти, ҳаётининг ўзидир».**¹

Ватанимизда демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шаклланаётган ҳозирги шароитда кишилар ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, саҳоватлилик, меҳр ва мурувватлилик каби ахлоқий мезонларни мустаҳкамланиши шахс ва жамият муносабатларининг ўзаро таъсири ва ривожланишига, янги жамият истиқбол режаларининг амалга ошишига кўмаклашади.

Ҳар бир шахс муайян жамиятнинг аъзоси сифатида ўз малакаси, қалбига жойлашган меҳр ва мурувватлилик даражасида жамият тараққиётига муайян ҳиссани қўшади, жамият эса ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари нуктаи-назардан келиб чиқиб, шу йўналишга мос шахсларни тарбиялашни кўзда тутади.

Халқимиз олдида турган жуда катта вазифалар қатори фуқароларда меҳр ва мурувватлиликни мустаҳкамлаш масаласи ижтимоий тараққиётимизнинг жуда кўп йўналишларига боғлиқ ҳолда кечади. Чунки, бу туйғу янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлидаги мақсад ва интилишларимизни рўёбга чиқаришнинг муҳим омилларидан биридир.

Юқорида баён этилган фикрлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: биринчидан, XX асрнинг охирги чораги XXI асрнинг ҳозирги шароитида жаҳон халқлари ҳаётида глобаллашув муаммолари юзага кела бошладики, бу жараённинг бир йўналиши миллатлараро ва динлараро муносабатларда

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли: //Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, Т.1.– Т.: “Ўзбекистон”, 1996. – Б.48.

бўлиб, кўпгина мамлакатларда диний бағрикенгликни таъминлаш орқали жамият тараққиётида ижтимоий-сиёсий барқарорликни шакллантириш зарурияти туғилди; иккинчидан, диний бағрикенгликка асосланган онгни барча жаҳон халқларида, уларнинг миллати, ирқи, тили, дини, маданиятидан қатъий назар шакллантириш дин эркинлигини умумжаҳон миқёсида ҳал этиш билан боғлиқдир. Шу боисдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт», «Дин ёки эътиқодлар замиридаги муросасизлик ва камситишнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги декларация» ва бошқа бандларида ўз ифодасини топган. Масалан, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида «ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга» (18-модда). «Ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир, фақат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин» (22-модда);¹ учинчидан, Ўзбекистонда дин ва эътиқод эркинлигининг тўлиқ таъминланиши ва унинг конституцион кафолатланиши мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда мавжуд динларнинг ўрни ва ролини ошиб боришига маънавий замин яратади; тўртинчидан, демократик, ҳуқуқий ва инсонпарварлик жамияти бунёд этиш жараёнида сиёсий барқарорликни таъминлаш шахс ва жамият муносабатларига оид муаммолар билан ҳам боғлиқ. Шундай муаммолардан бири шахсда ва умуман жамиятда диний ва сиёсий онг даражасини илмий асосда шакллантириб бориш муҳимдир; бешинчидан, давлатимизнинг динга нисбатан сиёсатида диний қадриятлар барча миллий қадриятлар қаторида тенг ҳуқуқли деган тамойилларга асосланиб, шахс ва жамият тараққиётида барқарорлик диний ва миллатлараро бағрикенгликни таъминлашда кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

¹ Дин эркинликлари соҳасидаги халқаро ҳужжатлар. // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. 1999. № 3-4. – Б.4.

ХУЛОСА

Кишилиқ жамиятининг илк давридан бошлаб шахс ва жамият муносабатлари масаласи ва у билан узвий боғлиқ ижтимоий тараққиёт муаммоси ҳамма вақт илғор фикр эгаларининг диққат марказида бўлиб келган. Бу ҳақдаги дастлабки тушунчалар диний тасаввурлар, қарашларда ўз ифодасини топган, яъни шахс ва жамият фаолиятига ўз таъсир кучини кўрсатувчи ташқи кучлар мавжуд, деган фикрлар шакллана бошлаган. Кейинчалик диний тизим, жаҳон ва миллий динларнинг шаклланиши билан уларнинг диний манбаларида шахс ва жамият муносабатлари ҳамда ривожланиш йўллари

худонинг иродаси билан бошқарилади, деган тасаввур ва тушунча мустаҳкамланган.

Шундай қилиб, жаҳон динлари буддавийлик, христианлик ва ислом таълимотларида шахс ва жамият муносабатлари билан боғлиқ омилларнинг диний тушунчаси вужудга келган.

Ижтимоий тараққиётда шахс ва жамият муносабатлари муаммосига диний қарашлардан ташқари, илмий ва фалсафий ёндошувлар ҳам бир вақтда шакллана борган. Улар фан далилларига суянган ҳолда шахс ва жамият билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ва фалсафий тушунчасини ишлаб чиқиб, ҳаётга тадбиқ қилишга ҳаракат қилганлар.

Монографияда илгари сурилган мавзу, унинг мазмун-моҳияти ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда шахс ва жамият муносабатларининг ислом таълимоти манбаларидаги ақидавий ва ҳуқуқий асослари, Марказий Осиё мутафаккирлари дунёқарашида шахс ва жамият муносабатларининг назарий масалалари таҳлил қилиниб, уларнинг ҳозирги давримиз учун маълум даражадаги ижтимоий ва маънавий-ахлоқий аҳамиятга эга эканлиги етарли маълумотлар таҳлилида асослаб берилди. Шунингдек, шахс ва жамият муносабатлари масаласини ҳозирги даврда турли экстремистик гуруҳлар томонидан сиёсийлаштиришнинг Ўзбекистон миллий хавфсизлиги ва ижтимоий-сиёсий барқарорлиги учун таҳдидининг мафкуравий ва ғоявий жиҳатлари ва уларнинг амалдаги салбий оқибатлари таҳлил қилинди ҳамда бу ҳақда хулосалар қилинди.

Монографияда диний экстремизмнинг шахс ва жамият муносабатларини сиёсийлаштиришига қарши мафкуравий ва ғоявий муҳим кураш воситаси — диний бағрикенглик анъаналарининг тарихий илдизларига суянган ҳолда уни яна ҳам ривожлантириш вазифалари ҳамда уларнинг мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашдаги ҳамда фуқароларни маънавий-ахлоқий тарбиялашдаги юксак аҳамияти ёритилди.

Монографияда ёритилган масалалар таҳлили бўйича қуйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

1. Шахс тушунчаси унинг муайян жамиятда тутган ўрни билан белгиланади. Шахсни жамият шакллантиради, унда физиологик омиллар билан бир қаторда ижтимоий омиллар муҳим рол ўйнайди.

2. Шахс ва жамият муносабатларида инсоннинг ўзлигини муайян даражада шахс эркинлиги белгилайди ва шу

хусусиятлари билан жамиятда иштирок этиб, унинг ривожига муносиб ҳиссасини қўшади. Жамият маданиятида шахснинг етуклик даражасига эътибор қаратилади.

3. Шахс ва жамият муносабатларини ҳуқуқий тамойиллар асосида мустаҳкамлаш, маданий-маърифий ҳаётни юқори босқичга кўтариш фуқаролик жамияти барпо этишга асос бўлиб хизмат қилади.

4. Барча жаҳон динларида шахс ва жамият муносабати масаласи у ёки бу даражада худо иродаси ва хоҳишининг намоён бўлиши билан боғлиқ ҳолда қаралсада, маълум даражада инсон эркин ҳатти-ҳаракати, фаолияти ва улар учун масъуллиги масаласига ҳам эътибор қаратилган.

5. Ислом динида инсоннинг моҳияти, жамиятда тутган ўрни, жамият ва умуман инсоният олами билан муносабати, жамият ва Аллоҳ олдидаги бурчи, маънавий қиёфаси каби масалаларга бир томондан, инсоннинг Аллоҳ томонидан берилган улугъ неъмат-ақлга мувофиқ ҳатти-ҳаракат қилиши зарурлиги билан қаралса, иккинчи томондан унинг ижтимоий моҳияти нуқтаи-назаридан ёндашилади.

6. Тасаввуфда инсон ва жамият муносабатлари масаласи инсоннинг ўз «мен»идан озод бўлиб (фано – Х.,Я) ички ҳиссиётлари билан Аллоҳга сингиб абадийликка айланиши (фано фил бақо – Х.,Я) тарзида ўртага ташланади. Баҳоуддин Нақшбанд тариқатининг бош шиори – «Дил ба ёру даст ба кор» («Дил Аллоҳда, қўл ишда») шахс ва жамият муносабатларини шакллантириш бўйича кенг имкониятларни очиб беради.

7. Исломий манбалар - Қуръон, ҳадис ва шариатнинг асоси бўлмиш фикҳ (мусулмон ҳуқуқшунослиги) да шахс ва жамият муносабатлари масаласи мумкин қадар адолат мезони, инсонпарварлик ва бағрикенглик ҳис-туйғулари, инсонларни ҳамжиҳатликка даъват этувчи ғоя ва анъаналарга бой бўлган. Буларни халқ онги ва шуурига сингдиришда Исмоил Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Бурхониддин Марғиноний каби муҳаддис ва фақиҳларнинг хизмати катта бўлган.

8. Шахс ва жамият муносабатларининг назарий масалалари ўрта асрларда қатор Марказий Осиёлик мутафаккирлар асарларида мавжуд ижтимоий-иқтисодий, тарихий-сиёсий, маданий-маънавий воқеликка татбиқ қилинган ҳолда ишлаб чиқилди ва ўрта асрлардаёқ жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашда, шахс ва жамият муносабатларини уйғунлаштиришда ўзининг айрим ижобий самараларини берди.

Уларнинг ғоялари ҳозирги давримиз учун ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда.

9. Ўзбекистонда ислом динини сиёсийлаштириш орқали мамлакатимиз фуқароларига, айниқса бу борада етарли билими бўлмаган ёшларга ўз таъсирини ўтказишга уринувчи экстремистик гуруҳларнинг нияти фақат исломни тарғиб қилиш эмас, балки асл мақсади шахс ва жамиятга таъсир кучини ўтказиб, террорчи кучлар билан бирлашиб ислом давлатини ўрнатишдир.

10. Диний экстремистик ҳаракатларнинг мустақил Ўзбекистон учун энг катта зарарли оқибати – мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигига ижтимоий-сиёсий, мафкуравий ғоявий ва маънавий жабҳалардаги таҳдиддир.

11. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда фуқаролар онгига диний бағрикенглик ғояларини сингдириш фақат ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлабгина қолмасдан, диний экстремистик гуруҳларга қарши курашда ҳам муҳим ғоявий қурол бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Расмий ҳужжатлар

1. Каримов И.А. Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи. Президент И.Каримовнинг «Туркистон - пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси. // “Фуқаролик жамияти”. Т.: 2007. - № 1(9). – Б.4-6.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. //Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида, Т.6.-Т.: «Ўзбекистон», 1998.-Б.52. 54. 57. 127. 138. 128-129. 54. 57. 56-57. 60-61. 53.

3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этишдир: Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди, Т.13-Т.: «Ўзбекистон», 2005.-Б.183.200.

4. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари: //Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11-Т.: «Ўзбекистон», 2003.-Б.33.278.49

5. Каримов И.А.Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос йўли: //Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.-Т.: «Ўзбекистон» 1996.-Б.290.26.48-49.

6. Каримов И.А.Бурхониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. 2000 йил 16 ноябр. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9.-Т.: «Ўзбекистон». 2001.-Б.117.118.

7. Каримов И.А. Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин: //Бунёдкорлик йўлидан. Т.4.-Т.: «Ўзбекистон», 1996.-Б.342.

8. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12.-Т.: «Ўзбекистон», 2004.-Б.346.

9. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизда, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ: //Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12.-Т.: «Ўзбекистон», 2004.-Б.252.262.

10.Каримов И.А. ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг яқунловчи мажлисида сўзлаган нутқи: //Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7.-Т.: «Ўзбекистон», 1999.-Б.203.204.

11.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8.-Т.: «Ўзбекистон», 2000.-526 б.

12.Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т.5.-Т.: «Ўзбекистон», 1997.-384 б.

13.Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3.-Т.: «Ўзбекистон», 1996.-367 б.

14.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2003 – 35 б.

15.Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 1997 йил 29 август. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т.: “Адолат”, 1998, 17 – сон.236 б.

16.Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.-Т.: “Ўзбекистон”, 1997–75 б.

17.«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. Т.: “Адолат”, 1998.-32 б.

II. Монографиялар

18.Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-жилд.-Т.: «Мерос», 1992. - Б. 75.

19.Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т.: «Фан», 1993. – 224 б.

20.Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида.- Т.: «Ёзувчи», 2001. – Б.27, 28, 29, 30.

21.Абдуллаев Е.В. Очерки культурў доисламской Центральной Азии: религия, философия, право. – Т.: 1990. – 160 с.

22.Абдурахмонов А. Саодатга элтувчи билим. (Дин, фалсафа, ҳаёт, маънавият ва маърифат сабоқлари) – Т.: Мавороуннахр. 2004. – Б.7.

23.Азизхўжаев А. Чин ўзбек иши.-Т.: «Академия», 2003.- 133 б.

24.Азимджанова С. Бабур и его труд Бабурнаме // В.кн. Бабурнаме. Записки Бабура. – Т.: Главная редакция энциклопедий, 1994. – С.19.

25.Академический доклад по результатам социологического исследования. Уровень религиозности.- Т.: 2002. – С.4.

26.Алиев А. Истиклол ва адабий мерос. – Т.: Ўзбекистон 1997.- 118 б.

а. 27 Алишер Навоий. Асарлар: Т.6: Хамса. Ҳайратул аброр. - Т.: 1965. – Б.101.

27.Аликулов Х. Давоний.- Т.: Ўзбекистон 1992. – Б.30.

- 28.Амир Темур. Темур тузуклари.- Т.: F.Фулом. 1996. – Б.53, 55.
- 29.Амир Темур Кўраган. Зафар йўли.- Т.: Нур 1992. – Б.9, 12
- 30.Арабско-русский словарь. Составитель А.К. Баранов. – М.: ГПС. 1957.-С.754
- 31.Аристотель, Метафизика. Сочинения. 8.4-хт. АН СССР, Ин-т философии. – М.: Мўсль. 1975. – 550 с.
- 32.Аристотель. Политика. Соч. в 4-х томах. Т. 4 – М.: Мўсль, 1984. – С. 379.
- 33.Афлотун. Қонунлар. Рус тилидан Ўрфон Отажон таржимаси. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – Б.95-96.
- 34.Бердяев Н. Смўсль истории.-М.: Мўсль, 1990.-173 с
- 35.Беруни. Определение границ мест для уточнения расстояния между населенными пунктами. Геодезия. Избран. произв. Т. III. Т.: 1966. – С.83.
- 36.Беруни. Избран. произв. Т.4 Т.: Фан, 1973. – С. 1120
- 37.Беруний. Ҳиндистон. Танланган асарлар. Т. II. Т.: «Фан» 1965. – Б.409, 67, 68.
- 38.Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т.1.-Т.: Фан, 1968.-486 б.
- 39.Бехбудий М. Танланган асарлар.-Т.: «Маънавият», 1999. – 280 б.
- 40.Бурҳониддин Марғинович. Ҳидоя. I жилд. Никоҳ китоби.- Т.: «Адолат», 2002. – Б.720, 725, 667, 668, 675, 680.
- 41.Бурҳониддин Марғинович. Ҳидоя I жилд. Закот китоби.- Т.: «Адолат», 2002. – Б.378, 340, 341, 361, 413, 407, 406, 400.
- 42.Бобур. Бобурнома. – Т.: «Юлдузча», 1989. – 368 б.
- 43.Бобожонова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар.-Т.: «Шарқ», 1999.-160 б.
- 44.Буюк сиймолар, алломалар: Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккирлар ва донишмандлар К.1.-Т.: «Ўзбекистон», 1995.-101 б.
- 45.Гольдцигер И. Ислом ҳақида маърузалар.-Т.: «Академия», 2001.-46 б.
- 46.Джаббаров И., Дресвянская Г.,. Духи, святые, боги Средней Азии: Очерки по истории религии.- Т.: «Узбекистан», 1993 – 222 с.
- 47.Дж Локк. Избр. философские произведения.-Т. 1-М.: 1960-С.338.
- 48.Жабборов И.М. Ўзбек халқи этнографияси.-Т.: «Фан», 1994 – 312 б.

- 49.Жабборов И.М. Рухий олам: жаҳолат ва камолот.-Т.: «Ўзбекистон», 1988 – 391 б.
- 50.Жалолов А. Мустақиллик масъулияти (сиёсий фалсафий қирралари). - Т.: «Ўзбекистон», 1996.-255 б.
- 51.Жалолов А. Ўзбекистон: мустақиллик, маънавият, мафкура.-Т.: «Ўзбекистон», 1994.-96 б.
- 52.Жалилов Ш. Кучли давлатдан кучли жамият сари.-Т.: «Ўзбекистон», 2001. – 160 б
- 53.Жўраев Н. Агар огоҳ сен.-Т.: «Ёзувчи», 1998.-272 б.
- 54.Жўраев Н. Халқаро терроризм ва минтақавий можаролар.-Т.: «Маънавият», 2001.-23 б.
- 55.Захруллаев А. Ғоялар кураши.-Т.: «Мовароуннаҳр», 2000.- 64 б.
- 56.Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мубаййин.- Т.: 2000. – Б.5.
- 57.Зоҳидий А. Туркистонда ўрта аср араб-мусулмон маданияти.-Т.: «Фан», 1993.-120 б.
- 58.Иброҳимов А. Биз ким? Ўзбеклар.-Т.: «Шарқ», 2000.-400 б.
- 59.Иброҳимов А ва бошқалар. Ватан туйғуси.-Т.: «Ўзбекистон», 1996.-397 б.
- 60.Ибн Сино ва «Тадбири манозил» маънавий-ахлоқий қадриятлар мутафаккирлар талқинида. Андижон. 2003. – Б.46.
- 61.Ибн Сино. Тиб қонунлари: 3 жилдлик сайланма /Тузувчилар: У.Каримов, Ҳ.Ҳикматуллаев. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, Ж.И. – 1992. – 302 б.
- 62.Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал – адаб-ал – муфрад (Адаб дурдоналари)-Т.: «Ўзбекистон», 1990.-Б.76
- 63.Имомназаров М., Эшмухаммедова М. Миллий маънавиятимиз асослари, Тошкент Ислом университети.- Т.: 2001 – 432 б.
- 64.Инжил. Стокгольм. Библияни таржима қилиш институти. 1992.-Б.368
- 65.Ислам: Энциклопедический словарь. М.: «Наука». 1991. – С.27-28
- 66.Ислом, тарих ва маънавият.–М.М.Хайруллаев, Ҳ.Аликулов таҳрири остида. Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти.-2000. -112 б.
- 67.Кант И. Соч. В.6 – ти Т. [Под обх. Ред. В.Асмуса и др.] М., «Мўсль» 1965. – 544 с

68.Караматов Х. Диний қадриятлар миллий тараққиёт хизматида. Мустақилликнинг етти Наврўзи истиқлолнинг ойдин йўли.- Т.: «Шарқ», 1999.-102 б.

69.Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ҳақида. 1-Т.: «Ёзувчи», 1996. - Б.147.

70.Малик Мурод. Ўзбек қадриятлари (1-китоб)–Т.: «Чўлпон» 270 б.

71.Мунавваров З.И., В.Шнайдер – Детере. Ислам и светское государство.-С.9-10.

72.Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар) тўлдирилган қайта нашр. Хайруллаев М. М., таҳрири остида–Т.:А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти.-1999. – 400 б.

73.Наврўзова Т.Н., Зоиров Э.Х., Юнусова Т.С. Тасаввуфда инсон ва унинг камолоти масаласи. ЎзФА фалсафа ва ҳуқуқ институти. Т.2006. – Б.9, 10.

74.Ольшанской Д.В. Психология терроризма. Издательский дом «Питер» 2002. – С.193, 194, 166.

75.Пахрутдинов Ш. Таҳдид-ҳалокатли куч.- Т.: «Академия», 2000. – Б.107, 108.

76.Туленов Ж. Маънавият ва ижтимоий тараққиёт–Т.: «Меҳнат», 2000. - 38 б

77.Толкование священного Корана на арабском и русском языках//Перевод на русский язык. Сумайя Мухаммад А.Афифий, Салам ал-Мансий. Отв. редактор доктор филологических наук Р.Ходжаева КАИР. 1420 х (2000).

78.Фаробий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б.186.

79.Холматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси.-Т.: «Ўзбекистон», 2000.-215 б

80.Хожирахмедов А. Маҳалла одоби.-Т.: «Шарқ» нашриёти матбаа акциядорлик компанияси. 2001. – 48 б.

81.Хўжамуродов И.Р., Саъдуллаев Н.Э. Маънавият инсоний гўзалликдир. – Т.: «Меҳнат» 1998. –Б. 41.

82.Хўжамуродов И.Р., Саъдуллаев Н.Э. Маънавий баркамоллик-зийнатдир.-Т.: «Меҳнат» 2001.-196 бет.

83.Хўжамуродов И. Ислом, миллийлик, қадрият.-Т.: «Фан», 1993.-150 б

84.Хусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. Т.: Тошкент Ислом университети, 2006, 162 б.

85.Фалсафа: қомусий луғат (тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров)-Т.: «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти.- 2004.- Б.324.

86.Феврал воқеалари. 1999 йил 16 феврал.- «Ўзбекистон», 1999. – Б.16

87.Философский словарь. М.: Издательства инс-т.л-рў 1961.-С. 332-333.

88.Фозил Қори Ёсин Қори ўғли. Жума ўғитлари.–Т.: «Мовароуннахр». 1999.-Б.4.

89.Фозил Қори Ёсин Қори ўғли. Қалблар шифоси.–Т.: «Мовароуннахр». 2000.-255.б.

90.Қуръони Карим. Таржима ва изох муаллифи Абдулазиз Мансур: Масъул муҳаррир: Ҳамидулла Кароматов. – Т.: - Тошкент Ислон университети нашриёти. 2001. – Б.201, 392.

91.Қаршибоев А. Муслмончилик–эзгу фазилатлар мужассами.-Т.: «Мовароуннахр», 2001. - Б.78-79.

92.Ширин Акинер. Ислам постсоветской Центральной Азии. Ислам и светское государство –С.-9-10

93.Юсупов Э. Ислоний қадриятлар ва экстремизм.- «Тошкент». 1999. – Б.10, 12

94.Чориев А. Инсон фалсафаси (иккинчи китоб)- «Chinor» - Т.: 2002-Б.5

95.Yoldoshev S., Qodirov M., Usmonov M. Ajdodlarimiz merosi mafkuramiz gavhari. Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti.- Т.: 2001. -Б.39

96.«Яссавий ким эди?» - Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1994.-Б-1.

III.Тўплamlар

97.Агзамов Г.А. Ўрта Осиё халқлари шаҳарлари иқтисодий ва маданий ҳаёти бағрикенгликка оид айрим маълумотлар. «Бағрикенлик жамият барқарорлигининг асоси» - (илмий анжуман материаллари)-Т.: 2002. № 4. – Б-58.

98.Адилов Ф. Ўзбекистонда конфессиялараро келишувни мустаҳкамлаш масалалари. «Бағрикенлик жамият барқарорлигининг асоси»- (илмий анжуман материаллари)- Т.: 2002. Б-36.

99.Жаҳолатга қарши маърифат – тинчлик ва барқарорлик асоси. Илмий тўплам. Т.: Тошкент ислон университети. 2003, 215 б.

100. Ислам и светское государство. Материалы международного научно-теоретического Симпозиума состоявшегося 5-6 июня. 2002 г. в мемориальном комплексе Имама ал-Бухари, Республики Узбекистан – Ташкент.-Т.: 2002.-С.5

101. Ислам ва дунёвий-маърифий давлат. Имом ал-Бухорий Халқаро жамғармаси. Тўплам. Т.: 2003, 292 б.

102. Луқмонов А. Фундаментализм: тушунчалар муаммоси, бағрикенглик ва мутаассиблик. Тўплам.Т.: 2001. -Б.35

103. Мунавваров З.И. Дунёвий жамият ва дин. Ислам: бағрикенглик ва мутаассиблик. Тўплам.- Т.: 1998. Б.19

104. Усмонова Н. «Тошкент халқаро радиоси» интернетда «Ўзбекистон овози». 2003. 27 июн сони.

105. Усмонов М.О. Умар Ҳайём рубоийларида инсонни ижтимоий моҳият сифатида талқин қилувчи ғояларнинг тарбиявий аҳамияти. Умар Ҳайём Нишопурий – Шарқнинг буюк мутафаккири. Халқаро анжуман материаллари. Т.: 2004.

106. Ҳасанов А. Маънавиятимиз илдизлари ва ислом. Ислам: бағрикенглик ва мутаассиблик. Тўплам.-Т.: 1998.- Б.22

107. Ўзбекистон – бағрикенг диёр. – Т.: Ўзбекистон, 2007.- 279 б.

108. Норматов К., Қирғизбоев М. Тошкент – бағрикенг шаҳар. – Т.: “Фалсафа ва ҳуқуқ” институти нашриёти. 2007 – 68 б.

IV.Журнал мақолалари

109. Алиқулов Ҳ. Миллий мафкура ва ахлоқ.// «Мулоқат». – 1994. - № 7-8. -Б.9-14.

110. Алламов А. Бебаҳо маънавий мерос. // «Халқ таълими». – 1993. - № 2-3. - Б.57-58.

111. Бекмуродов М. Ўзбек менталитети: кеча ва бугун //«Мулоқат». - 2002. - № 3-4.-Б.24-25

112. БМТ исломофибияни қоралади. Интернет 13.04.2005.

113. Группировка «Ҳизбут - таҳрир» отказывается от своей причастности к событиям в Андижане. 14.05.2005. 19-36 РИА Ореанда.

114. Донцов В.Е. Ислам: основные принципы и сущность.– М.: Дипломатический ежегодник, //«Научная книга», 1997.-С.62-89.

115. . Дин эркинликлари соҳасидаги халқаро ҳужжатлар. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари // 1999.- № 3-4.-Б.4

116. “Непрекосновенный запас” // М.: 2002. № 6.

117. Мамашокиров С. Инсон маънавияти, зиддият //«Тафаккур».-2001.-№ 1.-Б.16-22
118. Саидов Акмал. Исломи ҳуқуқшунослик илми.-Т.: // «Мулоқат» 1998. - № 1. -Б.48-52
119. Тожибоев Назарбой. Дунёвий давлат ва дин.-Т.: // «Ҳаёт ва қонун» 2003. - № 5.-Б.51
120. Толипов Ф. Оилавий маросимлар: маҳалла анъаналари.-Т.: // «Жамият ва бошқарув» 2004. - № 2. -Б.78-79
121. Хусниддинов З. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик. // «Жамият ва бошқарув» 2003. – Б.10
122. Шарль Р. Мусулманское право // Предисловие Е.А. Беляева М. 1958.
123. Юсупова Олия. Марказий Осиёда динлараро мулоқотнинг замонавий муаммолари. //Ижтимоий фикр: инсон ҳуқуқлари-Т.: 2002. - № 4.-Б.58
124. Шомирова Ю. Ўзбек оиласи: маънавият тарихига бир назар. –Т.: // «Жамият ва бошқарув»-2002. - № 4.-Б.37-38
125. Stewart P.S Enfolding Islam. 1994 / Zithers press. U.K. 188
126. WWW. Internet. Islam ru.
127. Хуршид А. Islam: Basir prinsiplis and characteristics. Международнўй Исламский университет. 1-марта 1995 г.
128. С.Томиев. Имам ал Бухари. [http: //WWW. Islam hanse. Org/ru/ modules. Php? Name=ntws sfilc-article si sid-18.](http://WWW.Islamhanse.Org/ru/modules.Php?Name=ntws&file=article&sid=18)

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб. Шахс ва жамият муносабатлари масаласининг дунёвий ва диний талқини.....	9
1.1. Шахс ва жамият тушунчаларининг фалсафий таҳлили.....	9
1.2. Дин фалсафасида инсон ва унинг жамиятдаги ўрни талқини.....	19
II боб. Ислонда шахс ва жамият муносабатлари масаласининг ақидавий, ҳуқуқий ва назарий масалалари.....	31
2.1. Шахс ва жамият муносабатларининг ақидавий ва ҳуқуқий асослари.....	31
2.2. Марказий Осиё мутафаккирлари дунёқарашида шахс ва жамият муносабатларининг баъзи назарий масалалари.....	49
III боб. Ўзбекистонда динни сиёсийлаштиришнинг миллий хавфсизлик ва ижтимоий-сиёсий барқарорликка таҳдиди, унга қарши кураш воситалари.....	65
3.1. Диний экстремизмнинг шахс ва жамият муносабатлари уйғунлигини таъминлашдаги зарарли оқибати.....	65
3.2. Диний бағрикенглик – диний экстремизмга қарши курашнинг мафкуравий воситаси.....	83
Хулоса	99
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	102

ҚАЙДЛАР УЧУН

*Хўжамуродов Иброҳим Рўзиевич,
Якубов Юсуф Мингишевич*

ИСЛОМ: ЖАМИЯТ ВА ШАХС
Фалсафий нашр
Монография

Муҳаррир: *С. Ўтанова*

Мусахҳиҳ: *Н. Бекмуродов*

Компютерда саҳифаловчилар: *Ш. Акбаров, Б. Нурматов*

*Монография Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёт
ва маркетинг бўлимида чоп этиш учун тайёрланди.*

Босишга рухсат берилди 2.08.07. Бичими 84/108 1/32. Шартли босма табағи – 8,2.
Нашриёт босма табағи – 7.0. Буюртма № 61. Адади 500 нусха. Баҳоси келишилган
нархда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасининг 21-0941 сонли гувоҳномаси
асосида ТошДАУ нашр таҳририяти бўлимининг **РИЗОГРАФ** апаратида чоп этилди.